

ГУЛАНДОМ ЮНУСОВА

**АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНИЙ
ВА ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИ**



84

10-49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ И.М.МУМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА
ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

Гуландом Юнусова

**АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНИЙ ВА ҚОДИРИЯ
ТАЪЛИМОТИ**

Тошкент – 2009

Бух. тили
№ 24434

Тасаввуфнинг қодирия таълимоти асосчиси Абдулқодир Гийлоний (Ғавсул Аъзам) ҳаёти ва маънавий мероси нифақат илм аҳлини, балки кенг китобхонлар оммасини ҳам қизиқтириб келган. Мутасаввифнинг ижодий мероси ва қодирия таълимотининг фалсафий-маърифий, ижтимоий-ахлоқий моҳиятини тадқиқ этишга бағишланган ушбу монографияда илк бора Гийлоний биографияси, асарларининг манбалари изчил ўрганилган.

Қодирия таълимотидаги бунёдкор ғояларнинг моҳияти ва улардан баркамол инсон тарбияси жараёнида фойдаланиш масалалари ушбу асарда ёритилган. Унда мавзуга оид манбалар, чет эл ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари таҳлил этилган. Китоб файласуфлар, тарихчилар, филологлар, илмий тадқиқотчи ва тасаввуф таълимотини ўрганувчилар, талабаларга мўлжалланган. Шунингдек, асар ғояларидан фалсафа, ахлоқшунослик, нафосатшунослик, диншунослик, маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси фанларини ўтиш ва маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Мисъул муҳаррирлар:

Фалсафа фанлари доктори –
Гулчеҳра Нёматовна
Наврўзова,
Фалсафа фанлари доктори,
профессор –
Расулжон Носиров.

Такризчилар:

Фалсафа фанлари номзоди,
доцент **Ойгул Турсуновна**
Шарипова
Филология фанлари номзоди
Отабек Рустамбекович
Журабоев

Илмий муҳаррир:

Тарих фанлари доктори,
профессор **Карим Норматов**

Бух ОО ва ЕСТИ Илмий Кенгаши №10 баённомасидан
кўчирма (30.06.08)га асосан нашр қилинмоқда.

МУҚАДДИМА

Мустақил Ўзбекистонимизда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётганлиги ва бу соҳада тарихий хотиранинг ошаётганлиги сабабли фан тараққиёти фалсафа тарихининг асосий йўналишларини ўрганишни талаб этмоқда. Зеро, фаол ва ижодий онгга эга бўлган кишиларни тарбиялаш нихоятда долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув жараёнида ёшларни ҳар қандай ғоявий хуруж, мафкуравий тазйиқ, ахборот ҳужумларидан асрай олиш бугунги куннинг муҳим муаммоларидан биридир. Демак, юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантириш мустақил Ўзбекистоннинг стратегик мақсадларидан биридир. Ушбу мақсад буюк аجدодларимизнинг тарихий-маданий ва ижтимоий-ахлокий меросини чуқур ўрганиш, ундаги инсонпарвар ғоялардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов айтганидек "... юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларга, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат - эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш"¹ миллий тараққиётнинг, стратегик мақсадга етишнинг муҳим шартидир. Шунинг учун буюк аجدодларимизнинг тарихий-фалсафий ва ижтимоий-ахлокий меросини ўрганишга Республикамизда катта эътибор берилмоқда.

Ушбу монография улуғ шайх ва шоир Саййид Абдулқодир Гийлоний ҳаёти ва фаолияти, асарлари ва у асослаган қодирия

таълимотининг фалсафий-ирфоний, ижтимоий-ахлоқий моҳияти тадқиқига бағишланган. Гарчанд бу зоти шариф Ўзбекистонда яшамаган бўлса-да, унинг таълимоти ихлосмандлари бу заминда кўп бўлганлиги² ҳақида маълумотлар бор.

Гийлоний меросини яхлит ўрганиш ва илмий асослаш учун тадқиқотнинг асоси сифатида қуйидаги вазифаларни ўз олдимизга қўйдик:

- мутасаввиф ҳаётига оид маълумотларни жамлаш ва биографиясини тузиш;

- қодирия таълимотининг фалсафа тарихида тутган ўрнини аниқлаш;

- борлиқ категориясини таълимот асосида очиб бериш;

- қодирия таълимотининг ирфоний-билиш муаммоларини тадқиқ этиш;

- мазкур таълимотдаги инсон танаси ва руҳининг диалектик алоқаларини ўрганиш;

- қодирия таълимотидаги бағрикенглик тамойилининг хусусиятларини ёритиш;

- инсон камолотига, нафс ва уни тарбиялашга қодирия таълимотининг муносабатини аниқлаш;

- таълимотдаги ахлоқий тамойилларнинг аксиологик қирраларини таҳлил қилиш;

- миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишида қодирия таълимотидан фойдаланиш йўллари аниқлаб бериш.

Муаммонинг ўрганилиш тарихи ҳақида. Қодирия таълимоти тўғрисида қўлёзма ва тошбосма манбалар мавжуд³.

Тасаввуф таълимоти ва тариқатларига оид асарларда ҳам қодирия таълимоти у ёки бу даражада таҳлил этилган⁴. Саййид Абдулқодир Гийлоний(471-561 х.й)нинг асарларида⁵, маноқиб⁶ ва бошқа манбаларда⁷ ушбу таълимотнинг моҳият-мазмунини очиб берилган. Қодирия таълимотининг тадқиқ этишда бир қатор ўзбекистонлик тасаввуфшунос олимларимиз А.Ш.Жузжоний⁸, И.Остонақулов⁹, С.Олимов¹⁰, О.Журабоев¹¹ ва бошқалар¹²нинг асарлари диққатга сазовордир.

Абдулқодир Гийлонийнинг таржимаи ҳоли келтирилган кўпгина асарлар учун инглиз шарҳшуноси Олворт махсус рўйхат тузган.

Қодирия таълимотининг тўлиқ моҳиятини очиш учун уни тариқатлар тизимида ўрганиш зарур. Тасаввуфнинг суҳравардия тариқатининг О.Файзуллаев¹³, нақшбандия тариқатининг Г.Н.Наврўзова¹⁴, хожагон таълимотининг О.Т.Шарипова¹⁵, Н.Сафарова¹⁶, кубравия тариқатининг Н.Комилов¹⁷ ва гуманистик меросининг Ҳ.Алиқулов, Р.Носиров¹⁸ каби олимлар ўрганганлар. Бироқ улар қодирия тариқатининг махсус ўрганишни мақсад қилиб қўймаганлар.

Турк олими Усмон Турар¹⁹ қодирия таълимотининг пайдо бўлиши, тараққий этиши ва ушбу тариқат намояндаларининг ҳаёти, Маҳмуд Асъад Жушон²⁰ эса қодирия тариқати ҳақида қимматли маълумотлар берганлар. Аммо уларда диний-фалсафий ёндашиш устун туради. Инглиз олими Дж.С.Тримингэм қодирия таълимотининг 29 мустақил шахобчалари ҳақида қимматли далиллар йиққан²¹. Рус олими О.Ф.Акимускин

Дж.С.Тримингэмнинг “Исломда сўфийлик тариқатлари” китобига ёзган сўзбошида шундай фикрни илгари суради: “Қодириянинг рифоъиядан тарқаган деган тасдиқ шубҳалидир. Абдулқодир Гийлонийни сўфий бўлмаган деган тахминга ишонадиган бўлсак, унинг асосий меҳнати бўлган “Ал-қуния” асари мутасаввифнинг тасаввуф таълимоти нозикликларини чуқур ўзлаштирганлигини кўрсатадиган далилдир”²². Ушбу фикрини биз етарли далиллар билан исботлашга ҳаракат қилдик.

Рус тасаввуфшунос олими А.Д.Кныш Абдулқодир Гийлонийни машҳур воиз бўлганини таъкидлайди: “Абдулқодир Гийлоний диний-ҳуқуқий мактаб асосчиси бўлганлиги сабаб, ижтимоий фаолликка мойил эди. Унинг ваъз-насиҳатлари биринчи навбатда оддий халққа мурожаат сифатида янграгани боис атрофига нафақат бутун Ироқдан, балки мусулмон оламининг бошқа вилоятларидан ҳам тингловчилар оқими интилишар эди. Натижада Бағдод ҳокимияти Гийлоний учун махсус иншоот қуриб беради”²³. Демак, Абдулқодир Гийлоний нафақат тариқат асосчиси, балки фаол жамоат арбоби сифатида ҳам машҳур эди.

Араб тадқиқотчиси Аҳмад ал-Нақшбандий ал-Холидий қодирия тариқатининг хусусиятлари, мақоми ва ўзига хос қирраларини очиб берган²⁴. Тожик олими М.Ҳазратқуловнинг “Тасаввуф” китобида бошқа тариқатлар қаторида қодирия ҳақида ҳам умумий маълумотлар берилган²⁵.

Ватанимиз ва хорижий мутахассисларнинг қодирия ҳақидаги маълумотлари биринчидан жуда қисқа ва умумий шаклда, иккинчидан фақат тарихчи ёки адабиётчилар томонидан

ўрганилган бўлиб, у фалсафий нуқтаи назардан, айниқса, унинг ижтимоий-ахлоқий моҳияти алоҳида ўрганилмаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Гийлоний биографияси ва кодирия таълимотини илмий ўрганиш мазкур монографияга асос бўлган номзодлик диссертация²⁶ ишига қадар махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Ушбу иш фалсафа тарихи нуқтаи назаридан шу кунга қадар изчил ўрганилмаган Саййид Абдулқодир Гийлоний ижодий меросини тўла қамраб олган.

Тадқиқотнинг манбалари асосан Ўрта Осиёда XIV-XIX асрларда кўчирилган кўлёзма ва тошбосма(литографик) китоблардир. Улар ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Бухоро шаҳар санъат музейи фондларида ва айрим кишиларнинг шахсий кутубхоналарида сақланмоқда. Бу манбалар – тазкира, девон, баёз, мажмуалардир.

Китобнинг асосий қисмига киришдан аввал, ушбу тадқиқотнинг юзага келишида қимматли маслаҳатларини аямаган устозим фалсафа фанлари доктори Г.Н.Наврўзовага миннатдорчилик изҳор этаман. Шунингдек, бу ишда ўз самимиятлари билан доимо маслаҳат берган олимлар Р.Н.Носиров, Ҳ.А.Аликулов, М.Усмонов ва О.Журабоевларга чексиз эҳтиром билдираман.

I БОБ. АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНИЙ - ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСЧИСИ

Абдулқодир Гийлонийнинг ҳаёт йўли ва маънавий мероси

Тасаввуф тарихида ўчмас из қолдирган, халқ ҳаётида буюк зот сифатида ном қозонган инсонлардан бири, кўплаб шоиру олимлар асарларида улуғ сифатлар билан ёдга олинган Абдулқодир Гийлонийнинг тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Муҳйиддин Абдулқодир ибн Абу Солихдир. Шайх Абдулқодир Гийлоний Расулulloҳ (сав) авлодларидан бўлиб, хижрий 470 (милодий 1077) йилда ҳозирги Эроннинг Гийлон кентида туғилган, хижрий 561(милодий 1166) йилда Бағдодда вафот этган. Шу шаҳардаги қабр-мақбараси ҳозирда гавжум зиёратгоҳга айланган.

Ислом дунёсининг машҳур шайхи, қодирия тариқатининг асосчиси бўлган бу зоти шарифнинг ҳаёти ва фаолияти борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Уларнинг бир қанчаси эса баҳслидир. Бу эса буюк шайхнинг жуда машҳурлиги ҳамда, ҳаёти ва фаолияти турли даврларда, турли шахслар томонидан ҳар хил талқин этилганлигидандир. Абдулқодир Гийлонийнинг таржимаи ҳоли келтирилган кўпгина асарлар учун инглиз шарқшунос олими Олворт²⁷ махсус рўйхат тузганлиги ҳақида олим О.Жўрабоев маълумот беради²⁸.

Алишер Навоий “Насойим – ул муҳаббат”²⁹ асарида Саййид Абдулқодир Гийлонийни Гийлон вилоятининг «Баштиз» деган

жойида туғилганлар деб маълумот беради. Табаристон деган жойда (Эрон) Гийлон (Жилон), Гилон ёки Гил деган ном билан маълум бўлган жой бўлган. “Жил” – Дажлага якин. Бағдоддан бир кунлик йўл экан. “Жил” дегани Мадянга якин экан. Шу икки жойни Гили, Гийлоний ва Жилони деб айтишар экан. Кўпчилик Ҳазрат Абдулқодир Гийлонийни икки мавзегга қарашли дейдилар. Навоий “Равзат-ун наводир” китобига иқтибос қилиб ёзадики, бу хатодир. У киши бу мавзеларда қисқа муддат яшаганлар. У киши аслан Гийлон вилоятидандирлар.

Саййид Абдулқодир Гийлоний кунияти ҳақида шундай маълумот бор: “Ул ҳазратнинг куният ва лақаб исми шарифлари Абу Муҳаммаддур ва лақаблари Муҳйитдин ва исмлари Абдулқодирдирлар. Ул ҳазратнинг оталари тарафидан нисбатлари ҳазрати Имом Ҳасан разияллоху анхуғади. Ва оналари Ҳазрати Имом Ҳусайн разияллоху анхуғади. Нисбати шарифлари силсиласи оталари тарафидан Шайх Саййид Муҳйиддин Абдулқодир Ҳазрати Саййид Абу Солих Мусонинг ўғлонларидур...”³⁰.

Абдулқодир Гийлонийнинг насаблари бевосита пайгамбаримизга боғланади. Яъни Биби Фотима ҳамда Ҳазрати Алининг ўғиллари Имом Ҳусайнга ўн учинчи авлод. Шунинг учун Абдулқодир Гийлоний ҳам Ҳасаний, ҳам Ҳусайний дейилади. Қайд қилинган манбадан маълум бўладики, Абдулқодир Гийлоний хижрий 471 йилда туғилиб 561 йилда вафот этганлар.

“Рисолайэ қодирия”³¹ да келтирилишича Абдулқодир Гийлоний 17 ёшга тулиб, Бағдодга илм олишга равона

бўлганларида оналари ул зотга 40 олтин танга берадилар. У киши фарзандларига ҳар қандай ҳолатда ҳам рост сўзламоқни васият қиладилар. Бағдодга йўл олган карвонни йўлда қароқчилар талон-тарож қилишади. Навбат Абдулқодирга етганда, қароқчилардан бири бу боладан нимаси борлигини сўрайди. Табиийки, Гийлоний ҳазратлари тўнларида тикилган 40 олтин тангалари борлигини айтадилар. Бунга ишонмаган қароқчи толиби илмни қароқчибоши ҳузурига олиб боради. Қароқчибоши Гийлонийнинг тўнини тинтиб кўришни буюради ва 40 олтин тангани қўлга киритишади. Шунда ажабланган қароқчибоши Абдулқодир ҳазратлардан олтинларни яширган жойини айтмаганда зинҳор уни топа олмаслигини сўраганда, Гийлоний ҳазратлари ёлғон сўз эвазига она норизолигига мубтало бўлиши мумкинлигини айтади. Бундан таъсирланган қароқчибоши неча йиллар мобайнида карвонларни талаб, Худонинг қаҳридан қўрқмай келганлигидан афсусланиб, тавба қилади. Унинг рост йўлга киришига Гийлоний ҳазратларининг ростгўйликлари сабаб бўлган эди. Шу ўринда айтиш жоизки, Абдулқодир Гийлонийнинг илк даъвати ана шу воқеадан бошланган. Ўғрилик, талончилик билан шуғулланган қароқчилар Ғавсул Аъзамнинг ростгўйлигидан таъсирланиб, унинг даъватидан тавба қилганлар.

Саййид Абдулқодир Гийлонийнинг илм олишлари бобида турли манбалар турли хил маълумотлар беради³². Шулардан кенгрок, аниқ, батафсилрок маълумотлар Ислом қомуси³³да қуйидагича берилган: Абдулқодир ўн саккиз ёшидан Бағдодга илм олишни давом эттириш учун борган. Бунга қадар илк таълимни

миктабда ўн ёшга етганида олган. Бу ерда сарф ва нахв (грамматика) дарсларини ат-Табризий (ваф. 1109)дан олади. Бир қанча шайхлардан ханбалия ва шофияи фикҳ (хуқуқ) илмларини ўрганади. Ҳиббатуллоҳ ал - Муборак ва Абу Наср ал-Баннодан ҳадислар таҳсилани олади.

“Рисолайэ қодирия”да таъкидланишича, Абдулқодир Гийлоний “увайсий”дир. (Увайсийликда Раббоний файз ва Раҳмоний тажаллиётга етишишда муқаддас арвоҳлар воситачи бўлади.)

Алишер Навоий увайсийликни Увайс Қараний номи билан юритилишини таъкидлайди, чунки у Муҳаммад Пайғамбарни зоҳир кўзи билан кўрмасдан туриб, маъно ва руҳоният юзидан тарбият олган эди. Навоий ёзадики, «ҳар кишинингки бу тоифадан зоҳир юзидан пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, уни увайсий дерлар»³⁴. Демак, увайсийлик — ботиний, руҳлар воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, зоҳирий тарбияга нисбатан олий мақомдир.

Гийлонийнинг ҳирқа пирлари Шайх Абдусамад Махзумий ва Шайх Абдусаид Асомийдир. Уларнинг насаблари Шайх Маъруф Кархийга у кишидан Имом Ризогача, улардан пайғамбар Муҳаммад салаллоҳу алайҳи васалламга бориб тақалади. Саййид Абдулқодир Гийлоний Аҳмад ибн Ҳанбалдан увайсий, яъни руҳларидан таълим- тарбия топганлар.

Шунингдек, Гийлонийнинг камолотга етиш жараёни борасида қуйидагича маълумот бор: “Гийлоний тўрт юз саксан саккизда Бағдодқа еттилар, важд била таҳсилға машғул бўлдилар. Аввал

Куръон кироати ва фикҳ ва ҳадис ва улуми динияни такмил қилдилар. Ва аксар улумни ул ақобир қошидаки, ул замонда мутааййин эрдилар, билиб абнойи замонга ғойиқ бўлдилар. Ва беш юз йигирма бирда мажлис тутуб, ҳалойиқ насиҳату ваъзига машғул бўлдилар”³⁵. Демак, Абдулқодир Гийлоний ҳижрий 488 йил 17 ёшларида Бағдодда илм олгани бориб 521 йил илк ваъз - насиҳатларини бошлаган бўлсалар, ул зоти шарифнинг камолотлари 50 ёшларига тўғри келади. Худди шундай маълумотни Дж.С.Тримингэм³⁶ да ҳам учратиш мумкин.

Абдулқодир Гийлоний валийлар орасида энг кўп қароматлари билан машҳур бўлган авлиёдир. Гарчи, фалсафа фани қаромат ёки башорат каби ҳодисаларни ғайриилмий ҳодиса, деб баҳо берса-да, тасаввуф таълимотида маънан ва руҳан комил инсонлар аввало ғайриоддий ҳислатлари билан оддий халқдан фарқ қилган. Бу ҳақда тасаввуфшунос олим Н.Комилов шундай фикр билдиради: “Аввало шуки, авлиёлар суҳбатининг ўзи айна қаромат, чунки улар суҳбатидан фойзёб бўлган киши ўзини ўзга оламда ҳис этади, бир илоҳий қудрат билан тубанликдан юксаклик сари кўтарилади, мартаба – мақомга эришади”³⁷.

Шу сабабдан халқ орасида Саййид Абдулқодир Гийлонийни қуйидаги сифатлар билан тавсифлаганлар:

1. Ал Қутбул Аъзам (Буюк қутб)
2. Ғавсул Аъзам (Буюк қутқарувчи)
3. Қувватул Орифийн (Орифларнинг қуввати)
4. Сардорул восилийн (Ҳаққа етишувчиларнинг сардори)
5. Раҳнамо ул-ошиқийн (Ошиқларнинг раҳнамоси)

6. Фозил олим

7. Мукаммал мужтахид³⁸

8. Муҳаккик

9. Машрик ва мағрибда авлиёлар ва солиқларнинг малжаъи (яъни ҳомийси)³⁹.

Бошқа бир манбада Абдулқодир Гийлонийга қуйидаги тавсифлар берилган:

1. Ҳазрати Ғавс (қутқарувчи) -ул-сақалайн(икки олам)

2. Тариқатдаги машойхлар подшоҳи

3. Шариатда омманинг имоми

4. Аллоҳнинг Махбуби” (Махбуби Раббони).

5. Замонанинг пири

6.Орифларнинг ягона сарвари

7. Зоҳидларнинг шарафи (дунё неъматларидан юз ўгирган).

8. Ибодат қилувчиларнинг фахри

9. Самадони қутб⁴⁰.

Маълумки, қутб - тасаввуфдаги энг юқори даража ҳисобланади. Тасаввуф фалсафасига биноан, Қутб комил инсон, Аллоҳнинг ер юзидаги “ҳалифаси” бўлиб, унинг инсоният билан алоқасида воситачилик вазифасини бажарувчидир. Сўфийликда Қутб ва бошқа юқори мартабаларга эришган шу каби зотлар ҳақидаги қайдлар Тустарий ва Ҳаким Термизий (9-а.) асарларида учрайди, 10-11-асрларга келиб барча сўфийлар Қутбни тан олишган, дейиш мумкин. Улар дунёда бир вақтнинг ўзида фақат бир Қутб яшаши мумкин, деб ҳисоблашган. Шу боис Қутбни

“замон Кутби”, “замон соҳиби” ва “замон марди” деб тавсифлашган. Сўфийлар фикрича, Кутб дунёда Аллоҳга маъқул келадиган тартиботни сақлаб туришга даъват этилган. Кутб оддий инсонлар каби оила қуради, молу дунё тўплайди, пайғамбарнинг издошлари сифатида халқни тўғри йўлга солиб туради. Лекин одамлар уларнинг Кутб эканлигини сезмайди. Кутб ҳақидаги таълимот Ибн Арабий ва унинг издошлари томонидан баён қилинган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг берган маълумот⁴¹ ларига биноан тўрт буюк кутб тасаввуф оламида маълум ва машҳур бўлган. Булар: Шайх Абдулқодир Жийлоний, Муҳаммад Баҳоуддин Накшбанд, Саййид Аҳмад Рифоий, Саййид Аҳмад Бадавийлардир.

Абдулқодир Гийлоний бундай тавсифларга сазовор бўлганлигининг яна бир сабаби, балки буюк даъватчи сифатида шуҳрат қозонганлигидандир. Манбада таъкидланишича⁴², 1127 йилга келиб, яъни эллик ёшдан ўтганидан кейин Гийлоний Бағдодда даъватчи сифатида шуҳрат топди. Унгача Абдулқодир Бағдодда Юсуф Ҳамадонийга учраган. Юсуф Ҳамадоний билан суҳбатда Абдулқодирнинг сўфийлик илми у қадар юксак даражага етмагани маълум бўлади. Барибир, Юсуф Ҳамадоний Абдулқодирга даъват қилиш учун минбарга чиқиш кераклигини айтиб, фатво беради. Чунки, Абдулқодир Гийлоний фикҳ илми ва Қуръонни яхши ўрганган эди.

Дж.С. Тримингэм Ибн ал-Асирга таяниб келтирган ана шу маълумот тарихий ҳақиқат бўлса, Абдулқодир Гийлоний Юсуф

Ҳамадоний фатвосидан йигирма беш йил ўтганидан кейин даъватчи сўфий сифатида шуҳрат топди.

Тасаввуфшунос олим Кныш⁴³ нинг маълумотига кўра, мана шу йигирма беш йил мобайнида Гийлоний ўзини рухий чиниктириш мақсадида риёзатга берилади, нафсини синдириш учун чўлда очнаҳор гиёҳлар билан озикланиб, ўз “мен” лигидаги кибрни ўлдириш учун машаққат чекади.

Ҳижрий 528 (милодий 1133/34) йили Бағдодда Абдулқодир Гийлонийнинг серфарзанд оиласи ва муридлари яшаши ҳамда таълим олишига мўлжалланган махсус мадраса қурилади. У ҳаётлиги чоғида диний руҳдаги даъвату ваъзлари билан машҳур бўлган эди. Фақат вафотидан кейин унинг пирлигида хирқа кийганлар, унинг номи билан боғлиқ тариқатни тарғиб эта бошлаганлар.

Абдулқодир Гийлонийнинг оила аъзолари ҳақида қуйидаги маълумот мавжуд. Унинг фарзанди кўп бўлган. Иккита ўғли - Абдураззоқ (1133-1207) ва Абдулазиз (в.1205) ота йўлидан бориб, обрў қозонган⁴⁴. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гийлоний фарзандларининг сони 49 нафаргача дейилади ва улардан 11 нафари оталари бошлаган ирфон ишининг давомчиси сифатида зикр этилган⁴⁵.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Абдулқодир Гийлонийнинг авлодларидан Саййид Абдуллахон Тўра Бузруқхон ўғли⁴⁶ Ўзбекистонимизнинг Фарғона вилоятидаги Бешариқ туманида истиқомат қилади. У киши заминимизда қодирия сулуки ривожига катта ҳисса қўшган. Абдуллахон Тўра Ғавсул Аъзамга

тўққизинчи авлод бўлиб, пайғамбаримизга (сав) йигирма тўққизинчи авлод ҳисобланадилар.

Тарихий манбаларда берилган маълумотларга кўра, Абдулқодир Гийлонийнинг илоҳиётчи, мутасаввиф сифатида талқин қилинишига, унинг ўзи яшаган даврда қодирия тариқати асосчиси сифатида эмас, балки 13 фандан сабоқ берувчи мударрис сифатида танилганлиги сабаб бўлган. Бу ҳақда қуйидагича маълумот берилган: “Ўз даврининг улуғ олимларида таҳсил кўриб, ислом дини асослари ва тасаввуф таълимотини пухта эгаллайди. Бағдод шаҳрида мадраса барпо этиб, ўттиз уч йил давомида толиби илмларга сабоқ беради. Ғавсул Аъзам разияллоҳу анҳу ўз мадрасаларида ўн уч қисм илмга дарс айтур эрдилар. Чунончи, илми тафсир, илми ҳадис, илми мазҳаб, илми усул, илми ахлоқ, илми фикҳ...”⁴⁷

Абдулқодир Гийлонийнинг ижтимоий-ахлоқий, фалсафий қарашлари акс эттирилган асарларининг айрим тошбосма ва қўлёзма нусхалари сақланган. Ўзбекистонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида ушбу асарларнинг бир қисми таржима этилди ва илм аҳли қўлига етди. Илмий жамоатчиликка маълум бўлган Абдулқодир Гийлонийнинг асарлари қуйидагилар:


1. “Ал-Ғунятун ли толиби тариқил ҳақ”⁴⁸ (“Ҳақ йўлини истовчи учун бой ва мукаммал манба”). Ушбу манбада инсонни камолотга етакловчи хислатлар талқини берилган бўлиб, унда комилликнинг асосида бағрикенглик, қалб поклиги, кечиримлилик, камтарлик, тавозеъ каби фазилатлар Қуръони

карим оятлари ва ҳадислардан намуналар орқали очиб берилган. Шунингдек гўзал ахлоқ ва гўзал табиатлилиқ хусусида алоҳида тўхталган.

2. "Тухфатул қодирия"⁴⁹. Асар араб тилида ёзилган. Ушбу асар унвон варағида "Қасидаи Ғавсия" номи билан битилган бўлиб, унинг қолган қисмида 90 та манқабат, 1 та Курсийнома ва Исми Ўзам баёни берилган.

3. "Қасидаи Ғавсия"⁵⁰. Қасида жанри илк маротаба араб адабиётида қўлланган ва кейинчалик форс ва туркий адабиётларига кириб келган. Қасида сўзининг луғавий маъноси қасд қилмоқ бўлиб, ёзишга қасд қилмоқ маъносини англатади. Унинг қофияланиш шакли маснавийникига ўхшаш бўлиб, 19 байтдан 45 байтгача ҳажмда ёзилган. Туркий тилда ёзилган илк қасида XI асрда Юсуф Хос Хожибнинг "Баҳор мадҳи" қасидасидир. Қасидалар икки хил кўринишда бўлиб, биринчи хили бировга аталган, ёки бирор бир тарихий воқеанинг васфи берилса, иккинчи хили қасидаи ҳолия бўлиб, унда асар муаллифи ўзининг хислатлари, ахлоқи баён этилади.

"Қасидаи Ғавсия" бир қисми сулс ёзувида, асарнинг қолган қисми настаълик ёзувида битилган. Абдулқодир Гийлоний "Қасидаи Ғавсия"да ўзи ва қароматлари, шунингдек Ҳақ таоло назаридаги мавқеи хусусида маълумотлар берган. Демак, ушбу асар қасидаи ҳолиядир. Асар араб тилида битилган бўлиб, ҳар бир мисра остида форсий забонда изоҳи битилган. Ҳажман 26 байт, 52 мисра бўлиб, қасиданинг мақтасида шоир номи зикр этилган.



4. “Девони Ғавсул Аъзам”⁵¹. Асар форс тилида ёзилган бўлиб, у Мулла Мир Алим Хожа исмли котиб томонидан кўчирилган. Юзида мавжуд манбада кўчирилиш санаси 1324х.й.х. (1906 йил м.й.х.) деб кўрсатилган. Асарнинг ёзилиш санаси эса ноаниқ. Биздаги нусханинг айрим бетлари, жумладан, 1-3, 15-16, 40-46 йўқолган. Асар форс тилида Муҳйи тахаллуси билан битилган ғазаллардан таркиб топган. Унда билиш фалсафаси, борлиқ ва унинг мавжудлик шакллари, тасаввуф таълимотида кадриятлардан саналган тавба, огоҳлик ғафлат ва унинг зарари, илму-маърифатга бўлган интилиш ва ҳоказо ғоялар очик баён этилган. Ғазалларнинг мавзуи орифона, ошиқона бўлиб, унда қиёмат, савоб, гуноҳ, жаннат, дўзах каби тушунчалар изоҳи истиора ва ўхшатишлар орқали ифодаланган. Асар охирида қодирия тариқатининг машҳур маросимларидан бири “Хатми ёздаҳум”⁵²нинг қондаси берилган.

5. “Сиррул-асрор фима йаҳтажу илайҳил-аброр”⁵³ (“Азиз ва пок кишилар тоифасининг эҳтиёжларига аталган сирларнинг сири”). Асарда инсон ҳаётида вужуд поклиги билан бирга қалб поклиги масаласига алоҳида эътибор берилади. Мусулмонлар учун фарз бўлган Ҳаж зиёрати бандани гуноҳларидан покланишига сабаб бўлса, унинг қалби учун муҳим бўлган шарт сифатида тариқатдаги Ҳаж баёни хусусида қимматли фикрлар билдирилган.

Мазкур асар муқаддима ва 24 фаслдан иборат бўлиб, тасаввуф ва ҳаёт, унга амал қилиш ва бу йўлга мансуб кишининг руҳонияти, аҳамият бериши керак бўлган жиҳатларга тўхталган. Асар яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда

фалсафанинг асосий категорияси борлиқ, инсон борлиғи, билиш фалсафаси, илмлар ва уларнинг таснифи батафсил баён этилган. Унда жуда кўплаб оят ва ҳадислар келтирилган.

6. “Мактуботи Гийлоний”⁵⁴ Ушбу асар “Сиррул асрор”нинг мантикий давомидир. Гийлонийнинг «Мактуботи Гийлоний» асари мактублардан иборат бўлиб, у бобларга, боблар фаслларга, фасллар эса нақлларга бўлинади. «Мактуботи Гийлоний» асари ханузгача кимга аталгани ҳақида маълумот йўқ. Фақат айрим маълумотларга кўра Аҳмад Рифоъийга ёзилганлиги тахмин этилади. Лекин бу асардаги исталган бир мактубни ўқиган киши уни бир кишига эмас, балки бутун инсониятга қарата ёзилган бўлиб, яъни шу инсониятни яхшиликка, эзгуликка даъват этаётганини илгаш мушкул эмас.

7. “Ҳизб-ул-фахр-ил-кабир-бил-Жилани” (Жилонийнинг фахрли буюк ҳизби) Шарқшунослик институти араб қўлёзмалари фондида (Москвадаги ФА бўлимида) мавжуд бўлиб, у №3523 рақами остида сақланаётганлиги ҳақида маълумот берилган.⁵⁵

8. “Авроди Шайхи Абдулқодири Жилоний”⁵⁶ Ҳақиқат даражасига юксалган шайхлар ўз муридларига илоҳий файзларни қабул қилиш йўлларини ўз авродлари орқали очиб берганлар. Абдулқодир Гийлоний «Аврод»и қодирия тариқатига кирган солиқ юксак манзилга - Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада этиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган санолар, Тангрининг исмлари, зикр, тасбеҳ, Қуръон оятлари тиловати, салавот ва дуолар тўпламидан иборатдир.

Ғавсул Аъзамнинг “Авроди Шайхи Абдулқодир Жилоний”⁵⁷ асари таркибига Қуръоннинг айрим суралари, Ҳадиси Шарифдан намуналар, мусулмон аҳли орасида ўтказиладиган айрим маросимлар (Хатми шариф маросими, Ашуро маросими ва ҳ.к.) билан бир қаторда “Қасидаи Ғавсийа”, “Асмон ёздахи Ғавсул Аъзами Дастгир раҳматуллоҳи алайҳ”, “Асмон Кироми” асарлари киритилган. Тўпламдаги асарлардан парчалар араб, форс, урду тилларида ёзилган бўлиб, унинг муаллифи, босмахонаси ёки кўчирган котиб исми, кўчирилган санаси аниқ кўрсатилмаган. Ушбу «Аврод» асари ҳажман кичик, етгита муножотдан иборат бўлиб, 2005 йилда нашрдан чиққан “Авроди Қуръоний”⁵⁸ асари таркибига киритилган.

9.”Фатхур-раббоний вал файзур-раҳмоний” Бу асар таржимаси “Раббонийликни” англаш ва раҳмоний файзни қозониш”⁵⁹ номи билан нашрдан чиқди. Асар икки китобдан 68 мажлисдан иборатдир. Унинг биринчи китоби 34 мажлисдан иборат бўлиб, унда Абдулқодир Гилонийнинг ваъзалари жамланган. Асарда илгари сурилган қалб поклиги, нафс ва унга қарши курашиш, илм ва амал, савоб ва гуноҳ, тавба ва покланиш, маърифат ва гўзал ахлоқ каби ғоялар бевосита ислом динининг асосий манбалари Қуръони карим ва Ҳадис асосида таҳлил этилган.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Абдулқодир Гийлонийнинг яна бир неча асарлари қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар тадқиқ этилиши лозим бўлган қимматбаҳо манбалардир. Булар қуйидагилар:

1. “Дурудэ кабир” №8706 бир нусха;
2. “Ғазалиётэ Мухйи” №964 бир нусха;
3. “Рисолайэ Ғавсийа” №502, №4642 икки нусха;
4. “Ғазалиётэ дуоийа” №1039 бир нусха;
5. “Футух ал-Ғайб” №2632 бир нусха;
6. “Ал қасидат-ул уммийа” №8905 бир нусха;
7. “Муножотэ Ғавсул Аъзам” №9459 бир нусха.

Биз юқорида тасниф этганимиз Абдулқодир Гийлонийнинг номи зикр этилган асарлари бевосита ўзимиз гувоҳи бўлиб, таҳлил этишга уринган ноёб манбалардир. Шу билан бирга олим О.Жўрабоев⁶⁰ ва Маҳкам Андижонийлар ҳам бу ҳақда қуйидаги таснифни берадиларки, уни айтиб ўтишни жоиз деб билдик. Булар қуйидагилар:

1. “Ал Фатх Ар-раббония” – 1150-1152 йилларда айtilган 62 ваъз ва бир иловадан иборат;

2. “Футух ал-ғайб” – Абдулқодир Гийлонийнинг ўғли Абдураззоқ таълиф этган 78 ваъз тўплами;

3. “Ҳизби башар ал-Ҳайрот (Искандария, 1304);

4. “Жало ал Хотир” (“Кашф аз-Зуннун” да) зикр этилган;

5. “Ал-Мавоҳиб ар-Раҳмония ва-л-футух ар-Раббония фи маротибу-л-ахлоқ ас-сония ва-л-мақомоту-л-ирфония” (“Равзату-л-Жаннат” да) зикр этилган;

6. “Йавоқиту-л-ҳикам” (“Ҳикмат ёқутлари”);

7. “Аз фийузат ар-Раббония фи-л-Аврод қодирия (Вирд дуолар тўплами, Қоҳира, 1303);

8. “Милфузотэ Қодирий” (Абдулқодир лафзлари)⁶¹;

Демак, Абдулқодир Гийлоний XI аср охири - XII асрларда яшаган мутасаввиф. Ундан қолган бой илмий ва маънавий мерос бугунги кунда қодирия тариқатининг мавқеи ва унинг амалий аҳамиятини белгилайди. Биз кейинги бобларда таҳлил қилганимиз ушбу асарлардаги ғоялар асосида илмий тадқиқот мавзуининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилганмиз.

Хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- Абдулқодир Гийлоний тасаввуф таълимотини мукаммал ўзлаштирган XI- XII асрда маълум ва машҳур бўлган шахсдир.

- Абдулқодир Гийлоний қодирия деб номланган тасаввуфий таълимот ва тариқатнинг асосчисидир.

- Абдулқодир Гийлоний қолдирган бой мерос диний-фалсафий аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли фалсафа тарихи соҳасида муҳим манба саналади.

Қодириянинг тасаввуф таълимотидаги ўрни

Тасаввуф тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий ҳаётга тадбиқ этиш тасаввуфнинг энг буюк хусусиятларидан биридир. Тасаввуф амалий турмуш тарзига асослангани учун, бир томондан тариқатлар пайдо бўлиб, тасаввуфий турмуш тарзининг қондалари белгиланган. Дастлаб, шахсий маънавий ҳаёт тарзи бўлиб кўринган тасаввуфий турмуш тарзи, аста-секин ижтимоий ҳодисага айланди. Тасаввуфшунос Усмон Турарнинг маълумот⁶² беришига кўра, зоҳидлиги ва илми билан танилган улуғ шахслар ўз атрофларида суҳбат ҳалкалари ташкил қилганлар, уларнинг суҳбатларида иштирок этганлар шахсий ҳаётларида уларнинг таъсирига амал қила бошлаганлар. Фикҳий ва эътиқодий мазҳабларда бўлганидек, бу зотларнинг тариқат ташкил қилиш иниятлари бўлмаса ҳам, уларнинг атрофларида ўз-ўзидан табиий равишда тариқатлар юзага келган.

X аср охири – XI аср бошларида тасаввуфга оид китоблар яратилган. Улар орасида ат-Тусий (988й.в.э.), ал-Калободий (990 ёки 995 й.в.э.), Абу Толиб ал-Маккий (988й.в.э.), ас-Суламий (1021 й.в.э.) кабиларнинг бизгача етиб келган асарлари бор. Бу муаллифлар тасаввуфга доир билимларни тартибга солганлар, суфийлик истилоҳларини тушунтириб берганлар. Тасаввуфни изчил ислом таълимоти билан яқинлаштириб, уни кейинчалик расмий таълимот сифатида тан олинишида Ғаззолий, Абдулқодир Гийлонийларнинг хизмати катта⁶³, бўлган.

Дарҳақиқат, Абдулқодир Гийлоний қаламига мансуб асарлар аксарияти тасаввуфга бағишланган. Унинг “Сиррул асрор” ⁶⁴ асарининг 6-чи ва 13-чи фасллари айнан тасаввуф аҳли баёнига бағишланган. Тасаввуф тушунчасини изоҳлашда Гийлоний ўзининг “Сиррул асрор фий ма йахтажү илайҳил-аброр”(Азиз ва пок кишилар тоифасининг эҳтиёжларига аталган сирларнинг сири) асарининг 6-фасли “Тасаввуф аҳли баёни”да махсус эътибор берган: “Уларнинг “тасаввуф аҳли” дея, ном олишларига ягона сабаб, ички оламларини тавҳид ва маърифат нури билан ойдинлатганларидир. Яна бир сабаб эса асҳоби суффага интисоблари бўлиши мумкин”. Демак, Гийлоний тасаввуфни инсон ботиний оламини тавҳид ва маърифат нурлари ила мунаввар этадиган йўл, деб қарамоқда.

Шунингдек, Гийлоний тасаввуф аҳли қўйнинг юнгли терисини ёпиниб юрганликлари учун ҳам “суфий” исми берилган бўлиши эҳтимол, тасаввуфда ўрта ҳолда бўлганлар қўйнинг терисини ёпинганлар, охирги даврасига келганлар эса ямоқ кийим кийишган, дейди.

Тасаввуф тушунчасини изоҳлашда Гийлоний ўзига хос маҳорат билан бу калимадаги ҳарфлар асосидаги ишорадан фойдаланиб, уларни тўрт мақом ва ҳоллар сифатида шарҳлаган. Мақом – солиқнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатади. Инсон руҳан камол топишида мақомлар – манзил, бекатларни босиб ўтиши лозим. Мутасаввифлар тариқатнинг биринчи мақоми сифатида тавбани қайд этганлар ⁶⁵. Тариқатларда мақомларнинг сони ҳар хил келтирилади.

Гийлонийнинг фикрича, тасаввуфдаги биринчи мақом -“Те” мақоми. “Те” – тавба маъносини англатиб, у икки хил бўлади: зоҳирий ва ботиний тавба. Зоҳирий тавба – бу сўзда, амалда (жисм) барча гуноҳ ва ёмон ишлардан сақланиш. Ботиний тавба қалбнинг покланиши, нафс билан мужодалада бўлмокдир. Шу тариқа, ёмон ҳолнинг яхшиликка кечмоғи билан “те” мақоми тамом бўлади⁶⁶.

Шу ўринда Гийлонийнинг тавба мақомини таърифлаб, инсонни руҳий покланишга даъват сифатида янграган ғазалидан бир парчани ҳукмингизга ҳавола этсак:

Банда гар нек хўрди дар шароб,

Тавба кун омузземат бе печу тоб.

Гар хато карди бигўяд кардаам,

То кунам жумла хаторо “ман савоб”⁶⁷.

Таржимаси:

Банда, гар ичиб қўйсанг шароб,

Тавба қилгил, кечиктирмай шу тоб.

Гар хато қилсанг уни ол бўйнингга,

То ки қилгайман хатоингни савоб”⁶⁸.

Бу мисраларда шоир Аллоҳнинг кечиримли Зот эканлигини таъкидлаб, гуноҳдан тавба қилинса кечирилиши мумкинлигини айтиди. Агар гуноҳлар кечирилиб, инсон покланса, унинг учун иккинчи мақом сари йўл бошланади.

Иккинчи мақом сафо ҳоли ҳақида маълумот берсак, сўфийлик психологиясида ҳол – “Аллоҳга интилиш йўлида сўфий, унинг продасидан ташқари ва мукамалликка эришганлик даражасида қатъий назар тушадиган ҳолати”дир. Ҳол – илоҳий раҳмат ва ва

баракатнинг нузул бўлиши, қуйилиб келишидир. Ҳолни тиришиш, таълим-таҳсил билан қўлга киритиб бўлмайди, чунки ҳол – атоийи Худодир, ғайбдан келган тухфа-неъматдир.

Иккинчи мақом сод мақомидир. “Сод” – сафо ҳолини ифодалайди. Сафо ҳолини Гийлоний, те ҳарфидек икки жиҳатдан мутолаа қилинишини таъкидлайди, яъни қалбнинг софлиги ва сирнинг софлиги.

Қалб сафоси – башарий қадарлардан бери бўлмоқликдир. Масалан: кўп емоқ, кўп ичмоқ, кўп ухломоқ ва кўп гапирмоқ қалбни дунёга боғлайди. Дунёлик ишлар ҳақида фикр юритмоқ уни толдиради. Қалбни толиқтирувчи, дунёга гирифтор қилувчи нарсалар орасида – кўп мол-дунё орттирмоқ, жинсий ифрот аҳли ва фарзандларини ҳаддан ортиқ севмоқликни кўрсатиш мумкин. Булар бирор қалбда бўлса, у сафолик ва поклик чоғига эриша олмайди.

Қалб мусаффолиги зикруллоҳ билан амалга ошади. Бу зикр дастлаб жаҳрий(ошкора) қилинган, сўнг хафий (махфий)га кечилади.

Сирнинг софлиги эса – Аллоҳнинг зотидан ўзга ишлардан бери турмоқ ва Унинг муҳаббатини қалбга жойламоқдир. Сир тили билан асмой тавҳидга давом этилади. Бу эса ичдан амалга оширилади. Мазкур ҳол тамом бўлган, “сод” мақоми ҳам ниҳоясига етади. Демак, биринчи мақомда гуноҳдан қайтиш тавба билан бўлса, иккинчи мақомда покланиш жараёни бошланади. Мана шу покланишнинг ҳосил бўлиши Гийлоний ғазалларида қуйидагича тасвирланган:

Вақти тажалли аз ў дийдаи бино мажўй,
Ў чу намояд жамол чашми туро з-дасти нур.
Ҳар, ки ба наздики ўст давлати жовидон ёфт,
Рўйи саодат надид он, ки аз ў монд дур⁶⁹.

Таржимаси:

Вақти тажалли уни кўрмоққа кўз излама,
Уни кўролмагайсан, кўзинг қамаштирар нур.
Кимки унга яқин бўлса топди давлати жовидон,
Саодат юзин кўрмагай кимки ундан бўлса дур⁷⁰.

Ушбу мисралардаги «яқин» ҳоли – бу «Ҳаққал яқийн»га ишора, яъни қалб ва сир софлиги ҳолида инсон Аллоҳга яқийн бўлади. Бу покланишнинг энг юқори чўққисидир.

Учинчи мақом - “вов” мақоми, валоят ҳоли. Бу ҳол ички оламнинг софлиги узра ҳозирдир. Валоят ҳолининг натижаси илоҳий феълларга безанмоқдир. Ушбу ҳолда башарий сифатлардан узилиб, илоҳий сифатга бурканмоқ бор. Аллоҳ таолонинг зотидан ғайри нарсалардан покланади. Шундан кейин вов мақоми тўла ҳосил бўлади. Фикримизча, валоят ҳоли авлиёларга хос бўлган ҳолат бўлиб, бунда илоҳий феъллар билан безанган қалб соҳиби Яратганнинг васлидан бошқа нарсани орзу қилмайди. Бунда охириги мақом фано сари одимлайди.

Тўртинчи мақом “Фе” – фано мақомидир. Бу мақом илоҳий сифатлар орасида йўқ бўлиб кетмоқдирки, башарий сифатлар ғойиб бўлгач ўрнини аҳадият сифати эгаллайди. Ҳадди зотида Ҳақ таоло ни фано бўлади, на завол топади. Бу ҳодисалар ичида банда, боқийликда Яратгувчи ила бақога эришади; Унинг ризосига

боради. Бу орада рози бўлган ва рози қилинган қолади, холос. Ва у эзгу амал “тифли маоний” дея ном берилган ҳақиқий инсоний ҳаётни яратади. “Тифл”⁷¹ – назокат ва латофат ҳолидир. Маоний эса маъни сўзидан қалбда ҳосил бўладиган ҳақиқийлик мазмунини касб этади. Шунини айтиш ўринлидирки, Гийлоний талқинида комил инсон – “ҳақиқий инсон”дир. Ҳақиқий инсон Аллоҳнинг зотини эса сир кўзи билан кўради. Гийлоний “Сиррул асрорнинг” бошқа бобида “тифли маоний” сир кўзи билан кўра оладиганлар номи дейди.

Фоний қалб, боқий сир ила борлиққа қовушади. Фано ҳоли ҳосил бўлгач, бақо тамом бўлади. Бақо (эса) яқинлик оламидадир. У томон лохут оламида бўлиб, набийлару валийларнинг мақоми бўлган. Ниҳоят, Аллоҳ тўғрилар билан биргадир. Кейин пайдо бўлган борлиқ азалий борлиқ⁷² билан бирлашгач, бунини энди “вужуд” дейилмайди. Яъни, бунда моддийлик – тупроқ, сув, ҳаво, олов каби унсурларнинг инсон жисмидаги латифлашуви, дағалликдан кечиши маъносини англатади.

Фарқ ҳоллар якун топгач, Ҳақ билан абадий софлиқкина қолади. Бу фарқлар – инсоннинг тарқоқ фикру-хаёлини жамлаб, Ҳақдан бошқани англай олмаслик ҳолатидаги уйғунликдир. Демак, тасаввуфни тариқат йўлига кирган солиқнинг покланиш ва юксалиш босқичлари деб Гийлоний тавсиф этар экан, унинг тасаввуф аҳли ҳақидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир.

Сўфийликда тариқатлар ғоятда кўп бўлган. Ҳозиргача айрим Шарқ мамлакатларида сақланиб келаётган қодирия (Эрон ва Афғонистонда), рифоия (Эрон), тайфурия (Араб мамлакатлари),

миллатия (Туркия), чиштиа (Ҳиндистон, Покистон), бектошиа (Туркия), сафавия (Эрон) ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўрта Осиёда эса, илгаридан хожагон, яссавийлик, кубровийлик, нақшбандийлик, суҳравардия тариқатлари кенг тарқалган.

Ислом оламида кенг тарқалган тариқатлардан бири қодириядир. Унинг асосчиси ва пири Абдулқодир Гийлонийдир. XIII аср охири – XIV аср бошларига келиб, Ироқ ва Сурияда қодириянинг махсус марказлари вужудга келган эди. Ироқнинг Бағдод шаҳридаги Абдулқодир қабри устига қурилган масжид атрофида маҳаллий бағдодий тоифа сақланиб қолган эди. Мўғул босқинчилари, аниқроғи, Чингизхоннинг невараси - Ҳулогухон ҳараклари Абдулқодир мақбарасини вайрон қилди. 1326 йили Бағдодга келган араб сайёҳи Ибн Батута бу қабр ва мақбара ҳақида ҳеч қандай маълумот берган эмас. Усмонлилар ҳукумати бу ерни муқаддас жойга айлантирмагунича у обод бўлмади.

Қодирия ҳақида шуни айтиш керакки, гарчи Абдулқодир Гийлоний тасаввуф тарихида энг машҳур авлиё, Аллоҳга яқин пир сифатида ҳаддан ташқари кўкларга кўтариб макталган, у ҳақда, унинг қароматлари-ю мақомотлари хусусида кўп афсона-ю ривоятлар тўқилган ва китоблар битилган.

Инглиз олими Тримингэм ушбу тариқатнинг бошқа тариқатлар сингари ўта оммалашмаганлигини айтмоқчи бўлган. Лекин, бизда мавжуд бўлган туркча манбалардаги маълумотлар бу тариқатнинг кенг тарқалганлигидан далолат беради. Унда қодирия тариқатининг қонун-қоидалари ишлаб чиқилган. Ушбу «Зийнат

ул-кулуб” (“Қалбларнинг зийнати”) асарида кодирия тариқатида
1.Рутба; 2.Мақомот; 3.Ранг; 4.Мартабалар талқини берилган

1.Рутба⁷³ и тариқат

1.Ифрод

2.Нуқба

3.Нужба

4.Нудба

5.Будала

6.Автод

7.Ғавсул Аъзам⁷⁴

Ифрод, Роже Арналдз фикрича, фақат Яратувчига хос бўлган амал ҳисобланса, Лое Масинионнинг таъкидлашича, “Ифрод” шундай бир инсоний амалким, киши ўзи назарида тутган вужудни танлаб олиб, уни бошқалардан шу даражада ажратадики, ўзи ва ундан (одам ва яратувчидан) бошқа нарса қолмайди⁷⁵. Иккинчи даража “нуқба” бўлиб, бу сўз арабчада ўрганиш, ажратиш маъноларида қўлланилади. “Нужба” тушунчаси арабчада олийҳимматлилик маъносини англатади. “Нудба” эса арабчада йўқолиш маъносини англатади. Сўфийлик даражасининг шу босқичига етганида киши фақат “Зот”ни кўради. “Будала” тушунчаси алмашиш, ўзгартириш деган маъноларни англатади, яъни олий даражада сўфий илоҳий сифатларга эришиб, бутунлай ўзгарган бўлади.

“Автод”, Хужвирий ифодасича тасаввуф аҳли назарида, Аллоҳга яқин ғуруҳ жумласидан, “Қутб” ва “Нақиб”дан кейин, учинчи ўринда турган тўрт кишидан иборат бўлиб, дунёнинг тўрт

томонида, оламнинг тўрт руки – устуни сифатида тўхтаган булурулар⁷⁶. Кутб тушунчаси ҳақида юқоридаги бобда кенгрок тўхталганмиз. Саййид Абдулқодир Гийлонийни Кутби Раббони деган сифати борлиги эътироф этилади. Мақом (араб. – жой, урин, минзил) – исломда сўфийликка хос тушунча, ҳар бир сўфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар. Тариқатларда мақомларнинг сони ҳар хил келтирилади, лекин кўп ҳолларда тўрт мақом тилга олинади: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат. Лекин тасаввуфнинг айрим йирик намояндалари мақомларни кўпроқ деб ҳисоблаган. Масалан, Фаридуддин Аттор 7 мақом, Ғаззолий 9 мақомни таърифлаган. Ҳар бир мақом ўз навбатида бир неча кичик босқичларга бўлинади (айрим сўфийларда бу босқичлар 8 дан 10 тигача кўрсатилган) ва улар манзил деб аталади.⁷⁷

Қуйида Абдулқодир Гийлонийнинг етти босқичдан иборат тариқат мақомларининг изоҳи баён этилган.

II. Мақомоти⁷⁸ тариқат⁷⁹

Тариқатнинг мақомоти еттитадир:

1. Имони комил
2. Исломи холис.
3. Авлиё
4. Шухуда
5. Сиддик
6. Пайғамбар улул азми
7. Фаҳри олам салаллоҳу алайҳи вассалам.

III. Атвори сабъада бўлган исми илоҳийларнинг ранглари

1. Тавҳиднинг нури – ҳавойи мовий

2. Исми жалолнинг нури – қирмизи

3. Исми “Ҳу”нинг нури – яшил

4. Исми Ҳаққнинг нури – бейаз (оқ ранг)

5. Исми “Ҳай”нинг нури – сарик

6. Исми Қаййумнинг нури – сиёҳга яқин ранг

7. Исми “Қахҳор”нинг нури – холис сиёҳ

Ушбу исми илоҳийларнинг ранглари хусусида инглиз олими Дж.С.Тримингэмнинг “Исломда сўфийлик тариқатлари” асаридан кодирия тариқати вакили томонидан тасаввуфнинг етти босқичи таснифини киритиш мумкин. (Биз бу ҳақда нафс ва покланиш ҳақидаги бобда батафсил маълумот берганмиз.)

IV. Маротиби тариқат⁸⁰

1. Шариат

2. Тариқат

3. Ҳақиқат

4. Маърифат

5. Қутбият

6. Курбият

7. Абадият

Шариат тариқатнинг биринчи босқичи сифатида инсонни ўз жисмини бошқаришга ўргатади ва руҳнинг камолотига имкон беради. “Зийнат ул қулуб” асарида шариатнинг қуйидаги етти мартабаси борлиги кўрсатилган.

1. Шариатнинг шариати

2. Шариатнинг тариқати

3. Шариатнинг ҳақиқати

4.Шариатнинг маърифати

5.Шариатнинг кутбияти

6.Шариатнинг курбияти

7.Шариатнинг абадияти⁸¹.

Тариқатга берилган таърифлардан маълум бўладики, бу тушунча сўфийликда уч мазмунда қўлланилган. Қодирия тариқатида келтирилган маротиби тариқат учинчи маънода, яъни инсон рухий камолотининг шариатдан кейинги турган босқичини ифодалайди. Қодирия таълимотида ҳам тариқатнинг еттита мартабаси борлиги таъкидланган.

1.Тариқатнинг шариати

2.Тариқатнинг тариқати

3.Тариқатнинг ҳақиқати

4.Тариқатнинг маърифати

5.Тариқатнинг кутбияти

6.Тариқатнинг курбияти

7.Тариқатнинг абадияти⁸².

Ҳақиқат фалсафий ва тасаввуфий маъноларда қўлланилади. Фалсафий категория сифатида қуйидаги талқин берилади. Ҳақиқат инсон онгида воқеликнинг тўғри, ҳаққоний акс этишини ифодаладиган фалсафий тушунча. Маълумки, Спиноза - инсон билимларининг воқеликка мувофиқ келишини ҳақиқат, деб атаган.

Тасаввуфий маънода эса ҳақиқат Яратганнинг васлига эришиш маъносида қўлланади. Тасаввуф тарихи давомида кўп тариқатларда, масалан, нақшбандияда маърифат ҳақиқатдан олдин келиди ва ҳақиқат инсон рухий камолотининг олий босқичи

сифатида қаралади. Қодирия таълимотида, биринчидан, ҳақиқат маърифатдан олдин келмоқда, иккинчидан, олий даража эмас, балки руҳий камолотнинг еттидан учинчиси сифатида келяпти ва ундан кейин яна тўртта босқич мавжуд. Шунингдек, бу маротибанинг ҳам еттита мартабаси бор, ўз навбатида ҳар бир мартаба еттитадан босқичга ажратилган бўлиб, олий даража абадиятнинг абадияти даражасидир. Еттинчи мартаба бўлган абадият аҳбиёи изомга хосдир, яъни махвари олам салаллоҳу алайҳи вассалам ҳазратларининг абадиятдаги манзилларидир⁸³. Ушбу охирги ва энг юксак мартаба Қуръони Каримнинг Қаҳф сураси 110 ояти, Исро сураси 1 оятидан далил келтирилган⁸⁴.

Қодирия тариқати йўлини тариқатлар таснифига кирган тариқи ахёр (хайрлилар йўли), тариқи аброр (қалби софларнинг йўли) ва тариқи шуттор (ишқ ва жазба аҳлининг йўли)га махсус киритиб бўлмайди. Чунки бу йўлни қалби софларнинг йўли дейиш мумкин, чунки бу тариқатда риёзат ва мушоҳада йўли билан ахлоқни гўзаллаштириш, қалбни поклаш асос қилиб олинган. Лекин бу йўлда ҳам «ўлмасдан олдин ўлмоқ» мавжуд бўлиб, яъни инсон ўлимни ўз иродаси билан қабул этган. Абдулқодир Гийлоний аҳли сунна вал жамоа мазҳабига мансуб бўлганлиги боис мўътадил нуқтаи назарда турган, танқидга учрайдиган сўзлар айтмасликка ҳаракат қилган.

Тариқатларни ҳақ ва ботил деб иккига ажратадилар. Қодирия тариқати исломнинг бош асосларига таянган ҳолда ташкил этилган ва шакллангани учун ҳақ деб тан олинган. Абдулқодир Гийлоний “Сиррул асрор” асарининг 23 фасли “Тасаввуф аҳли хусусининг

биёни”да тариқатларни тасниф этган. Унда мутасаввиф тариқатларни Ҳақ ва ботил дея ажратмай, балки “Суннийлар” ва “бидъат аҳли” дея таъриф беради.

Шу ўринда тариқатга алоҳида таъриф берсак-да, кейин Гийлоний таснифини талқин этсак. “Тариқат” сўзининг маъноси нул демак. Яъни илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли. Тариқатни тасаввуфнинг ималий қисми деб таърифлайдилар. Энди Абдулқодир Гийлоний мана шу тариқатларни тоифалар дея гуруҳлаб, уларга қуйидагича тоифа беради:

Суннийлар⁸⁵ - Бу тоифа сўзда, амалда, шариат ва унинг маъноси бўлган тариқатда тамоман қоимдир. Улар “Аҳли суннат ва жамоат” таъбири билан аталади.

Бидъат аҳли тоифасига Гийлоний ўз даврида қуйидаги тариқатларни киритади:

Ҳулулия — булар дейдики, чиройли бадан ва чехрага қарамоқ, киздир-эркакдир барибир, ҳалолдир.

Ҳолия — булар ҳам рақсни ва ногора чалишни ҳалол эканлигини айтадилар. Яна шайхнинг шундай бир ҳоли борки, шариат бундан баҳс эта олмаслигини даъво қиладилар. Бу сўзлар ҳақиқатоман маънода бидъатдир.

Авлиёия — булар даъво қиладиларки, гўё банда валоят даражасига етишса ундан диний ҳукмлар кўтарилади; яна, валий пайғамбардан устундир. Бунга сабаб қилиб, пайғамбарга илм Жаброил (а.с.) воситаси ила келди, валийнинг илми воситасиздир, дейдилар.

Шамурония – булар айтадики, гўё суҳбат қадимдир ва суҳбат қилувчидан (шаръий) ҳукм ва таъқиқлар масаласи кўтарилади. Даф, танбур ва бошқа асбоблар чалмоқни, ўйинчилик асбобларини ҳалол ҳисоблайдилар. (Ораларида) аёллар борми-йўқми аҳамиятсиз, фарқ этишмайди. Булар куфр келтирувчи тоифа бўлиб, дамлари (мусиқа овозлари) ҳам мубоҳдир.

Хуббия – булар айтадики, гўё бандаси муҳаббат ҳолига етишгач, диний ҳукмлар улардан кўтарилади. Одоб жойларини беркитмайдилар.

Хурия – булар ҳам ҳолиячилар кабидир. Фақат, ҳурлар билан қовушганларини даъво қиладилар. Ва ўзларича (раксдан сўнг) ҳушларига келгач ғусл қиладилар. Шу ҳоллари билан ёлғон сўзлайдилар.

Ибоҳия – булар яхши амалларга амр, ёмонликларидан қайтариш (амру маъруф ва наҳй мункар)ни тарк қиладилар. Ҳаромни ҳалол ҳисоблайдилар, аёлларни мубоҳ биладилар.

Мутақосима – бу тоифа меҳнат қилмайди. Эшикма-эшик юриб, тиланадилар. Гўёки, шу зоҳирий ҳоллари билан дунёни тарк қилганликларига ишонадилар. Шунинг учун ҳам ҳалокатга учрамоқдалар.

Мутажоҳила – булар эса фосиқ кишиларга хос либослар киядилар. Жаҳолатга берилганлар йўли.

Вофикия – бу жамоа “Аллоҳ, фақат Аллоҳ билади” дейдилар ва маърифат йўлини тутмайдилар, яъни илм олмайдилар. Шу жаҳолатлари туфайли ҳалокатга учрайдилар.

Илҳомия – бу тоифа ҳам илм ўрганмайди. Ҳатто дарс ўқимокчи бўлган ёшларга таъқиқлар қўйишади. Ҳукамо (шоиру донишмандлар) сўзларига тобеъдирлар. Айтадиларки, “Қуръон бизга пардадир. Тарикатнинг Қуръони шеърдир.” Шу эътиқодда Қуръонни тарк этадилар. Фарзандларига ҳам фақат шеър ўргатадилар, ўқилиши лозим бўлган дуо ва бу каби бошқа амалларни қилдирмайдилар. Шу туфайли улар ҳалокатга учрагувчилардир.

Юқоридагилардан бидъат⁸⁶ аҳли деб ном олишига сабаб бўлган қуйидаги иллатлар мавжуд деб, умумий фикрга келиш мумкин: кўзларни номуносиб, ношаръий нарсаларга қаратиш, қулоқларни шариатга зид нарсаларни эшитиш, шайхларнинг шариатга зид ҳаракати, валийликни пайғамбарликдан устун қўйиши, шаръий ҳукм ва таъқиқларнинг чекланиши, ғафлат ва хушсизлик, огоҳликнинг йўқолиши, ҳалол ва ҳаромни билмаслик, меҳнат қилмаслик, маърифат йўлини тутмаслик, илм ўрганмаслик, дарс ўқишга қаршилиқ қилиш, ношаръий суҳбат, кийиниш одобига риоя қилмаслик – буларнинг бариси бидъатдир. Ушбу сифатлар шариатга зид ҳатти-ҳаракатлар бўлиб, бунда ҳақиқатга эришиш йўлида ислом татлимотига номувофиқлик оқибатида ихтилоф келиб чиқади. Шунинг учун Гийлоний буларнинг барчасини куфр ишлар деб ҳулоса берган эди.

Шу сабабли ушбу тоифалар ботил тарикат сифатида Усмон Турар томонидан ҳам эътироф этилган. Гарчи Абдулқодир Гийлоний уларни ботил дея тилга олмаган бўлса-да тасаввуфшунос Усмон Турар айнан шу тоифалар белгилари Гийлоний таснифидек

асослаб беришининг ўзи ҳам бизга Ғавсул Аъзамдек буюк валийни тасаввуф назариётчиси деган, хулосани беради.

“Аҳли суннат вал жамоат” имомларининг даъвоси шуки, асҳоби киром пайғамбаримиз Муҳаммад(сав)нинг суҳбатлари баракоти ила чуқур бир важду жазба ичра эдилар. Улар ҳам бир неча шўъбаларга бўлиндилар ва “бидъат аҳли” юзага чиқиб қолди. Улардан ҳам бир қисми “қаландарий” йўлини, бир қисми “ҳайдарий” йўлини тутдилар; бир қисм эса “адҳамий” ўларок ўртага чиқдилар ва яна қанчалари борки (агар бу ерда келтирсак) шарҳи узайиб кетади.

Гийлоний ўз замонида айнан фикҳ аҳли бўлиб юрувчилар жуда оз дейди. Бу йўлдаги Ҳақ соликларини икки шоҳиди (гувоҳи) билангина таниш мумкин: зоҳир ва ботин: Зоҳир ҳоли диний амрларга маҳкам боғланган бўлиши зарур. Ботин ҳоли эса, кимга иқтидо қилганлигини билиши лозим. Албаттаки, бу эргашиш, иқтидо қилиниши керак бўлган борлиқ — жаноби Муҳаммад Мустафо (сав) бўлмокликлари шарт. Ул зот Ҳақ (ва солик) орасида бир воситадирлар. Маънавий сулукнинг айнан шундай давом этмоғи ижоб этар⁸⁷.

Тасаввуфий қарашларга кўра, тариқатларни қусудия — ўз иродасини Аллоҳ иродасига фоний қилганлар, шухудия — ҳар нарса ва ишда Аллоҳни мушоҳада этувчилар, вужудия — Аллоҳдан бошқа бирон борлиқни тан олмайдиганларга бўладилар. Қодирия тариқатини вужудия тариқатлар таркибига киритиш мумкин. Чунки улар Олам Ҳақнинг тажаллии шуун (нури) ва атворидан иборат, мустақил борлиқ йўқ, деган фикрда турганлар.

Қодирия тариқатида инсон руҳий камолотида сайру сулукка эътибор берилган. Бу даврда нафс тарбияланади. Нафс амморалиқдан лаввома, мулҳима, мутмаинна, розия, марзия ва сафия даражасига юксалади. (Бу ҳақда батафсил 3-бобнинг 2-бандида баён этилган.)

Рух ва нафс масаласи тарбия учун муҳимдир. Ниҳоятда латиф ва хафиф бўлган инсоний нафс ҳайвоний нафс устидан ҳоким бўлганда инсон ўзлигини билиш ва таниш даражасига эришади. Инсон ҳайвоний нафсдан қутулиб, ҳақиқий ва комил инсон даражасига кўтарилиши мумкин. Сайри сулукда ҳижоблар кўтарилади.

Саёҳатга муносабатига қараб қодирия тариқатида ўзига мурушиди комил топгунча баданий сафар мумкин, лекин ундан сўнг маънавий сафар бошланади. Маънавий сафар нафс ва рух саёҳатидир. Бу саёҳат жисмоний саёҳатга нисбатан анча машаққатли кечади. Ёмон ҳулқдан яхшига, замима ахлоқдан ҳлимадага, нафс орзуларидан Ҳақ амрига, бадан ҳокимлигидан рух сўлтанатига, моддий оламдан маънавий оламга, халқдан Ҳаққа, кисратдан ваҳдатга қалбан ва руҳан йўл очмоқдир. Бу сафарни ниҳоятга етказган киши комил инсон бўлади.

Барча мумтоз тариқатларнинг моддий унсурлари бор. Қодирия тариқатининг ташкилий асоси мустақил манзил (хонақоҳ, рибот, зовия) ҳисобланади, уни бошқариш анъана бўйича наслдан – наслга ўтади. Қодириянинг ижтимоий таркиби ҳар хил бўлган. Улар жамоа бўлиб (самоъ, ҳадра, лайлиё), овоз чиқармасдан ғолоҳида (зикри хафи) ҳолда ҳамда баланд овозда (зикри жали)

умумий зикр тушишган. Тариқат аъзолари бошларига кигиз телпакча кийиб юрган. Телпакчада Қодириянинг тимсоли – 3 қатор гулбаргли яшил нақш бор. Абдулқодир Гийлоний шарафига ҳар йили бўладиган тантаналар уларнинг асосий байрамидир⁸⁸.

Қодирия тариқатидаги ботин тарбияси, қалб тавсияси, нафс ва рух камолоти, устоз-шогирд муносабатларини ҳозирги кунгача рухан комил, устувор, матонатли, меҳнатсевар, эзгу ишлар учун ғидой шахсни тарбиялаш жараёнида қўллаш яхши натижа беради.

Қодирия тариқати кўп мамлакатларда тарқалган. Хиндистонда қодирия тариқати Муҳаммад Ғавснинг (в.1517) саъй-ҳаракати билан юзага келди. Муҳаммад Ғавс ўзини силсилада Абдулқодирга боғлади. 1550 йилга яқин бу тариқат Тожиддин ал-Бохарий ал Бағдодий тарафидан Ҳижозга-Саудия Арабистонининг Макка ва Мадина шаҳарларини ҳам ўз ичига олган ўлкасига етиб боради.

Жаҳон тасаввуф оламида ўзини бевосита қодирияга боғлайдиган кўп тариқатлар ёки оқимлар мавжуд. Инглиз олими Тримингэм ўз китобига ана шу оқимлар рўйхатини ҳам илова қилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1.Аммория. Марокашлик зангий Ал Ҳаж Муборак ал-Бухорий Жазоирда Аммор Бу Сино қабри ёнига ўрнашиб, 1815 йилдан бошлаб ўзини шайх деб эълон қилди ва Жазоир Туниснинг кўп шаҳарларида ўз халифалари, яъни ўринбосарларини тайинлади. У ўзини яссавия ва хонсолия тариқатларининг давомчиси ҳисоблади. Бироқ, аслида, уни қодирия вакили деб билар эдилар. Шунинг учун

имморияга тасаввуфшуносликда қодириянинг давоми деб қаралади.

2. Асадияга Туркияда Афифаддин Абдуллоҳ бинни Али ал-Асадий асос солган.

3. Аҳмадия Яманда тарқалган бўлиб, унинг асосчиси-Абул-Ҳасан Али бинни, Умар ал-Аҳмад.

4. Баққоия 1504 йили вафот этган Аҳмад ал-Баққоий ал-Қунтийдан бошланиб, Саҳрои Кабирнинг ғарб томони ва Судандан Ғарбий Африка занжийларига ўтган. Яна унинг фадилия, ас-сидия, муридия каби оқимлари мавжуд. Улар ҳозиргача давом этиб келяпти.

5. XIX асрда Ҳиндистонда тарқалган банавия.

6. Жазоир, Тунис, Мисрда ёйилган бу Алия.

7. Туркияда тарқаган васлатия.

8. Муҳаммад Ғавс Муҳаммад бинни Али асос солган ғавсия.

9. Милодий 1403 йили вафот этган Абу Бакр бинни Довуд томонидан асос солинган довудия Дамашқда тарқалган.

10. Жилола Марокашда мавжуд бўлган.

11. Милодий 1515 йили вафот этган Баҳоуддин ал-Жунайдий Ҳиндистонда тарқатган жунайдия.

12. Яманда тарқалган зайлаия.

13. Албанияда тарқалган зинжирия.

14. XIV асрда Яманда тарқаган яфия.

15. Камолиддин ал-Китхали (971/ 1563-64 й.в.э.т.)

Ҳиндистонда XIV асрда асос солган камолия.

16. Қосимия.

17. Қумайсияга бенгалиялик Шоҳ Қумайс асос солган бўлиб, ўзини Абдулқодирнинг ўғли - Абдурахмоннинг авлоди ҳисоблайди. Милодий 1584 йили вафот этган Абу-л-Ҳаёт бинни Маҳмуд Ҳиндистонда ушбу тариқатга асос солган. Қумайс - унинг ўғли.

18. XVIII асрда Жазоир ва Тунисда таркаган манзалия.

19. XVI - XVII асрларда Ҳиндистонда таркаган Миён Хол.

20. XVI асрда Яманда таркаган мушария.

21. Туркияда таркаган набулсия.

22. XVI-XVII асрларда таркаган навшоҳия.

23. Исмоил Румий асос солган румия. XVI аср охири - XVII аср бошларида Туркияда таркаган.

24. XVI асрда Сурияда таркаган самадия.

25. XVI асрда Яманда таркаган урабия.

26. XVI асрда Мисрда таркаган фаридия.

27. Ҳаёт ал-Мир - бу оқим асосчисининг исми билан юритилган. XV асрда Ҳиндистонда таркаган.

28. Ҳиндия Туркияда Муҳаммад Ғарибуллоҳ ал-Ҳиндийдан таркаган.

29. Хулусия Туркияда таркаган мустақил тариқат⁸⁹.

Инглиз олими Тримингэм фано ва бақо ҳолини ҳам тасаввуфшунослар Абдулқодир Гийлонийга нисбат беришлари ҳақида таъкидлаган. Бақо – абадийлик, барқарорлик, фано - ўткинчилик, вақтинчалик маъносини англатувчи ўрта аср Шарқ фалсафасидаги тушунча. У чексизлик ва чеклилиқ маъносида талқин қилинган. Ислом динида бақо – Аллоҳ сифатларидан бири.

Бако – барча яхши сифатларни ўзида мужассам қилиш деб ҳам тушунилади. Фано – ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш пули билан Аллоҳга яқинлик ҳосил қилишлиқдир.

Бундан ташқари, бошқа бир манбада қуйидагича талқин берилган: Тариқат йўлидан борилаётганда ҳар бир солиқда қисқа муддатли кучли ҳаяжонли дамлар бўлади. Бундай руҳий ҳолат тасаввуф таълимотида ҳол деб аталади. Шунини айтиш жоизки, суфийликка оид бирон асарда тариқатнинг мазмунини тушунтирадиган иккита бир хил фикрни учратмаймиз. Лекин, умумий шаклда, мазмунан ва моҳиятан тўрттала босқич тасаввуф назариётчиларида бирдай тушунтирилади. Умумийлик охириги икки ҳолатда – фано – Аллоҳда йўқ бўлиш ва бако – Аллоҳда боқий қолишлиқда айниқса яхши кузатилади⁹⁰.

Ҳар бир мустақил тариқатда бўлгани каби, қодириянинг ҳам ўз қонун-қоидалари зикр тартиби бўлган. **Зикр**, зикр тушиш (араб, ёдга олиш, эслаш) – тасаввуфда худони ёдга олиш билан боғлиқ мавзусим. Илоҳиётчилар Аллоҳни ёдга олиш зарурлигини Қуръони каримнинг Аллоҳни зикр қилиш билан “қалблар ором олур” (13:28) деган ояти билан боғлайдилар. Қодирия тариқатида зикр қуйидаги тартибда амалга оширилади: Авваламбор, ўн уч марта “Фотиҳа” сураси ўқилади. Кейин “Бақара” сурасининг бошидан “Улаика ҳумул мафлиҳун” гача бўлган қисми, “Оятал курси” ва “Оманар русулу” ўқилади ва уч марта “Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал мавла ва ниъмал вакил ва ниъмал насир” дегач, уч дафъа “Иншироҳ” ва “Ихлос” суралари, бир мартадан “Муаввизатайн” ва “Фотиҳа” суралари ўқилади. Саловот айтилади, кейин тик туриб, овоз

чиқарган ҳолда 166 мартадан калимаи тавҳид ва лафзаи жалол ўқилади, кейин уч марта “Фотиҳа”, “Инналлоҳа ва малаикатаҳу” ўқилиб, саловот келтирилади. Охирида шайх дуо қилади ва шу аснода зикр ниҳоясига етади. Қодирияда зикри жаҳрий номли амал бўлиб, у ўтирган, тик турган, айланган ҳолда бажарилади.

Тарикатга кириш “аҳд” деб аталган, Аҳднинг асосчиси “байъат”, яъни садоқат қилиш учун қасамёд ташкил этади. Ана шу қасамёдни айтганидан кейин муридга зикр тушишга, шахсий ибодатга рухсат берилади.

Мурид ихтиёрий равишда издан боровчи шогирд. Тасаввуфда тариқат муршидларидан дарс олувчи шогирд маъносида ишлатилади. Мурид шайх, пир, муршид олдида ўз зиммасига муайян мажбуриятлар олади, улар билан пинҳона ишончли муносабатлар ўрнатади ва уларнинг иродасига бўйсунди. Умуман мурид атамаси суфий ва ҳатто оддий мусулмон маъноларини ҳам англатади. Муршид эса тасаввуфда тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

Қодирияда коида бундай бўлган: мурид икки рақъат намозни ўқиб бўлганидан кейин пирнинг қаршисига - тиззаларини пирнинг тиззаларига теккизиб ўтиради-да, пирнинг ўнг қўлини ўнг қўли билан ушлаб, қисади. Бу “мусофаҳа” дейилади. Шу тариқа “Фотиҳа” ўқийди. Кейин пайғамбарни, турли силсилалардаги шайхлар, хусусан, қодирия пирларини улуғловчи дуолар ўқийди. Сўнг шайх Аллоҳдан гуноҳларидан ўтишни сўраб, тавба руҳидаги дуо-муножотлар қилади, мурид сўзма-сўз уларни такрорлаб боради. Пир яна айтадики, бу аҳд Аллоҳ ва унинг пайғамбари билан бўлаётган аҳд,

шайх ҳузуридаги мурид - Абдулқодирнинг муриди, аҳдлашаётган мурид бундан буён фақат ва фақат шайх ўргатган тарзда зикр тушади. Бу сўзларни мурид такрорлаб туради.

Қодирия тасаввуфий таълимот бўлганлиги учун унда бошқа тариқатлар билан ўхшашлик ва фаркли томони мавжуд. Масалан, қодирия ва хожагон тариқатларининг қиёсий таҳлили уларда умумий ва хусусий томонлари борлигини кўрсатади. Яъни I.замон жиҳатидан: Қодирия ва хожагон тариқатлари бир даврда, яъни XII асрда вужудга келган. Уларнинг асосчилари буюк шайхлар ҳам ушбу даврда яшаган. Қодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гийлоний 1077 йилда туғилиб, 1166 йилда вафот этган бўлса, хожагон тариқати асосчиси Абдулҳолиқ Ғиждувоний 1103 йилда туғилиб, 1179 йилда вафот этган. Бу икки шайх руҳан бир-бирлари билан мулоқот қилган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Абдулқодир Гийлоний “Пири дастгир”, “Ғавсул Аъзам” номи билан, Абдулҳолиқ Ғиждувоний эса Хожаи Жаҳон номи билан ҳозирги кунгача мусулмон олами ва зикр аҳли орасида маълум ва машҳурдир.

Қодирия тариқати ҳозирги кунгача яшамоқда. Хожагон тариқати эса мустақил тариқат сифатида яшамаётган бўлса-да ўз анъаналарини нақшбандия тариқати орқали давом эттирмоқда. Бухорои Шарифда эса ҳозирги кунгача қодирия таълимотининг “хатми ёздаҳ”, “хатми пири дастгир” маросимлари, нақшбандия таълимотининг “хатми хожагон” маросими мавжуд.

II. Макон жиҳатидан: Қодирия тариқатининг маркази Бағдоди шарифдир. Абдулқодир Гийлоний Эроннинг Гийлон шаҳрида

туғилган бўлса ҳам кейинчалик Бағдодда таълим олган ва шу ерда вафот этган. Бағдод ҳозирги кунгача қодирия тариқати марказидир. Пири Дастгир номи билан машҳур Гийлонийнинг рамзий қабри Бухорода. Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг туғилган ва вафот этган жойи Ғиждувондир. Ота-оналари эса Румдандирлар. Унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

Бар дўст муборакам, бар душман шум,
Бар жанг чу оҳанам, бар сулҳ чу мум.
Сарчашмаи нур Ғиждувон манзили мост,
Ман тиги дурўяам, мерасам то бар Рум.
Мазмуни:

Дўстлар учун муборакман, душманларга шум,
Урушга темир қалқон, сулҳда эса мум,
Нур чашмаси Ғиждувон менинг манзилимдир
Мен икки юзли тигман, етаман, то ки Рум⁹¹.

Қодирия тариқатининг маркази Бағдод бўлса-да, лекин унинг 29 мустақил шаҳобчалари мавжудлиги хусусида инглиз олими Дж.С.Тримингэм маълумот берган. Бухорода ҳам Пири Дастгир манзилида бу тариқатдан бўлганлар дафн этилган ва ҳозирги кунгача бу жойни халқ муқаддас билиб зиёрат қилади. Бухорода ҳозирги кунгача “Хатми ёздаҳ”, “Хатми Пири Дастгир”ни кўп оилалар ўтказадилар. Бу ҳам бу тариқатнинг Ўрта Осиёда, инчунин Бухорода кенг тарқалганлигидан дарак беради. Қодирия тариқатида Исмоил Румий(1643) “пири соний” саналган⁹².

Ҳожагон тариқати асосан Ўрта Осиёда мавжуд бўлган, унинг мустақил тармоқлари бўлмаган. Лекин унинг анъаналари

шиқибандия тариқати орқали жаҳонга тарқалган. Хожагонда “пири соний” йўқ. Етти пирнинг олтитаси шу тариқатларнинг пирларидир.

Демак, бу икки тариқат турли маконларда вужудга келган бўлса-да, кейинчалик Ўрта Осиёда бир-бири билан ёнма-ён яшаб, унро алоқадорликда мавжуд бўлган.

III. Устоз жиҳатлари: Бу иккала тариқатнинг асосчилари Абдулқодир Гийлоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувонийларни бир-бирига яқинлаштирадиган жиҳат шундаки, уларнинг иккалаларига ҳам машҳур шайх Юсуф Ҳамадоний устозлик қилган.

Абдулқодир суфийлик хирқасини Бағдод мадрасаларидан бирида имомлик қилувчи ханбалия фикҳи мударриси Абу Саъд Муборак ал-Мухаррабий қўлидан олган. Шундан кейин у машҳур суфий Аҳмад Яссавийнинг ҳам пири Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) қўлида шогирдликни ўтаб, унинг фотиҳаси-иршоди билан жомоатга ваъз айта бошлайди⁹³.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний 22 ёшларида Бухоро шаҳрига келиб, у ерда муътабар мутасаввиф шайх Абу Яъқуб Юсуф Ҳусайн ибни Ишроқ Бузангирди Ҳамадоний билан мулоқотда бўладилар, ул буёқ шахс 1050 йилда туғилиб, 1142 йилда вафот этган ва Мари шаҳрига яқин жойда дафн этилганки, ул жойни «Каъбаи Хуросон», яъни Хуросоннинг муқаддас манзилгоҳи деб атайдилар⁹⁴. Ёки яна бир бошқа манбада: Юсуф Ҳамадоний Абдулҳолиқ Ғиждувонийга суфийлик хирқасини кийгизган. Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдлари ҳисобланадилар,⁹⁵ дейилади.

Хўш, биз нега айнан икки буюк пирнинг устози ҳақида фикр юритдик. Гап шундаки, маълум муддат давомида бир шайхдан (1125 йилда Абдулхолиқ Гиждувоний, 1113 йилда Абдулқодир Гийлоний) таълим олган эканлар, уларнинг албатта маънан ўхшаш томонлари бўлиши табиий ҳолдир.

IV. Эътиқод жиҳатидан иккови ҳам сунний бўлган.

Хожагон тариқати асосчиси Абдулхолиқ Гиждувонийнинг отаси моликия мазҳабидан бўлса-да, лекин Хожан Жаҳон ханафия йўлини тутган. Лекин буларнинг суфийлик йўли бутун мавжудотни Ҳақнинг жамолу жалолининг тажаллийси деб эътироф этгани сабабли бутун борликқа ишқ ва муҳаббат билан назар этганлар.

Тасаввуфда қодирия ва хожагон тариқати муътадил тариқатлар сифатида маълумдир. Чунки улар шариат билан тариқатни муштарак тадбиқ этганлар. Абдулқодир Гийлоний 25 йил узлатга чекинган ва 1127 йилда 50 ёшида Бағдодга келиб халқни ҳидоят йўлига иршод этган⁹⁶. Абдулхолиқ Гиждувоний устози Юсуф Ҳамадонийнинг ўғитларига амал қилиб, «хилват дар анжуман» талаби асосида яшаган.

Қодирия тасаввуфий таълимотида эътибор берилган мақомлар: саховат, ризо, сабр, ишорат, гурбат, саёхат, факр, жунли либос киймоқдир⁹⁷. Хожагон тариқатида ҳам ўз мақомлари бўлган. Абдулхолиқ Гиждувонийнинг «Маслак ал-орифин» китобида бу ҳақда қуйидагича баён этилган: тавба, иродат, муриднинг шайхга эҳтиёжи, зикр, ҳалоллик, дарвешлик одоби, зуҳд, Аллоҳни таниш, нафс сифатлари, қалб саломатлиги, сабр,

ризо, муруқаба, муҳосаба, муҳаббат, сидқ, таслим, тавфиз, шукр, таваккул, маърифат, ихлос, илоҳий ахлоқ, мушоҳада, муоина.

V. Зикр тартиби жиҳатидан Қодирия ва Хожагон тариқатида ҳам жаҳрия зикри бўлса-да, лекин зикр тартиби билан бу икки тариқатда фарқ мавжуд бўлган. Хожагон ва нақшбандиянинг ҳам хатми бор ва жамоа билан белгиланган тартибда уни амалга оширадilar. Хатми хожагон шайхнинг ишораси билан истиғфор айтиб бошланади. Бу истиғфор шайхнинг хоҳишига кўра беш ё ўн беш марта такрорланиши мумкин. Кейин кўзлар юмилиб, робита билан бирга қалбга назар солинади. Ўнгдан етти киши “Фотиҳа” сурасини ўқийди. Кейин юз марта “Саловоти шариф”, етмиш тўққиз марта “Иншироҳ” сураси, минг бир марта “Ихлос” сураси ўқилади. Шундан кейин чапдан етти киши “Фотиҳа” ўқийди. Кейин юз маротаба “Саловот” келтирилиб, охири ашри шариф (тиловот) ўқилади ва шайх қилган дуога барча омин деб зикр ниҳоясига етади. Хатм асносида “вукуфи қалбий”га эътибор берилганидек, силсиланинг ва улуг машойихнинг ҳам руҳан бу мажлисда ўтирганларини ўйлаб, одоб сакланади⁹⁸.

Абдулқодир Гийлоний асос солган қодирия тариқатида машҳур бўлган “Хатми ёздаҳ” маросими ҳозирги кунгача Ёухорода мавжуд бўлиб, уни ҳар ойнинг ўн биринчи кунида шу тариқат давомчилари ўтказишади. Хожагон тариқатида эса асосан қилб ва хуфия йўл билан Аллоҳ лафзи зикр этилади.

Демак, барча тариқатлар каби ҳақиқатга етиб, Ҳақ жамолини кўришни истаган қодирия ва хожагон йўллари турли маконда вужудга келган бўлса-да, бу тариқатларнинг умумийлик жиҳатлари

жуда кўп бўлиб, бу умумийлик айрим ҳолларда бир-бирининг ривожига, тараққиётига бевосита хизмат қилган.

Асосий талаблари жиҳатидан хожагон-нақшбандия тариқатида “Даст ба кору дил ба ёр” шиори машҳур бўлиб, ушбу шиорнинг илдишлари, яъни келиб чиқиши ҳам айнан “Машғуллик ила фориғлик” шиори асосида эканлиги ҳақида маълумотлар бор.⁹⁹ Қўл меҳнат билан кўнгил эса Аллоҳ зикри ила банд бўлиши лозимлиги ҳақидаги ушбу машҳур ғоя илк бора Абдулҳолик Ғиждувоний томонидан илгари сурилганлиги ҳақидаги маълумот Фаҳриддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнул ҳаёт” асарида учрайди. Ва бу ғояни кейинчалик Хожаи Жаҳоннинг маънавий шогирдлари Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд дастуриламал қилиб олганлар. Ҳамма замонда ҳам ушбу ғоянинг қиммати шундан иборатки, банда мудом бунёдкорлик йўлида меҳнат қилар экан унинг ажру мукофотини Аллоҳдан кутса Ҳақ йўлида қилган амаллари мудом эзгулик хизматиға йўналтирилган бўлади.

Ҳўш, бугунги кунда бу шиорнинг аҳамияти қандай? Албатта, даврлар ўтади, буюклар ўтади, лекин уларнинг эзгу ишлари ва ғоялари кейинги авлод учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Айнан мана шундай эзгу ғоя – бу “Машғуллик ила фориғлик” ва “Даст ба кору дил ба ёр”дир. Чунки бугунги кунда ёшлар тарбиясида бир вақтнинг ўзида бирор касб билан машғул бўлиб, кўнгилда Аллоҳ зикрини жо этиб хизмат қилса, унда шу ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ортади. Ҳалол меҳнат билан ҳалол луқмага эришиш биз ёшларни комилликка етакловчи асосий йўллардан бири деб биламиз.

Қодирия тариқатининг яссавия, нақшбандия, кубровия, суҳравардия ва шу каби тариқатлар билан муштарак ва фарқли томонлари мавжуддир. Демак, қодирия тариқати мумтоз тариқатлардан бири бўлиб, у Абдулқодир Гийлоний томонидан асосланган ва қодирия номи билан тарихга кирган тасаввуфий камолот йўлидир.

- Қодирия тариқати инсон руҳини Олий ҳадгача камолотга юксалтириш ва комиллик даражасига етказишнинг ўзига хос йўллари кашф этган;

- ушбу тариқат XIII асрда кенг тарқалган тариқатлардан бири сифатида талқин этилади;

-қодирия тариқатининг йиғирма тўққиздан ортиқ шаҳобчалари мавжуд бўлиб, улар тариқатнинг бугунги кундаги мавқеидан дарак беради;

- қодирия тариқати хусусияти бўлган рутба, мақомот, ранг ва мартабалар инсон камолотининг ўзига хос йўлидир;

- қодирия таълимотининг хожагон таълимоти билан муштарак ва алоҳидалик хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг иккиси ҳам инсон камолотига хизмат қиладиган мўътадил таълимотдир;

- тариқатдаги маросим, урф – одатлар, зикр усуллари Марказий Осиё халқларининг урф-одатлари билан уйғунлашган ва ҳозирги кунда ҳам сақланган.

Хусусан, Бухорои Шарифда ушбу тариқатнинг ихлосмандлари кўплиги жиҳатидан ҳозирги кунда ҳам маросимлар ўтказилади. Бухоро шаҳри ва Шофиркон туманида, Хоразмда,

Самарқанднинг Ургут туманида мавжуд бўлган Ғавсул Аъзам зиёратгоҳи ҳозирги кунда ҳам халқ томонидан эъзозланади;

Пировард натижада қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Абдулқодир Гийлоний XI- XII асрларда яшаган йирик тасаввуф таълимоти назариётчиси. Унинг биргина “Сиррул асрор” асари тасаввуф моҳиятини ифода этувчи асосий манбадир.

- Абдулқодир Гийлоний қолдирган бой мерос диний-фалсафий аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли фалсафа тарихи соҳасида муҳим манба саналади. Унда борлиқ, инсон, нафс ва рух, инсон камолоти масалаларига махсус эътибор берилган. Шунинг учун, унинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳозиргача қадрлидир.

- Абдулқодир Гийлоний асос солган қодирия тариқати XII- XIV асрларда кенг тарқалган, меъёрадаги динийлик ва дунёвийликни уйғун ҳолда ўзида мужассам этган камолот йўлидир.

II БОБ.

ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ФАЛСАФИЙ- МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ

Борлиққа оид ғоялар

Борлиқ инсон ва инсонлар ҳаёти билан боғлиқдир. Шунинг учун тасаввуф таълимоти, шу қаторда қодирия ҳам, борлиқ масаласига алоҳида эътибор берган. Бу таълимотда борлиқ мавжудлик ва йўқлик, фоний ва боқий, касиф ва латифлик нуктаи назаридан таҳлил этилган. Қодирия тасаввуфий таълимотида борлиқ тушунчасининг марказида инсон, унинг ҳаёт мазмуни ва камолоти туради. Шунинг учун борлиққа яхлит тушунча сифатида қаралади ва “руҳий олам”, “бу дунё” ва “охират” тушунчалари билан талқин этилади.

Қодирия таълимоти борлиқни илоҳий моҳиятга эга бўлган бир бутун, доимий ва абадий деб қарайди. Бутун борлиқ Худонинг иродаси билан яралган ва унинг жалолу жамолини тажаллий этади. Борлиқ бир бутун бўлиб, қуйидаги кўринишларга эга:

Рухий олам:
Инсон
туғилишидан
олдинги олам

Бу дунё:
Инсон
яшайдиган олам

Охират олами:
Инсон вафотидан
кейин абадий
қоладиган олам

“Бу дунё” жуда қисқа муддатли, яъни вақт билан чекланган, маконда чегараланган бўлса ҳам инсон яшайдиган ва унинг камолоти учун зарур оламдир. Гийлоний борлиқдаги оламлар ҳақида шундай ёзади: “Дарҳақиқат, олам тўрттадир: олами мулк, олами малакут, олами жабарут, олами лохут. Шунингдек, руҳлар ҳам тўрт гуруҳдир: 1) руҳи жисмоний, 2) руҳи нуроний, 3) руҳи султоний, 4) руҳи қудсий. Лоҳут оламида руҳлар вужудга келиб, Мулк оламига тушади ва инсон танасига кириб одам зотини ҳосил этади. Инсонларнинг Мулк олами - “бу дунё”даги ҳаёти ва ўлими уларда доимийлик, абадийлик, боқийлик ва ўткинчилик, фонийлик ҳақидаги тушунчани юзага келтиради. Бу таълимотга асосан борлиқ доимий, абадийдир. Лекин, шу абадий дунёда мавжуд бўлган нарсалар ўткинчидир. Улар бордан йўқ бўлмайди, фақат бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтади. Масалан, одам ўлиши билан фақат ҳолати ўзгаради. У бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди.

Гийлоний ёзадики, “Лозиму лобуд (албатта ва лозим) улдирки, талқин аҳлини (излаб) топиб, ухровий (охират) ҳаётни қозонажак қалб(эришмоқ илми)ни ундан олмоқликдир. Бу ишни эса, вақт ғаниматида шу дунёликда амалга ошириш даркор. Чунки бу дунё охират даласидир. Бунда деҳқончилик қилолмаган, нариги дунёда ҳосил ололмайди. Бунда экин даласидан мурод – офокий ва анфусий борлиқ дея тушуниш мумкин.”¹⁰⁰ Бу иқтибос кўрсатадики, бу олам, “бу дунё”, яъни мулк оламидаги ҳаётда қилинган амаллар бутун охиратдаги ҳолатни таъмин этади. Демакки, бу олам инсон учун жуда зарурий даврдир.

Қодирия таълимотида борлиқдаги бутун мавжудот аҳадият, ваҳдоният нуқтаи назаридан ўрганилган. Борлиқдаги бутун мавжудот инсон ва унинг мазмунли ҳаёт кечириши учун яралган. Бутун руҳий олам, коинот, ўсимлик ва жонзотлар ва ҳатто ҳар бир инсон ҳам бутун инсоният учун яралган ва шунга хизмат қилади. Қодирия таълимотида борлиқ тушунчаси моддийлик ва маънавийлик, жисмоний ва руҳий олам тарзида таҳлил этилган. Борлиқ тушунчаси реаллик тушунчаси билан боғлиқ. Реал, яъни бор бўлган, нарсалардир. Қодирия таълимотида руҳий олам ва жисмоний олам реал бор деб қаралади. Ушбу таълимотда борлиққа нисбатан яхлит, бир бутун, мавжуд ва ўзаро чамбарчас боғлиқ деб қараш билан бирга борлиқнинг қуйидаги кўринишлари, шакллари ҳақида фикр юритилади:

1. Руҳий борлиқ. Руҳларнинг асл ватани Лохут ва куч-қувват ва нур оламлари бўлган – Жабарут ва Малакут олами. Улар макон ва замонда чексиз.

2. Моддий борлиқ. Мулк олами, тўрт унсур, коинот, ўсимлик, ҳайвонот. Инсон яратган моддий олам макон ва замонда чегараланган.

3. Инсон борлиги. Жисмоний ва руҳоний оламлар бирлигидан вужудга келган борлиқ. Унда макон ва замонда чекланганлик ва чекланмаганлик, чексизлик ва чеклилиқ уйғун ҳолда мавжуд. Шунинг учун инсонда ҳам фонийлик ва ҳам боқийлик уйғундир.

Қодирия тариқати фалсафий-ирфоний ғоялари марказида борлиқ, хусусан инсон борлиғи муаммоси туради. Инсон моҳиятини англаш борлиқ ва унда инсон ўрнини билишни тақозо

этади. Гийлонийнинг “Сиррул асрор” асари тўла борлиқ, инсон борлиғи ва унинг сирларига бағишланган. Китобнинг 1-фасли “Инсоннинг аслий ватанга қайтишининг баёни”, 2-фасли “Инсоннинг асфала софилинга радди баёни”, 3-фасли “Рухларнинг жасаддаги ўрнининг баёни”да инсон борлиғи масаласи ёритилган. Қолган фасллар шу масаланинг маълум томонларини очиб беришга хизмат қилади.

Гийлоний инсоннинг зоҳирий ва ботиний томони мавжудлигини таъкидлайди. Инсонни яхлит билиш, ўрганиш учун унинг ҳам зоҳир, ҳам ботин томонларини ўрганиш лозим. Гийлоний “инсон икки томондан мутолаа қилинади: жисмоний ва руҳоний”¹⁰¹ - деб ёзади. У инсон борлигини жисмоний ва руҳоний томонлардан иборат мавжудот сифатида таҳлил этади. “Жисмоний, яъни ташки кўринишдаги моддий ҳол демакдир,”¹⁰² - деб ёзади Гийлоний. Бу билан жисмоний томон инсон борлигининг ташқи, яъни зоҳирий, бизга кўриниб турган томони, моддий ҳолати деб таъкидлайди. “Рухоний қолипнинг (моҳиятидаги) махфий ҳолатга келсак, махсус бир ҳол бошланади,”¹⁰³ - дейди. Бу билан биринчидан, жисмоний томон, бизга кўриниб турган томонни қолип деб таъриф бериб, шунинг замирида махфий бўлган, яширинган томонни руҳоний ҳолат деса, иккинчидан, жисмоний томон билан руҳоний ҳолатни бир-бири билан узвий боғланган бир бутуннинг бўлаклари сифатида қарайди. Гийлоний жисмоний томонни қолип дейиши орқали руҳоний томоннинг инсон ҳолатига жуда боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Маълум бир маҳсулот, дейлик ғиштнинг турлари, кўринишлари, сифати қолипга боғлиқ.

Чунки хом-ашёни унга солганда зарурий шакл ҳосил бўлади. Демак, руҳий томон жисмоний қолипга кирганидан кейин ундан қандай инсон ҳосил бўлиши ҳар икки томонга ҳам баб-баравар боғлиқ. Гийлоний жисмоний томонни “жисмоний борлиқ” деб ҳам пйтади. Инсон жисмоний борлигининг орзу-истаклари, талаб-эҳтиёжлари нафсдир. Гийлоний қуйидаги ҳадис орқали нафс жисмоний борлиқнинг муҳим жиҳати эканлигини ва унга нисбатан муносабатда бўлганда меъёрга амал қилиш зарурлигини тинжиқдлайди: “Кимки нафсини таниса-ю, унинг (иймонга) уйғун бўлмаган орзуларига муҳолифатда қолса, ҳақиқатда ҳам, у Парвардигорини таниган ва унга итоатдадир”.

Инсоннинг аслий ватани деб Гийлоний, унинг руҳи вужудга келадиган ва яна қайтадиган Лоҳут олами ни назарда тутлади. Гийлоний инсонда фанийлик ва боқийлик, ўткинчилик ва абадийлик, ўзгарувчанлик ва барқарорлик ҳолатлари уйғун ҳолда мавжуд деб қарайди. Чунки, инсонда тана фаний, ўткинчи, ўзгарувчан, руҳ эса боқий, абадий ва барқарор томондир. Аммо руҳнинг асл ватанга қайта олиши ва абадий, боқийлик ҳолатига тушиши тана, жисм, жасадга, унинг Мулк оламида олиб борган фаолиятига боғлиқдир. Бунинг учун инсонда ақл ва тафаккур имкони ҳам берилган. Гийлоний ёзади: “Ақллар ҳам тўрт қисмда билдирилади: 1) маош (дунёлик) ақл; 2) маод (нариги дунё) ақли; 3) руҳоний ақл, 4) куллий ақл.”¹⁰⁴. Танада жойлашган мия фаолияти билан боғлиқ ҳолда инсонда ақлий жараён ҳосил бўлади. Бу инсонда тафаккур қилиш учун имкон яратади. Тил ва тафаккур инсонни маърифатли бўлиб, ҳақиқатга етишида хизмат қилади.

“Маърифат олами дея таъбир этилган олам Лоҳут оламидир. Худди шу жой аслий ватандирки, у Қудсий руҳ яратилган олам бўлиб, ҳақиқий инсонлик ўшандадир. Бу ҳақиқат қалбнинг ўзига омонат сифатида қўнди.¹⁰⁵” Инсоннинг маърифатга эришуви асл ватанга, яъни Лоҳут оламига эришгани экан. Танасиз руҳ асл ватанига қайта олмайди. Бу ғояни Гийлоний шундай изоҳлайдики, руҳ Лоҳут, Жабарут ва Малакут оламидаги барча қувватлар, файзларни олиб, Мулк оламига тушади ва жисму жасадга киради. Гийлоний бу асфал (қуйи, тубан) оламга келишдан мақсад, қалб ва қолип воситаси ила яқинлик ва даража қозонмоқликдир дейди. Бу билан у бу дунёдаги ҳаётнинг жуда муҳимлигини таъкидлайди.

Мутафаккирнинг фикрича, инсонда бутун борликда бор бўлган ҳамма махлуқот мавжуддир. Шунинг учун у инсонни шундай таърифлайди: “Инсон Ҳақнинг ойнаси бўлиб, ҳам жамол, ҳам жалол сифатини акс эттирмоқда. Бутун коинот яратилаётганда (бу ойна) тўплангандир. Яна бу ҳикматга манба бўлиб, “жамъ этувчи борлиқ” ва “улуғ олам” номи инсонга берилди”¹⁰⁶. Гийлоний инсонга “жамъ этувчи борлиқ” ёки “улуғ олам” деб таъриф бериш билан инсон борлиғи бутун борлиқнинг кичрайтирилган нусхаси деган ғояни илгари суради.

Инсоннинг асл сири шундаки, унинг танаси, зоҳири кичик оламдай кўринса-да, лекин ботини, руҳий томони илоҳий сир бўлиб, инсон бутун борлиқни ўзида акс эттиради. Шунинг учун ҳам инсон бутун борлиқни билиш учун аввало ўзининг икки жиҳатини ҳам чуқур ўрганиши лозим. Инсон бошқа (яратилмишларнинг) хилофича бутун исмларнинг зухурот

жойидир. Инсондан ўзга махлуку ашё бир жihatли (ўларoқ) яратилгандир. Инсон ўзида коинотнинг улвий (oлий, юқoри даражада) ва сифлий (паст, тубан даражада) хусусиятларни менлигида акс эттиргани сабабли, керак бўлса, анбиё-ю, авлиё ҳам хатодан холи бўлолмайди деб ҳисоблайди. Инсон борлигини куйидагича тасвирлаш мумкин:

ИНСОН БОРЛИҒИ

Жисмоний томони

Ташқи кўриниши

Зоҳир

Моддий ҳол

Жасад

Тана

Қолип

Тўрт унсур: тупроқ, сув,
ҳаво, олов

Нафс

Рухий томони

Моҳияти

Ботин

Махфий ҳол

Рухлар

1. Қудсий рух
2. Султоний рух
3. Сайроний ёки
раввоний рух
4. Жисмоний рух

Иймон

Инсон борлиғи алоҳида киши борлиғи ва бутун инсоният борлиғи кўринишларида мавжудлиги билан ўзига хосдир. Демак, қодирия таълимоти асосида инсон борлиғи ўз табиати ва моҳияти жиҳатидан энг мураккаб, илоҳийликни ўзида тажаллий этадиган борлиқдир. Унда борлиқнинг барча шакллари маълум жиҳатдан диалектик бирликда намоён бўлади. Инсон моддий рухий оламга хос бўлган қонуниятларга бўйсунди.

Гийлоний инсон танасини тўрт унсур - тупроқ, сув, ҳаво, оловдан иборат эканлиги ва шу тананинг ўзида ҳам ажойиб сирлар яширинганлигини таъкидлаб, шундай деб ёзади: “Бу тўрт унсурдан иккитаси сув билан туфрокдир. Улар иймон битар, илм келтирар, ҳаёт берар. Сўнгра қалбда тавозуъ пайдо қилади. Олов билан ҳавога келсак, улар сув билан туфрокнинг оксидир. Булар ёқади ва ўлдиради”¹⁰⁷. Бу иқтибос кўрсатадики, Гийлоний инсоннинг иймонли ёки иймонсиз, саодат ёки шақоват аҳли бўлишини танадаги тўрт унсурнинг хусусияти, меъёри, мижоз ва фитратга ҳам боғлиқ экан, деб ҳисоблайди. Тана борлигининг муҳимлигидан қодирия таълимотида “Машғуллик ила фориғлик” шиори вужудга келган. Бу талаб нақшбандия таълимотидаги “Даст ба қору дил ба ёр” тамойилларининг ғоявий асосидир.

Бу икки таълимот инсон жамиятдан, оиладан, меҳнат жамоасидан ажралмаган ҳолда танаси хизматда бўлиб, меҳнат билан машғул турган ҳолатда қалби Аллоҳ зикрида бўлишини тиккозо этади. Нақшбандия таълимотида бу “хилват дар анжуман” тамойили асосида юз беради. “Зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан” бўлиш инсонни фаол, холис меҳнат жараёнидаги

иштирокини таъминлайди ва наф олиши юксак бўлган иқтисодий баркамол инсонга айлантиради. Баҳоуддин Накшбанд айтганлар:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Мазмуни:

Ичдан ошно бўлу ташқарида бегонадай тур.

Бундай гўзал равиш жаҳонда камдир.

Бизнингча, бу тана ва руҳнинг ўзаро мутаносибликда ривожланиши масаласи тўғри йўлдир. Чунки руҳ танасиз жамиятга хизмат қилиши мумкин эмас. Руҳнинг камолот воситаси тана ва унинг фойдали, холис хизмати. Демак, тана юксалиши руҳ билан алоқадорликда бўлади. Бунда тана юксалишининг биринчи шарти тана - вужуднинг покизалигидир. Кир ва ифлосликларни тозалламагунча қудсий ва раббоний ҳузурга юксалиб бўлмас.

Модомики, тана ривожини руҳ ривожига асос бўлар экан, жисм дунё иши билан машғул бўлса-да, унга боғланмай, фориғ бўлиши лозим. Бунга эса қодирия таълимотидаги “Машғуллик ила фориғлик” ва нақшбандларнинг “Даст ба кору дил ба ёр” ҳолати орқали эришилади. Ушбу ҳолат тасаввуф таълимотида кенг тарқалган ва ҳозирги кунда барҳаёт бўлган нақшбандия ва қодирия тариқатининг бунёдкорлигидан далолат берувчи муҳим далилдир. Инсон руҳоний борлигини Гийлоний махсус ўрганган. Руҳий олам ҳамда охират олами фазо ва вақт билан чегараланмаган бўлиб, чекланмаган борлиқнинг кўринишидир. “Бу дунё”, Мулк олами фазо ва вақт билан чегараланган ҳамда чеклангандир. Гийлоний руҳ тўрт хил деб, уни жасадга жойлашган манзилларини ва

уларнинг асл ватанларини ҳам баён этади. Буни инсоннинг рухий борлиги ҳақидаги қуйидаги жадвалда баён этдик:

РУҲНИНГ НОМИ	АСЛ ВАТАНИ	ЖАСАДДАГИ ЖОЙИ
Қудсий	Лохут	Сир
Султоний	Жабарут	Фуод
Сайроний-раввоний	Малакут	Қалб
Жисмоний	Мулк	Кўкрак

Гийлонийнинг эътироф этишича, руҳлар келиб танага жойлашади. Демакки, руҳлар танасиз мустақил равишда ўз олдидаги вазифаларини бажара олмайдилар. Жасад, тана, қолипдаги махсус жой уларнинг фаолият юргизишлари учун асос бўлади. Бу ғоя яна бир бора Гийлонийнинг жисмоний борлиқ бўлган тананинг ўрни ва ролини муҳим деб билганлигидан далолат беради. Танага Гийлоний бир жойда қолип деб баҳо берган бўлса, бошқа жойда унга хирқа, кийим деб таъриф беради. Инсон руҳи “Мулк оламига кечди. Бунда ўзлигига хос Ҳақ насиб этган хирқани кийди. Бу хирқани кийдирилишидан мурод ушбу мулк олами (дунё)нинг ёниб кетмаслиги (учун)дир. Шундай қилиб, мазкур кийим ушбу эга бўлганимиз жасад (тана)дир.”¹⁰⁸

Гийлоний инсон борлигини бутун борлиқнинг нусхаси, акси дейди. Шунингдек, у инсоннинг икки жиҳати бўлгани каби, бутун борлиқнинг ҳам жисмоний ва рухий жиҳатлари борлигини уқтиради. Гийлоний Мулк олами, яъни моддий оламни инсон учун зарурий деб билади. Шунингдек, бутун борлиқ инсон учун яратилганлиги, унинг тасарруфига берилганлигини таъкидлайди.

Демакки, бутун сирларнинг сири инсон экан, инсонни ўрганиш билан бутун борлиқ сири очилади.

Инсон борлигининг муҳим томони қалбдир. Қалбда ҳам жисмоний ва рухий томон уйғундир. Юрак танада жойлашган бир парча гўшт бўлса-да, бутун қон шу орқали ҳаракат қилади ва тананинг ҳолати унга боғлиқ. Юракда қалб – рухий ҳолат жойлашган бўлиб, у Ҳақнинг тахти равонидир. Машҳур инглиз олими Дж.С.Тримингэм манбаларига таяниб, қодирия таълимотига оид тасаввуфнинг етти босқичи¹⁰⁹ ни қуйидаги жадвал орқали баён этган ва унда қалбнинг ўзига хос ҳолатларини кўрсатган:

А)	Вужудий қалб	Боти ний қалб	Илҳом ланган қалб.	Таскин топган қалб.	Қоникқан қалб.	Қоник қан қалб.	Мукам мал қалб.
Б)	Аллоҳга саёҳат	Аллоҳ восита сида саёҳат	Аллоҳ паноҳи да саёҳат	Аллоҳга саёҳат	Аллоҳга саёҳат	Аллоҳ томони дан саёҳат	Алло томони дан саёҳат
В)	Шаҳодат олами (ҳиссиёт билан)	Покла ниш олами	Маъна вий олам	Ҳақ олами	Асослар олами	Ботин олами	Танҳо лик ва мавху мот олами
Г)	Эҳтирос ларга мойил лик олами	Мухаб бат- ишқ ҳолати	Эҳтирос ҳолати	Қовушиш ҳолати	Иктидо ёки ўтиш ҳолати	Пушайм он лик ҳолати	Япаш ҳолати
Д)	Аъзо: қўқрак	Аъзо: юррак	Аъзо: руҳ (юррак, қалб)	Аъзо(хуфя қалб)	Аъзо:сир рул асрор	Чуқур ичкари ботин қалб	Яширин макон, сир замин
Е)	Шариат	Тарик ат	Маъриф ат	Ҳақиқат	Валоят	Зот аш- шариат	Зот ал- қулч
Ж)	Ранг:мо вий	Ранг:са рик	Ранг: қизил	Ранг:оқ	Ранг:яшил	Ранг: кора	Ранг:ранг сиз

Ушбу жадвал тасаввур билан ранг ва зулмат (ичдан нур, юзадан зулмат) инсон қалби ва ҳақиқат орасига суқилиб киради ҳамда уни қоронгулаштиради, шу ердан қалб покланишининг етти босқичига зарурат туғилади, қайсики ҳар бир босқичда ўн минг ҳасад йўқотилади.

Фаридиддин Атторнинг “Мантик ут тайр” асарида бу босқичлар ҳақида маълумот бор. Унда қушлар овга чиқиб етти водийдан ўтадилар – булар Изланиш, Муҳаббат, Каромат, Мустақиллик, Бирлик, Пушаймонлик ва (ломаконда) боқийликда мақсадга эришиш. Турк тасаввуфшунос олими Элҳак Музаффар Озарнинг “Зийнат ул қулуб”¹¹⁰ (“Қалбларнинг зийнатлари”) номли асарида нафснинг етти босқичини кўрсатган. Инсон борлигининг ажралмас қисми нафсдир. Нафснинг етти босқичи таҳлилини юқоридаги жадвал билан солиштириб қараганда унда айнанликни кўриш мумкин. “Зийнат ул қулуб” асарида нафснинг сифатлари қуйидагича талқин қилинади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади.

1.Нафси аммора – кофирлар ва фосикларнинг нафслари.

2.Нафси лаввома – гуноҳларига иқдор бўлган мўминларнинг нафслари

3.Нафси мулҳима – олимларнинг нафслари

4.Нафси мутмаина – илми билан амалини ихлос ила унга риоя қиладиганларнинг нафслари.

5.Нафси розиййа – валиуллоҳнинг нафслари.

6.Нафси марзиййа – орифи биллоҳларнинг нафслари

7.Нафси сафиййа – авлиёи киром ва Расули акрамнинг нафслари, мақомлари.

Худди шунга ўхшаш талқинни атоқли файласуф олим О.Файзуллаев икки тасаввуфшунос олимларнинг тадқиқотларини ўрганиш жараёнида дуч келган. Булар америкалик олим Роберт Фрагер ва нақшбандшунос олима Г.Наврўзоваларнинг илмий тадқиқотларига асосланган. Нафснинг ҳозирги замон масалалари борасида ўз хулосаларини берган олим зарурий ва зарарли нафс хусусида фикр юритади: “Зарурий нафс – одам ҳаёти учун эҳтиёжий зарурат экан илгарилари ҳам, ҳозир ҳам ва келажакда ҳам у бўлади... Зарарли нафс – ўғрилик, порахўрлик, манманлик, гирромлик, уриб қолишлик, солиқ тўламаслик, хиёнат қилишлик, наркомания, кўролмаслик, ифвогарлик, оғир меҳнатдан қочиб снгил-елпи ҳаёт кечириш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасининг асосида нафси бузуқлик ётади.”¹¹¹ Демак, инсон ҳаётида нафснинг мавжудлиги ҳаётий зарурат юзасидан бўлса, у тирик жон сифатида кун кечирази ва у меъёрда бўлади. Мана шу меъёрнинг бузилиши, меъёрдан ошиш турли хил иллатларни келтириб чиқаради. Тана тириклиги учун зарурий нафс керак экан.

Инсон мавжудлигининг асосини инсон танасидаги ҳаёт ташкил қилади. Инсоннинг танаси бунда табиий жисм сифатида бошқа табиий жисмлар билан бир хил, улар эга бўлган барча хусусиятларга эгадир, яъни у ҳам пайдо бўлиш, ўсиш, ривожланиш, улғайиш, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш ва шу каби хусусиятларга эгадир.

Инсон танаси табиатдаги барча нотирик ва тирик жисмларда амал қиладиган қонунларга бўйсунди. Лекин бу инсоннинг жонли танасининг ўзи ҳали инсон борлигини ташкил қилмайди, чунки инсон борлиги, аввало, алоҳида кишининг индивидуал борлиги ва бир бутун инсоният борлиги шаклларида мавжуд бўлади. Алоҳида кишининг индивидуал борлиги эса дастлаб тана ва руҳнинг бирлигидан иборат бўлиб, у шу алоҳида кишининг индивидуал ҳаёти ва фаолияти, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, яшаши, ҳис-туйғу ва фикрлари, мақсад ва истаклари, умид ва орзулари, ўз-ўзини англаши, дунёни билиши, индивидуал онги ва тафаккури, нарсаларга, кишиларга, табиат ва жамиятга алоҳида муносабатларининг жамини ўзида қамраб олади.

Гийлоний асарларида “вужуд” тушунчаси ишлатилган, лекин “ваҳдати вужуд” тушунчаси ифодаланмаган. Аммо, таълимот моҳияти шундан келиб чиқади, чунки тасаввуф таълимотида борлиқ тушунчасининг моҳияти ваҳдати вужудда ўз аксини топган. Худди шунга мос ғояларни Гийлоний асарларида ҳам учратиш мумкин. “Ваҳдати вужуд” арабчада жисмоний бирлик маъносини англатувчи, Шарқ халқлари фалсафий қарашларида кенг тарқалган оқим. Унинг асосчиси араб файласуфи Ибн Арабий. Ваҳдати вужуднинг маъноси – “Дунё Худо демакдир”, яъни бутун борлиқ ягона илоҳий моҳият, ягона илоҳий субстанциядан иборат. Ушбу таълимотга кўра, бутун борлиқ Аллоҳнинг нури, жилваси экан, демак, Аллоҳ бутун гўзаллигини, камолотини, куч-қудратини ўзининг тажаллийси (акс этилиши) бўлган борлиқда намоён қилади. Шундай экан, табиат, коинот, шу жумладан, одамзот ҳам

Аллоҳ нури таъсирида жилваланади. Худди мана шу ғоя Абдулқодир Гийлоний таълимотида қуйидагича талкин этилади:

Нури миён дар назар зи он ки тажаллийи Ҳақ,

Бо ту кунад он чи қард бо ҳижрони Кӯҳи Тур.

Вақти тажалли аз ў дийдаи бино мажӯй,

Ў чу намоёд жамол чашии туро зи дасти нур.¹¹²

Таржимаси:

Ҳақ (таоло) ўртага назар қилиб, ўз нуруни тажалли қилса ,

Кӯҳи Тур нима бўлган бўлса, сен ҳам бўларсан.

Тажаллий вақтида уни кўрмоққа кўз излама,

Кўролмагайсан уни - кўзинг қамаштирар нур¹¹³.

Таъкидлаганимиздек, тасаввуф таълимотида Ибн Арабий асос солиб ривожлантирган «Ваҳдати вужуд» -фалсафий йўналиши Абдулқодир Гийлоний ижодиётининг асосий қисмини ташкил этиб, унинг шеърларига жозиба ва завқ, ҳарорат ва гўзаллик бағишлайди.

Пантеизм Худо билан оламни айнанлаштирувчи фалсафий таълимот. “Пантеизм” атамасини биринчи бўлиб инглиз файласуфи Ж.Толанд (1705) ҳамда ундан кейин Нидерланд илоҳиётчиси И.Фай қўллади.(1709). Турли тарихий даврларда эса бу таълимот моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган фалсафий тизимлар ва хилма-хил қарашларни ўзида акс эттириб келди. Форобийнинг пантеистик қарашларида моддий ибтидо ўзини тангри орқали намоён қилади. Тангрида моддий ибтидо гўёки очик-ойдин ифода этилмаган бир шаклда мавжуд бўлади.

Абдулқодир Гийлоний ҳам барча “Ваҳдати вужудий” суфийлардек бутун коинотда фақат битта ҳақиқат, битта ҳақиқий маҳбуб - ягона яратувчини кўради. Бу йўлда бутун жаҳон халқларини миллат ва элатларни тенг деб билади.

Яъни:

Он сирри боло кист, он гар васфи авлост забон,
Дар ишқи ў девона шуд ҳам турку, тожику араб.¹¹⁴

Таржимаси:

Бу сиррим кўп улуг сирдир, забон васфин қила билмас,
Унинг ишқида девона ҳам турку, тожику араб¹¹⁵.

Бу мисралар бутун олам-борлиқ ягона илоҳий асосга эга эканлигини, бор нарсалар унинг тажаллиёти, кўринишлари, зохири эканлигини, шунинг учун ҳар бир нарсага қараганда унинг илоҳий аслини кўриш лозимлигини уқтиради.

“Ваҳдати вужуд” фалсафасини ҳар тарафлама ўрганган Иброҳим Фаний Эртуғрул бу фалсафага ошно бўлиш кишига қуйидагича фойдалар беришини айтади:

1. Инсон бу фалсафа туфайли ўзининг илоҳий сифатларга эришганлигини кўради ва ҳақиқий баҳосини англайди, ўзини танигач, Парвардигорини ҳам танийди-билади.

2. Бу билими орқали яширин ширкдан ҳақиқий тавҳидга эришади.

3. Тавҳидда камолотга эришгани боис, ибодатларида “ихлос” пайдо бўлади. Суфийларнинг қалбий кашфлари ҳам аслида шу ихлоснинг натижасидир.

4. Бу фалсафанинг фазилатларини фаҳмлаган кишига муташаббих (тушунилиши кийин) оятларнинг маъноси аён бўлади.

5. Ваҳдати вужуд билан инсон Аллоҳнинг буюклигини ва ўзининг ожизлигини идрок этади. Махлуқотга Ҳақнинг тажаллилари дея боқади ва уларга раҳму шафқат ила муомала қилади.

6. Ваҳдати вужудга ишонганлар, Аллоҳнинг бирлигини исботлашга уринмайдилар, чунки ундан бошқа борлиқни бор деб қабул этмайдилар.

7. Ваҳдати вужуд мувоқабасида давом этиш-Аллоҳга яришмоқ учун энг қулай ва қисқа йўлдир.

8. Бугун ваҳдати вужуд моддапарастлар билан табиат олимларининг фикрларини рад қилиб, уларни ишонтирмоқ учун энг уйғун фикр тизимидир.

9. Ваҳдати вужудни англаган киши Аллоҳ исм ва сифатларининг тажаллиси бўлган табиатни таниш йўлида янада кўпроқ ғайрат қилади. Чунки, Аллоҳнинг зоти маълум эмас. У фақат исм ва сифатлари билангина маълум. Табиатни тадқиқ этиш ҳам инсонни дунёда ва охиратда саодатли қилади.¹¹⁶

Гийлоний ваҳдати вужуд таълимотини тажаллий тушунчаси асосида изоҳлаган. Маълумки, тажаллий тушунчаси тасаввуф адабиётида кенг қўлланилади.

Тажалли (кўплиги тажжаллийёт) – “Худонинг намоён бўлиши”, Аллоҳнинг дунёда намоёиш этилиши. Тажалли тушунчасини илмий адабиётларга дастлаб басралик зоҳид Рабоҳ ибн Амр ал-Қайсий (796 й.в.э.) киритган.

Гийлоний ҳам тажаллий тўғрисида ўз фикрини баён этади:
“Тажаллиёт ҳам тўрт гуруҳда кўринади:

- 1) Асар (ашё-жисм)лардаги тажаллиёт;
- 2) Феъллардаги тажаллий;
- 3) Сифатларга оид тажаллий;
- 4) Зот тажаллийси¹¹⁷”.

Кўриниб турибдики, Гийлоний бутун жисмлар, феъл, сифат ва инсон зоти илоҳий нурни тажалли этади деб айтади. Гийлоний ашё-жисмлар тажаллийсини махсус кўрсатган. Бу билан уларнинг муҳимлиги ва ўрганиш зарурлигини таъкидламоқда.

Тажалли Абдулқодир Гийлоний таълимотида илоҳий зот намоён бўлган дам табиатда рўй берадиган ғайри оддий ҳолат тавсифи талкин этилган.

Аллоҳ тажаллийсининг рамзи бўлмиш Тур тоғи Қуръони Каримда зикр этилган бўлиб, у Айман водийси номли катта биёбоннинг чап томонига жойлашган бўлиб, ҳазрат Мусо пайғамбар, ўша ерда Аллоҳдан “раббий ариний” яъни “эй эгам ўзингни менга кўрсат” деб илтижо килганда, унга «Лан тароний», яъни бу дунёда мени ҳеч қачон кўришинг мумкин эмас, деб жавоб берилган эди. Сўнгра Худо томонидан Мусога тоққа бок, агар мен кўринганимда у ўз жойида тура олса, сен ҳам мени кўражаксан дейилади. “Тур” тоғи Аллоҳ тажаллийсига чидаёлмай парчаланиб кетганини кўрганда, Қуръони каримда “Ва харра Мусо Саиқо” (Мусо ҳушсиз бўлиб йиқилди) дейилган¹¹⁸. Мазкур илоҳий ҳодиса Абдулқодир Гийлонийни ўзига тортиб, тўлқинлантириб туради. У

неча ўринда, мазкур ҳодисага ишора қилиб шундай мисраларни
ёган:

Вақти тажаллийи Худо дар рақс омад кўҳи Тур,
Андар дили сангини санг аз баски пайдо шуд тараб.¹¹⁹

Мазмуни:

Аллоҳ жамолин кўрсатарда рақс қилди Тур тоғи,
Тоғу-тошнинг тошларида пайдо бўлди тер-тараб¹²⁰.

Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, қодирия таълимотида
борлиқ категорияси инсон борлиғи билан чамбарчас яхлитликда
талқин этилади ва у қуйидаги жиҳатлари билан изоҳланади:

- борлиқ ягона илоҳий вужуднинг бирлиги, яхлитлиги ва
ўзаро алоқадорлиги асосида талқин этилган;

- борлиқ асосан жисмоний ва руҳоний шаклда мавжудлиги
кўрсатилган ва уларнинг иккови ҳам бир-бири билан ўзаро
диалектик боғлиқликда эканлиги таъкидланган;

- инсон ҳаёти жисмоний ва руҳоний борлиқнинг уйғунлик
ҳолатидир;

- инсон жисмоний борлиғи унинг табиати мижозини
белгилайди. Нафс, ақл, тафаккур бевосита шу борлиқнинг
шакллариدير;

- мулк оламидаги инсон борлиғи унинг камолоти асосий давр
эканлигидан ҳам у фаол “Машғуллик ила фориғ” бўлиши
лозимлиги таъкидланган;

- бутун борлиқ унинг нусхаси бўлган инсонда абадийлик ва
ўткинчилик, фоний ва боқий, мавжудлик ва йўқлик, улвий ва

сифлий томонлар мавжуд эканлиги инсон ҳаёт мазмунини белгилайди;

- борлиқни мукамал тадқиқ этиш учун Гийлоний таълимотига таяниб, инсонни ўрганиш лозим деган хулоса қилиш мумкин, чунки Гийлоний инсонга “жамъ этувчи борлиқ”, “улуғ олам” деб таъриф беради;

- борлиқни изоҳлашда қодирия “ваҳдати вуҷуд” таълимоти тарафдори сифатида намоён бўлади.

Билишга оид ғоялар

Билишнинг моҳияти, шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Фалсафанинг махсус соҳаси гносеология шу масала билан шуғулланади. Фалсафа тарихида жуда кўп мутафаккирлар ва мутасаввифлар билишга оид фикрларини айтганлар. Тасаввуф аҳли билиш масалаларини ўзига хос равишда хал этган. Улар “Худшуноси худошуноси” – яъни “Ўз – ўзини билган Аллоҳни, яъни Олий ҳақиқатни билади” ва инсон ҳолатининг ўзгариши оламни англашига ёрдам беради, деган нуқтаи назарларда турганлар.

Қодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гийлоний ҳам билишга оид фикрларини ўз асарларида баён этган. У ўзининг “Сиррул асрор фийма йахтажү илайҳил аброр” ва “Фатҳур раббоний вал файз-ур раҳмоний” (Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш) асарларида бу масалага махсус тўхталган. У илм эгаллаш зарурлиги ва бу инсониятни таназзулдан асрашини таъкидлаб қуйидаги фикрни билдиради: “Ҳақиқатдан ҳам илм, кадрли бўлган нарсалар орасида инсонга жуда юксак даражада шараф бермоқда; (чунки илм орқали инсон) олий мартабага лойиқ бўлмоқда; негаки, илм энг қийматли зийнат бўлиб, маънан энг устун тижоратни келтириб чиқармоқда”¹²¹. У илм ҳаёт, жаҳолат ўлим деган ғояга асосланган.

Билиш жараёни ўз объект ва субъектига эга. Қодирия таълимотида билиш объекти масаласини ҳал этиш борлиқни ваҳдати вужуд тарзида тушунишдан келиб чиқади. Гийлоний буни куйидагича ёзади: “Аллоҳ таоло бир қудсий ҳадисда шундай буюрмоқда: “Эй одам фарзанди, албатта, мен бир махфий кон эдим, бас, ўзимни ошкор этиб танилайин деб ирода қилдим ва бутун халқни яратдим”. Бундан маълум бўлмоқдаки, Аллоҳ таоло инсонни маърифат учун яратди”.¹²² Шунингдек, Гийлоний инсонни “улуғ олам” деганига асосланиб, у бутун борлиқни ўзида акс эттиргани учун билиш субъекти билан у билишнинг объекти ҳамдир, чунки ўзини билиш, таниш орқали бутун борлиқ ва Ҳақни таниши мумкин.

Ваҳдати вужуд таълимотига асосан Аллоҳ ва инсон борлиғи моҳиятан айнан бир бўлганлигидан Худони билиш учун ўзини билиши тақозо этилади. Шунинг учун ҳам тасаввуфда ўзини билиш - Худони билишдир, дейилади.

Демак, билиш қодирия таълимотида маърифатли бўлиш экан, чунки билишдан мақсад олий ҳақиқат, яъни илоҳий моҳиятга етишдир.

Маърифат қодирия таълимотида кенг ва тор маънода қўлланилади. Кенг маънода маърифат тўла билиш жараёнининг мақсад, мазмун ва моҳияти бўлса, тор маънода тасаввуфий ҳақиқатга етишнинг бир босқичидир. Гийлоний жаҳолат ва ғафлат тушунчаларини маърифат тушунчасига қарама-қарши қўйиб ишлатган ва жаҳолатни қаттиқ қоралаган.

Қодирия таълимотида ҳам, билиш бу маърифатли бўлишдир. Маърифат тор маънода ботин ишидир. У билан ички олам тартибга келади. Гийлоний маърифатли бўлиш жараёнида “ирфон туйғуси” деган иборани бир неча бор ишлатган. Бу билан ҳиссийлик деганда поқеликни акс эттириш шакли сифатида фақат сезгилар (кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш, тери сезгиси)ни эмас, “таъсирчанлик”, “сезувчанлик”, “завқланиш”, “интуиция” кабиларни ҳам назарда тутган, яъни Гийлоний ҳиссийлик тушунчасини кенг маънода тушунган. Қалб кўзи, қалб қулоғи, сир кўзи, сир қулоғи тушунчалари билан у кўриш, эшитишни зоҳирий шакли билан ботиний кўриниши ҳам мавжудлигини таъкидлаган.

Маърифатли бўлиш учун Гийлоний тавба мақомини аҳамиятли деб билади. “Хушёр бўлинг! Тавба йўли билан Раббингиздан маърифат талабида бўлинглар,”¹²³ – деб ёзади.

Гийлоний маърифат, яъни ирфон соҳиби бўлмоқликни икки шаклда:

1) Аллоҳ зотига; 2) Унинг сифатларига нисбатан ирфон туйғусига эга бўлмоқлик дейди ва таъкидлайдики, “бу икки маърифат (тури) фақатгина икки тарафлама илм билан юзага чиқади; улар зоҳирий ва ботиний илм.”¹²⁴ Асл ирфон илми, деб Гийлоний илоҳий маърифатни ўйлаб, Аллоҳга нисбатан тўла ирфон туйғусига эгаликни тушунади. “Ирфон илми деганда тавҳид ҳолини назарда тутмоқдамиз,”¹²⁵ – дейди Гийлоний ва бу илмни эгаллаган кишини ориф ва у ўз қалбида ирфон иштиёқини ҳис этган зотга, яъни маҳбубига шу билан эришадиганлар дейди. Бу ҳолнинг натижаси эса руҳоний бир ҳол билан яқинлик оламига

учиб кетмокдир. Орифлар обидлардан фарқ қиладилар. Обидлар жаннатни истайдилар ва унга меҳнат килиб, юриб кирадилар. Орифларга Ҳақ дийдори керак, бу яқинликка улар учиб кетадилар.

Ошиқларнинг хос қалб кўзи бор

Улар кўрганини бошқалар кўролмас.

Томирсиз, парсиз ўзгача қанотла учар

Малакут томонга, оламлар Раббига.¹²⁶

Маърифат тор маънода ҳол илми, руҳий ҳолат эканлиги юқоридаги ғоялардан маълум бўлади. Тасаввуфда билиш бу нурдир. Гийлоний ҳам билим бу нур эканлиги ва Аллоҳ берган нур оркали инсон залолатдан кутулиб маърифатли бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Билиш жараёнини мукаммал ўрганган олим Роузентал Франц ҳам, “билим нурдир”, деб бу жараённи таҳлил этган.¹²⁷ Дарҳақиқат, Гийлоний таълимотидаги тажаллий ғоясидан ана шундай фикр келиб чиқади. Қалб нури, қалб кўзининг очилиши инсоннинг ҳақиқатни билишига ёрдам бериши кўрсатилган. Алломанинг “Сиррул асрор” асарининг тўртинчи боби “Илмларга доир” деб номланган. Шу бобда Гийлоний махсус илмга оид фикрларини баён этади. Гийлоний илмларни иккига – зоҳирий ва ботиний илмларга бўлган. Зоҳир ва ботин илмлари 12 қисмдан 24 тага бўлинган, яъни зоҳирий илмлар – 12 қисм, ботиний илмлар – 12 қисм, деб ёзган у.

1. Зоҳир илми. “Зоҳир – (араб. – сиртқи кўриниш, равшан, бир нарсанинг юзи, ташқи сатҳи) – Шарқ фалсафасида асосий тушунчалардан бири. Зоҳир ботин маъносининг қарама-қаршиси бўлиб, уни асосан сезгилар ва ақл ёрдамида англаш мумкин. Зоҳир

ботинга таъсир ўтказгани каби, ботиннинг ҳам зоҳирга таъсири бор. Зоҳир усул илмида шундай бир сўзки, унинг биринчи марта ишлатилган маъноси (асл маъноси) бошқа бирон сўз ёрдамисиз фақат лафзнинг ўзидан маълум бўлади. Масалан, қуёш сўзини эшитиш билан, осмонда порлаб турган буюк шарни тушунамиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, зоҳир шундай бир сўзки, у биринчи марта ишлатилган аслий маъноси ёки урфий маъноси фақат лафзнинг ўзидан аниқ англанади, уни ишлатишдан сўзловчининг қасди, нияти нима эканлиги назарда тутилмайди. Негаки, сўзловчи бирон мақсад ёки ниятни ифодаламакчи бўлса, албатта, калом (жумла, гап)ни ишлатади. Бу фикр мутааххир олимлар (охирги давр олимлари)нинг назарига асосланган. Негаки, улар зоҳир учун унинг маъносини, сўзловчи томонидан бирон – бир мақсадни ифодалаш ниятида ишлатилмаган бўлиши шарт деб билганлар. Лекин, мутақаддимлар нуктаи назарича, зоҳирда эътибор бериладиган жиҳат фақат ундан қўзланган мақсаднинг аниқ ифодаланишидир. Уларнинг фикрига кўра, зоҳирда сўзловчи томонидан назарда тутилган мақсад учун ишлатилмаслик шарт эмас.

Гийлоний зоҳир илмини шариат илми, тафсир илми ва авом учун мўлжалланган деб ёзган. Зоҳир илмини эгаллаш ҳиссий ва ақлий билиш орқали амалга оширилади. Ҳиссий билиш – билишнинг биринчи босқичи бўлиб, сезги, идрок, тасаввур орқали амалга ошади. Ақлий билиш – билишнинг иккинчи босқичи бўлиб, тушунча, муҳокама, ақлий хулоса чиқариш орқали бўлади. Гийлоний ўз асарларида ақл тушунчасини ишлатган. У Ақл Аллоҳ

томонидан яралган деб қарайди. “Ақл” дейишнинг сабаби у ҳар нарсани идрок қиларди”¹²⁸, - деб ёзади. У ақлларни тўрт қисмга бўлади:

1.Маош – ашёвий дунёга тааллуқли ақл.

2.Маод (охират) ақли

3. Руҳоний ақл.

4.Куллий ақл.

Бу тўрт қисмдан иборат ақл, Гийлоний фикрича, тўрт хил илми: ҳосил этади ва тўрт хил тажаллий билан боғлиқ. Асар (ашё-жисм)лардаги тажаллийни маош - дунёвий ақл таҳлил этади ва зоҳирий илм ҳосил бўлади. Қолган 3 хил тажаллий феъл, сифат, зот тажаллийси маод, руҳоний ва куллий ақл манбаидир ва улардан ботиний илм ҳосил бўлади.

2. Ботин илми. Ботин асосий фалсафий тушунчалардан саналади. Ботин зоҳир каби Аллохнинг исмларидан бири бўлиб, ушбу маънода у барча яширин нарсаларнинг сир-асрорини билувчиси, шунингдек, барча халойик ва уларнинг ваҳму тасаввуридан яширин илмлардир. Ҳеч бир кўз уни кўришга ва ҳеч қандай ваҳму хаёл уни қамраб олишга қодир эмас. Ботин аҳли - илоҳий сирру асрордан вокиф бўлган орифлар. Гийлоний ботин илмини хос кишиларга мўлжалланган илм дейди. Ушбу илми тариқат ва ҳақиқат илми ҳамда таъвил илми деб ҳам атайдилар.

Ботин илми - иррационал билиш жараёнидир. Иррационализм (irrationalis – ақлсиз, онгсиз) – фалсафий атама бўлиб, икки маънода ишлатилади: биринчиси, билиш мумкин эмас деган маъно бўлиб, муҳолифи бўлган фалсафий тамойил хусусида кетади.

Чунки биринчи маъно “агностицизм” атамаси орқали ўз аксини топади. Фақат ақл ёрдамида билимга эга бўлиш тамойилининг қарама – қарши томонидир. Иррационализм билишнинг ноақлий (ёки ақлдан қуйи ёки юқори) босқичлари ҳам мавжудлигини тан олади ва шу босқичлар мазмунининг тахлилига алоҳида эътибор беради. Шу маънода иррационализм ақлий фаолият соҳасини чекланган деб ҳисоблайди. Иррационализм инсон руҳий фаолиятининг иррационаллик доирасидан ташқарига чиқувчи хилма – хил жиҳатларини биринчи ўринга сурадиган турли хилдаги фалсафий тизим ва йўналишларни ўзида бирлаштиради. Масалан, ирода (волюнтаризм), интуиция (интуизм), онгсизлик (психоанализ) шулар жумласидандир. Барча динларнинг мистик йўналишлари иррационал (норационал) табиатга эга: ислом динида бу тасаввуф бўлса, Ҳиндистонда шаклланган динларда йога, Хитойда эса Дзен буддизмидир. Диний догматика ва диннинг расмий жиҳатлари (шакллари) эса рационал табиатга эга. Шу маънода иррационализм ўз табиатига кўра жуда қадимийдир.

Интуиция - ҳақиқатни мантикий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб олиш қobiliяти. Қадимги фалсафий қарашларда интуиция билишнинг алоҳида шакли деб ҳисобланган. Масалан, Платон таълимотига кўра, билишнинг объекти – ғоялар дунёсидир, моддий дунё, предметлар тўғрисидаги тасаввурларимиз эса ҳиссий билиш орқали ҳосил бўлади. Ҳиссий билиш, Платоннинг фикрича, ҳақиқат эмас, чунки у орқали кишилар ғояни эмас, балки моддий предметларни сезадилар, улар тўғрисидаги тасаввурга эга бўладилар. Ҳақиқатни билиш унингча, фақат соф тафаккур орқали

содир бўлади. Қадимий Шарк фалсафасида интуиция пайғамбарларга, авлиёларга хос бўлган махсус билиш усули сифатида талқин этилган. Декарт таълимотида билишнинг бирдан – бир тўғри йўли интуицияга асосланган дедуктив усулдир. У дин ва схоластик фалсафа ўрнига киши ақлини, илмий билимини олға кўяди. Декартнинг фикрича, исботнинг дедуктив шакли аксиомаларга асосланади, аксиомалар эса, ҳеч қандай исботсиз соф интуитив тарзда пайқалади. Спиноза интуицияни билишнинг “учинчи хили”, нарсаларнинг моҳиятини қамраб олувчи энг ишончли билиш деб ҳисоблаган. Ҳозирги замон фалсафасининг айрим вакиллари интуицияни бевосита билим деб диалектик тарзда боғланган жонли мушоҳада сифатида қарайди ва интуицияни ақлдан устун турадиган, мистик билиш қобилияти деб талқин этишни рад қилади.

Абдулқодир Гийлоний зоҳирий ва ботиний илмларга эга бўлиш орқали маърифат мақомига эришиш мумкин дейди. “Маърифат нафснинг қора пардасини қалб ойнасидан очмоқ ва уни тозаламоқ билан ҳосил бўлади. Ўша замониёқ илоҳий жамолнинг махфий хазинаси кўрина бошлайдики, бу қалб сирларининг (ҳақиқатдан ҳам) намоён бўлишидир... Билдирилган ишларнинг ҳосил бўлиши (мазкур) икки илмга боғлиқ.”¹²⁹

Гийлоний инсонларни билиш даражасига қараб авом, хос, асл ва ҳақиқий инсонлар дейди. У буни тафаккур билан боғлайди.

Тафаккурни Гийлоний “инсон борлиғида жузъий жой олган тафаккур илми”¹³⁰ деб изоҳлайди. Бундан маълум бўладики, Гийлоний инсон борлигини бир бутун деб унинг бир бўлаги,

жузъини тафаккур илми, тафаккур қила олиш қувватлари демоқда. Бизга маълумки, инсонни фикрлаш қуввати инсон танасининг бош қисмида жойлашган мия фаолияти билан боғлиқ. Инсон ўз фикрини баён этиш учун унга нутқ қобилияти берилганки, бу ҳам танадаги тил билан боғлиқ. Ўз фикрини ёзиб қолдириш учун қўл ёрдам беради. Тафаккурдаги ғоялар ҳам тана ёрдамида амалга ошади.

Гийлоний асарида тафаккурга оид уч хил ҳадисни келтиради:

- 1.Бир онлик тафаккур бир йиллик ибодатдан хайрлидир.
- 2.Бир онлик тафаккур етмиш йиллик ибодатдан хайрлидир.
- 3.Бир онлик тафаккур минг йиллик ибодатдан хайрлидир.

Бу ҳадисларни инсоннинг даражасига қараб Гийлоний шундай шарҳ этади: “- (Биринчиси), кимки бирор ҳикматли иш ҳақида фикрлаб, унинг бир қисмидан кўпгина жузълар борлигини ва улардан ҳам бир қанча ишлар ҳосил бўлганини ўйласа, бу тафаккур дейилади. Бундай юритилган тафаккур бир йиллик ибодатга бадалдир;

- (иккинчиси), кимки қилган ибодати ҳақида фикр юритса ва унинг ҳикматига нисбатан маърифат туйғусини ҳис этса, бу тафаккурни етмиш йиллик ибодатга бадал бўлади деймиз;

- (учинчиси), кимки илоҳий маърифатни ўйлаб Аллоҳ таолога нисбатан тўла маърифат туйғусига соҳиб бўлмоқни тиласа, унинг тафаккури минг йиллик ибодатга бадал бўлади”¹³¹.

Гийлоний бир йиллик ибодатга бадал бўладиган тафаккурга бўлган ҳикматли иш ҳақида фикрлаш жараёнини киритади. Демак, бу ерда зоҳирий билим, бўлиб ўтган иш жараёнини кўриш,

эшитиш, ҳис этиш, таъм билиш барча сезги аъзолари билан уйғун равишда ўйлаш, таҳлил этиш назарда тутилмоқда. Етмиш йиллик ибодатга бадал бўладиган тафаккур инсоннинг ўзи қилган ибодати ҳақида тафаккур юритиш, яъни ўз-ўзини англаш, билиш, таҳлил этиш, мушоҳада этиш ҳақида гап борапти. Бу ботиний билим бўлиб, зоҳирий билимга нисбатан устундир. Лекин инсон ўзи ҳақида мушоҳада этади. Минг йиллик ибодатга бадал бўладиган бир онлик тафаккур илоҳий маърифат, яъни ирфон соҳиби бўлишдир. Бундай инсон бутун борликни яхлит кўради ва унда ўз ўрни, мақсад-моҳияти, бутун борлиқ унинг хизматида, тасарруфи учун берилганлигини ҳис этади, кўради. Бундай инсонни Гийлоний бир жойда “ҳақиқий инсон”¹³², бошқа жойда “асл инсон”¹³³ деган тушунчалар билан баҳо беради. Бундай инсонлар ўз аслини билиши ва аслий ватанига қайта олиши мумкин, деган ғояни илгари суради. Бу ғоя “Сиррул асрор”да шундай баён этилган: “Умумий ҳукмга кўра, мутолаа этилган инсон баъзи даражалар ила аслий ватанига қайтиши мумкин. Бу даражаларга эришмоқ учун динимизнинг зоҳирий амрларига бирор сабаб билан астахидил киришилади-ю, олға юрилади. Ва сираси билан маънавий йўлу маърифат оламига кечилади. Аммо маърифат (мақоми) жуда юксакдирки, жаноби пайғамбаримиз (сав) уни улуғлар эканлар, шундай марҳамат қиладилар: “Ҳар нарсани ўзида бирлаштирган бир ҳикмат бордир. У Ҳақ маърифатидир.” Банда эса бу мақомларга эриша билмоғи учун “кўриб қўйсинлар, эшитиб қўйсинлар”, дея киришмаслиги зарур. Бажариладиган (эзгу) амалларнинг даражаларини уч қисмга бўламиз ва улар “жаннат”

дея таъбир этилади...Мазкурлар жисмоний борлиқ тотажек неъматлардир. Уларга эса фақат уч хил илми ўзликда бирлаштирмоқ ила эришилади. Бу илмлар – шариат, тариқат, маърифат.^{134,}

Фикримизча, Абдулқодир Гийлоний билишга оид таълимотининг афзаллиги шундаки, у фақат ҳиссий ёки фақат ақлий, ёки фақат интуитив билишни устун қўйиб, бир томонлама ёндашмаган, балки буларни бир – бири билан узвий боғлиқликда қараган. Гийлоний билишнинг барча шаклларига бир хил зарурий деб қарайди. У ҳиссий билишни тан олган. Зоҳирий билимларни эгаллашда ҳиссий билишнинг ўрни эътиборли дея эътироф этган. Лекин ҳиссий билишни мутлақлаштиришга уринмаган. Ақлий билишни тан олган, ақл, тафаккур ҳақида ёзган, аммо масалага бир томонлама ёндашмаган. Интуиция, қалб кўзи, фаросат, ладун илмларини тан олган, уларни олами билишдаги ўрнини тўғри кўрсатган, лекин уларни ҳам идеаллаштирмаган. Гийлонийнинг билишга оид нигоҳи меъёрадаги, уйғун, мувофиқ, ихтилофсиз қарашдир.

Гийлоний билиш жараёнини яхлит бир жараён сифатида изоҳлаб, “Олим зоҳирни билиши билан қудсий ҳарамга киролмас; яқинлик оламига эришолмас. Чунки, у бир учини оламидандир. Учмак учун икки қанотга эҳтиёж бордир. Қул удирки, зоҳир ва ботин билими билан интилади ва англаганимиз оламига қовушар,”¹³⁵ - деб уқтиради. Гийлонийнинг бу фикри шуни кўрсатадики, инсон илми юксак даражада бўлиши, яъни ҳақиқатни топиши учун зоҳир ва ботин илмларини эгаллаши лозим, чунки бу

икки илм у учун икки қанот бўлиб, уни юксакликка олиб чиқиши мумкин. Агар қушнинг бир қаноти бўлмаса, у уча олмагани каби инсон ҳам ё зоҳир, ё ботин илмдан маҳрум бўлса у камолотга ета олмайди. Демак, зоҳирий (тафсир) ва ботиний (таъвил) илмлари бир-бири билан узвий боғлиқ, фақат зоҳирий илм қуйи, ботиний илм юқори даражададир. Лекин улар бир-бирини тақозо этади.

Зоҳир ва ботин илмининг олими бўлиш учун тавҳид кўзи билан оламга қараш лозим. Инсон илмни бўлиши ва илоҳий нурлар тажаллийсини кўриши учун аввал зоҳирий кўзи билан оламни кўриши, кейин қалб кўзи билан мушоҳада этиши ва сўнг тавҳид кўзи билан назар қилиши керак.

Гийлоний ботин илмини эгаллашда қалб кўзини муҳим восита деб билган. Унинг фикрича, “Қалбнинг икки кўзи бор: суғро (кичик) ва кубро (катта).

- Суғро кўз ила илоҳий сифоту исмларнинг тажаллиёти мушоҳада этилади. Бу назар ва мушоҳада даражот оламига қадар узаяди;

- Кубро кўзига келсак, тавҳид ва аҳадият нури соясида лохут оламидаги яқинлик ўлкасида мавжуд ҳоллар мушоҳада қилинади.^{136,}

Абдулқодир Гийлоний қалб кўзининг борлиги, қалб кўзининг эшитиш ва гапира олиши инсон танасида қалб ҳаёти мавжудлигини билдиради дея эътироф этади ва қалб ҳаётига эришилгач, қалб лисони билан сўзланади дея таъкидлайди. Зоҳир илмини эгаллагандан кейин қалб ҳаёти бўлади. Бу илмни эгаллагандан сўнг ҳосил бўлган тушунча, ҳукм ва хулосалар қалбга сингиб, фаҳм-

фаросат, илҳом беради. Қалб қулоғи билан уни тинглаш, қабул этиш ботин илмини вужудга келтиради. Қалб тирилиши учун нафсга қарши мужодала ҳолатида бўлиш лозим.

«Қалб ва нафс бир-бири билан баҳс қилувчи ва муҳолиф бўлувчидир. Ким қалбни ислоҳ қилмоқни ирода этса, уни ёмонликдан сақлашга тиришсин. Нафснинг ёмонлиги бошқа ёмонликлардан ашаддийроқ. Унинг устида жидду жаҳд қилинса, нафс хотиржам бўлиб, яхшилик ичида қолади.»¹³⁷ Қалбларни ислоҳ қилинишини таъкидлайди Гийлоний, чунки қалб тўғри бўлса, қолган барча ҳолатлар тўғри бўлади. У қалбни ислоҳ этувчи воситалари сифатида тақво, таваккул, тавҳид, ихлосни қайд этади. Гийлоний бунинг учун “нафсингга қарши бўл, мувофиқ бўлма. Уни жиловла, қўйиб юборма. Уни занжирбанд эт. Фақатгина чорасиз бўлган ҳақларини адо қил. Бутун куч-қувватингни сарфла, нафсинг хоҳишини ўчир»¹³⁸ дейди ва жидду жаҳд, ғайрат, ҳаракатни билим олиш жараёни учун ниҳоятда катта аҳамияти борлигини кўрсатади. Гийлоний қалб кўзи очилиши ва ботиний билиш учун боғланишлардан узилиши зарур, дейди. “Қалб сабаб саҳролари ва халқларга боғланишлардан ташқарига чиқса, Аллоҳнинг маърифати ва илм денгизига тушади.”¹³⁹, – дейди Гийлоний. Чунки сабабни эмас, сабабларни яратганни таниш лозим. Қалб Ҳақ азза ва жалланинг нуридан жилоланади, деган ғояни илгари суради.

Маърифатли бўлиш учун, хусусан ботин илмини эгаллаш учун Гийлоний қалб кўзининг очилишини жуда зарур деб билади. У асарида шундай ташбеҳ келтирадики, бир киши: “Кўз ожизлиги қачонгача давом этади?” - деб сўради. “Табиб ҳузурига бориб,

унинг остонасига бош қўйиб, аччиқ дориларига сабр қилсанггина кўзингдаги ожизлик йўқолади. Аллоҳ учун хокисор бўл ва ифлосликларга етаклайдиган ишларни ўзингга амал санама, нуксонларинг учун Ундан афв сўра... Шундагина қалбинг кўрлиги завол топиб ва онг ҳаракатга келади”¹⁴⁰, - деб жавоб берадилар. Қалб кўзининг очилиши ҳиссий даражадаги кўриш ва эшитиш, сезиш, таъм билиш ва ҳид билиш жараёнига таъсир этади. Бу икки жараён бир-бирини тақозо этади ва бири иккинчисини тўлдириб боради.

Қалб кўзи очик, қалб қулоғи эшитадиган бўлиши учун, аввало қалб тирик бўлиши керак. Нафс ҳукмрон бўлса, қалб ўлади. Гийлоний ёзади: “Сенга илминг нидо қилади, лекин қалбга эга бўлмаганинг туфайли унинг сўзларини эшита олмайсан. Унинг сўзларига қалб ва сиринг ила қулоқ тут, сўзларини қабул қил. Шундагина манфаат топасан.”¹⁴¹

“Қалб кўзи”, “Ботин илми” ёки “ҳол илми” тушунчаси билан ифодаланган интуитив билиш дискурсив билишдан устун бўлиб, унга илоҳий марҳамат билан эришиш мумкин. Иррационал билиш жараёнида Гийлоний “басират” деган тушунчани ишлатади. Басират – фаросат, ҳақиқатни қалб билан ҳис қилиш; иймон огоҳ бўлиб, ибрат оладиган ҳидоятнинг сабаблари. Гийлоний ёзади: “Басират рух булоғидан келади. Авлиё учун у “Фуод” мақомида очилади. Бунга эришмоқлик тарзига келсак, у зоҳирий билим билан бўлмайди. Ғойибдан ва ботиндан жўшиб келувчи илм лозим.”¹⁴² Басиратларни очмоқлик учун набий, валийларни ғофилларга юборади. Асл ғоя уларни ғафлат уйқусидан уйғотмоқдир. Яъни

басират огоҳлик ҳолатида бўлади. Ғафлат ҳолатида бу мумкин эмас.

Гийлонийнинг таъкидлашига кўра, инсоннинг басират кўзи бўлса, Аллоҳни шу ҳолда кўрар эди. Лекин фаҳмининг касаллиги инсон учун офатдир. Гийлонийнинг бу фикри Басират илмини фаҳм-фаросат илми билан уйғун тушунча сифатида ишлатилганидан далолат беради. Бу илмларни эгаллаш учун амалнинг аҳамияти катта. Гийлоний “зоҳирга амал қилсангиз, ботинни фаҳмлашга олиб боради. Аввал кўнглингни фаҳмла. Шунда қалбинг нафсингга, нафсинг тилингга, тилинг юзага чиқади”¹⁴³, - дея эътироф этади. Демак, интуитив ёки иррационал билим асоси зоҳирий илм, амалдир. Ундан кейин қалбга ва яна нафс ва тил орқали ошкор бўлар экан. Яъни илм боши зоҳир бўлса, натижаси ҳам зоҳир бўлар экан.

Иррационал билимни эгаллашда Гийлоний “важд”нинг муҳимлигини таъкидлайди. У ваядни икки қисмга - жисмоний ва руҳоний қисмларга бўлади.

1. Жисмоний ваяд нафсдандир. Руҳий ўзгариш рўй бермайди ва моддий туйғуларнинг таъсири билан юзага чиқади. “Кўриб кўйсинлар, эшитсинлар”, - дея амалга оширилган ишлар шу ваяднинг маҳсулидир. Гийлоний бу тур ваядни беҳуда дейди.

2. Руҳоний ваядни руҳоний кувватнинг ортишидан юзага келади, дейди. Бу ҳолатда жисмнинг бирор бир куввати қолмайди, иродаю танлаш қобилиятини йўқотади. Бу ваяд тамоман руҳоний ва унга иқтидо қилмоқ яхшидир. Ваяд нурни нурга қовуштиради.

Гийлоний ваяд ҳолидаги ҳаракатларни ҳам икки хил дейди.

1.Инсоннинг орзу ниятига боғлиқ (ихтиёрий).

2.Иродаю танлаш ҳолатига боғлиқ (изтирорий).

Иккинчи изтирорий важдни инсон ўз-ўзича ҳосил қила олмайди. Рухий ҳисобланувчи бу важд ҳаракати ошкора туйғуларга ғолиб келади. “Важду сафо ошиқлар ва ирфон соҳибларининг қалбини ҳаракатга келтирувчи икки қуролдир”¹⁴⁴, - дейди Гийлоний ва важд ҳолини ўн тури борлиги уларнинг бир қисми ошкора ва қолгани махфий бўлишини таъкидлайди.

Тасаввуф аҳли қудсий маъно ҳолларига “тифл” (бола) номини бердилар. Унинг бундай дейилмоғи эса қуйидаги сабаблар туфайли юзага келган:

1.Бу ҳол қалбда туғилади ва у ерда тарбия топади, ривожланади. Чунончи, она ҳам аввал фарзандни туғади, боқади, ўстиради ва балоғатга етказади;

2.Илм таҳсили кўп ҳолда болаларга хос. Маърифат илмини эса айнан қалб фарзандига таълим берилади...”¹⁴⁵.

Илмлар таснифига кўра, тариқат, яъни ботиний илмлар босқичида асосан қалб фаолияти билан боғлиқ бўлиб; унинг камолоти Малакут оламини мушоҳада этишга қодир бўлади.

Энди ботиннинг айнан ўзи бўлган учинчи босқич маърифат илми – бу Султоний руҳ билан боғлиқ бўлиб, унинг тасарруф этадиган ҳудуди фуоддир. Бу ҳақда Абдулқодир Гийлоний шундай баён этади: “Султоний руҳга келсак, у мавжуд бўлган ва тасарруф этадиган ҳудуд фуоддир. Унинг матоси маърифат бўлиб, қалб тили билан восита этилиб, ёлборилган (яъни илтижолар билан эришилган) илоҳий илмларнинг ҳаммасидир... Мазкур султоний

руҳнинг кори (хусуси)га келинса, бу амал жамол сифатининг тажаллиси тамошосига чўмганича, ҳайратга тушмоқликдир. Аллоҳ таоло шундай хабар қилмоқда: “(Пайғамбарининг) кўнгли кўрган нарсасини инкор этмади...” (Ван-Нажм: 11).

Учинчи илм босқичи аввалги иккитасидан мураккаброк бўлиб, бунда жамол сифатининг тажаллисининг тамошосига эришилади. Демак, Ҳаққа яқинлашиш жараёни айнан шу босқичдир. Кейинги босқич энг юқори босқич бўлиб, бунда қудсий руҳ орқали эришилади. Бу руҳнинг матоси ҳақиқат илмидирки, аини дамда у, тавҳид исмларига давом этмоқликдир. Бу давомийлик сир лисони билан амалга ошади. Аввалгиларидек, бу ерда ҳам зоҳирий нутқ йўқ.

Шу ерда ҳақиқат ҳақидаги ғояларни айтиш ўринлидир. Ҳақиқат масаласига ҳам қодирия таълимотида эътибор қаратилган. Ҳақиқат билиш фалсафасининг энг муҳим муаммоси, асосий масаласидир. Тасаввуфда, инчунин қодирия таълимотида ҳам ҳақиқатга эришишни, аввало “Ҳақ”қа, унинг васлига етиш деб тушунганлар. Гийлоний асарларида “Ҳақиқати Муҳаммадия”¹⁴⁶ деган тушунча қўлланилган. Бу шунга асосланганки, Аллоҳ ўз жамолининг нуридан илк бора Муҳаммад пайғамбарнинг нурини халқ қилган. Билиш жараёни абсолют ҳақиқат бўлган Аллоҳнинг моҳиятини англашдир. “Аллоҳ таоло шариат билан ташқи оламимиз тартибини, маърифат билан эса ички оламимиз тартибини амр этган. Ҳар иккисининг бирикувидан эса ҳақиқат пайдо бўлади”¹⁴⁷, – деб ёзади Гийлоний.

“Қудсий руҳнинг ҳолидан (эса) Аллоҳ таолодан ўзга вокиф бўлолмайди. Бу руҳнинг кори маъно фарзандининг зуҳуридир. Мушоҳада қилгани ва кўрадигани Аллоҳ таолонинг важҳидирки, унда жалол ҳам жамол сифатларига боқилади. Бу нигоҳ сир кўзи биландир. Ўша кунда юзлар порлаган ҳолатда Раббиларига тикиладилар. У жойда ўхшашлик ва ўхшатишлик йўқ. У фақат эшитар ва кўрар эди.

Инсон (ўзининг асл) ғоясигни билгач, ақлнинг ҳукми остига ўтади. Қалблар ҳайратга тушади. Тиллар тутилиб, бу ҳоллардан хабар беришга ҳам кучи етмай қолади. Чунки Аллоҳ таоло (жамики инсон кўра олган ва билган) мисоллардан муназзаҳдир”¹⁴⁸

Инсон риёзат чекиб шу даражага етганидан кейинги ҳолат Абдулқодир Гийлонийда ўзига хос тасвирланган. Бунда эндиги юксак мақсад ладуний илмга эришишдир. Ориф эғаллайдиган илмларнинг олийси ладуний илмдир. Бу илм яқин илмидан юксакдир. Яқин илми тасаввуфда айнал яқийн, илм ал-яқийн ва Ҳақ ал-яқийн боскичлари билан тавсифланган. Гийлоний асарларида бу ибораларни, айниқса, яқин, Ҳақ ал-яқийнни ишлатган, лекин махсус уларни таҳлил этмаган.

Асарда ладуний илм қуйидагича тасвирланган: “Таъкидланган хабарлар илм соҳибларига етгач, улар учун лозим бўлгани илм мақомларини англаб олиш учун киришмоқликларидир. Бутун рағбатларини шунга қаратиб, ҳақиқий жиҳатни билмоқ ва англамоқ учун тиришадилар. Таважжуҳларини янада теранроқ қиладилар; янада юксакликка чиқадиладар. Бундан кейинги — ладуний илмга эришадилар.”¹⁴⁹

Машхур тасаввуф алломаси Ибн Арабий: “Худонинг борлиги, зоту сифатларини далил орқали исботлаш мушкул. “Маърифат Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг фикрим эмас, балки илоҳий илҳомдир”¹⁵⁰, дейди у. Хилватда қолган мард инсонда шундай ҳолат юз берадики, унда илмлардан илҳом пайдо бўлиб, унинг раҳмати билан юксалади. Дарвешдаги бу ҳолат оддий одамлар ва исбот-далил аҳли учун қоронғидир. Бу авлиёларга юбориладиган ладуний билим. Абу Язид Бистомий калом аҳлига қараб деган экан: “Сиз ўз илмларингизни жонсиз нарсалардан оласиз, биз эса абадий тирик Зотдан оламиз”¹⁵¹. Абу Язид жонсиз нарсалар деб моддалар-ашёларни назарда тутати. Ладуний-раббоний билим Хўжа Хизрнинг билимига қиёс этгулик. Бу ҳақда Абдулқодир Гийлоний шундай фикр билдиради: “Банда ихлос соҳиби бўлмагунча ҳақиқатга етишолмайди. Чунки башарий сифатлар фақат зотий тажалли билан ниҳоясига етади. Жаҳолатнинг ўртадан кўтарилиши, Аллоҳ таолонинг зотига нисбатан, ирфон соҳиби бўлмоқ ила юзага чиқади. Бу эса таҳсил олиш билан намоён бўлмайди. Аллоҳ таоло воситасиз ўргатади. Гўёки, Хизр набийга берилганидек, ўз тарафидан унга илм беради; у эса берилган туйғу билан орифликка эришади ва эҳсон билан ибодат қила бошлайди”¹⁵².

Ушбу талкиндан шуни тушуниш мумкинки, инсонга илмларни эгаллашининг ўзигина кифоя қилмайди, балки Яратган томонидан бериладиган илм уни орифликка етказadi. Бу ҳақда Гийлонийнинг асарида шундай талқинни учратамиз: “Мазкур илмни (ўз) менлигида топа олмаган одам, минг жилдлаб китоб

ўқиса ҳам, (том маънодаги) олим бўлолмайди. Зоҳирий илмлар билан қўлга киритилган мукофот фақат жаннатга етаклайди. Унда фақат илоҳий сифатларнинг нури тажаллий этади, холос”¹⁵³.

Гийлоний яна ўз асарларида илмларни қуйидаги тўрт қисмга бўлиб таҳлил этади:

1.Шариат илми;

2.Тариқат илми;

3.Маърифат илми;

4.Ҳақиқат илми¹⁵⁴.

Улардан шариат илмини зоҳир илмига ҳамда тариқат, маърифат ва ҳақиқатни еса ботин илмига киритган ва ҳар бирига мос руҳлар, тажаллий ва ақллар борлигини ёзади.

Илоҳий илмлар инсоннинг (комил инсоннинг) қалбига нур орқали аён бўлади. Бундан келиб чиқадики, қалб – бу инсон ва Аллоҳ ўртасидаги восита бўлиб, бунда Яратган ўз бандасига сирларини аён этади. Шу жиҳатдан Гийлоний хос қуллар тимсолида етукликка эришган инсонлар сирасини киритади. “Тафсир авом учун, таъвил эса хос қуллар учундир. Чунки хос қуллар, маънавий илмда етукдир. Етук бу ерда илм жихатиндан саботли, қарорли, ҳукм чиқармоққа етук соҳиби кимсалар маъносида келмоқдадир. Уларнинг ўхшашлиги хурмо дарахти кабидир. Кўку ерда собит, шохларига келинса самога тўғри бош солиб ўсади.”¹⁵⁵

Демак, етук инсонлар Ҳаққа томон интилишида тик ўсадиган хурмо дарахтига ўхшайди. Ҳадисдаги фикр каби унинг меваси ҳақиқат бўлар экан, унга эришиш учун аввал зоҳир илми бўлмиш –

шариат босқичи ишғол этилиб, кейин ботин илми поғоналари сифатида тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларига эришилади.

Илмнинг закоти унга амал қилиш ва бошқаларга тарқатиш билан баҳоланади. Бу ҳақда Абдулқодир Гийлоний илм-маърифат тарғиботчиларини Пайғамбаримизнинг яқин қариндошлари дея эътироф этадилар: “Зоҳирий билимга соҳиб бўлганлар ҳам бир нави, ворис ҳисобланадилар. (Чунки) зоҳирий олимларнинг бир қисми фарзларга соҳиб бўладилар; бир қисми эса “зав-ил-арҳам”¹⁵⁶ мақомида бўлиб, зоҳирдаги илмни муҳофаза қиладилар, амри маъруф ила бандаларни Аллоҳнинг шариатига чақирадилар.

Аҳли суннат йўлини тутган баъзи зотларга келсак, уларнинг силсиласи ҳазрати Али (р.а)га қадар боради. Ул зот эса илмнинг саройи; ҳикматли даъватнинг эшиги ундадир.”¹⁵⁷

Мана шу яқинликларига қараб илм аҳли зиммасига қўйидаги уч вазифа юклатилади: “Биринчи вазифа: ҳол илми. Бу амалларнинг аслидир, эранларга¹⁵⁸ берилди. Эранлар бу ҳолни қўлдан чиқармаслик ҳаракатидадирлар. Пайғамбаримиз (сав) уларни таърифлар эканлар, шундай дейдилар: Эранларнинг ҳиммати тоғлардан ошади. Бундаги тоғдан мурод, қалб оғирлиги. Уларнинг дуоси ва ёлборишлари билан орзулар амалга ошади.”¹⁵⁹ “Иккинчи вазифа: юқорида билдирилган ўзнинг қобиғи. Бу ҳол эса зоҳирий илм соҳибларига берилди. Амри маъруф, яхшиликни сўзлаш, (шаръий) таъқиқларни ўргатиш улар қиладиган ишлар қаторига киради. Бу вазифани пайғамбаримиз (сав)нинг ҳадиси шарифлари дурустроқ англатмоқда: Олим ўғитини илм ва одоб билан беради; жоҳил эса гина ва таёқ билан.”¹⁶⁰ Шариат амалларига

даъват қилувчи илм соҳиби, албатта, ўзи ҳар тарафлама ибрат бўла олиши, илм ва амали бир бўлган олим бўлса айна муддао бўлар эди. Учинчи вазифа: юқоридаги қобикнинг қобиғи ҳисобланади. Амирларга хос амаллардирки, зоҳирий адолат ва сиёсат каби. Бу ҳолга ...Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гузал йўлда мужодала – мунозара қилинг!..(Наҳл: 125) жумласи ишора қилмоқда. Булар “қаҳҳор” сифатининг мазҳаридирларки, диний низомни ҳимоя қиладилар. Мисоли хом ёнғокнинг яшил қобиғи каби. Зоҳирий илм соҳиблари эса, ёнғокнинг қаттиқ қобиғига ўхшайдилар. Ботин олимларига келсак, шу ёнғокнинг ўзи – асли (яъни, мағзи) ҳисобланадилар.¹⁶¹

Абдулқодир Гийлоний таъкидлаган ушбу вазифаларни халққа етказишни муаллиф бир ҳадис тимсолида бериб шундай талқин қилади: “Уламолар мажлисида қатнашинг. Ҳақимларнинг сўзларини тингланг. Аллоҳ таоло ёмғир суви билан ерни яшнатганидек, ҳикмат билан ўлик қалбларни тирилтиради¹⁶²” Гийлоний маърифатли бўлишда илм ва амалнинг бирлигини, бири иккинчисини тақозо этишини ва бири иккинчисисиз бўлиши мумкин эмаслигини чуқур таҳлил этган ва бу масала жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган: “Амалсиз илм ҳаргиз фойда бермас. Илминг: “Агар менга амал қилмас экансан, сенинг зарарингга ҳужжат бўламан, деб нидо қилади”¹⁶³ дейди Гийлоний ва шундай ҳадисни далил сифатида келтиради: “Илм амални чақиради, агар жавоб берса яхши, акс ҳолда у кетади.” Буни Гийлоний шундай изоҳлайдики, илмнинг кетиши – унинг баракаси ва шафоати кетиб, аъзоларнинг илмни эгаллашдаги меҳнат-

машаққатлари қолгани кабидир. Ёки оддий қобиғи қолганича кабидир. “Чунки илмнинг мағзи амалдир,”¹⁶⁴ дейди Гийлоний. Амалсиз илм мағзсиз ёнғоқ кабидир. Гийлоний амал яна илмни кўпайтириб, янги илм манбаларига олиб келишини айтади. “Илм мисоли данак, амал эса унинг мағзидир. Илм сақланса, амал ҳимоясиз қолмайди. Мағзи (амал) сақланса, ундан ёғ чиқади. Агар данакда мағиз бўлмаса, нимага ярайди, мағиз бўлса, ичида ёғ бўлмаса, унинг нима кераги бор. Амал кетгандан кейин илм ҳам унинг орқасидан эргашади. Амалсиз ёдлаган, ўқиган дарсларинг сенга фойда бермайди.”¹⁶⁵

Демак, Гийлоний амални, бир томондан, илмни сақлаш, мустаҳкамлаш учун аҳамиятли, унинг закоти деса, иккинчи томондан, илмни кўпайиш, бойишига ёрдам берувчи асос сифатида қарайди. Гийлонийнинг билишга оид қарашлари ўз даври хусусиятидан келиб чиққан бўлиб, уни қуйидагича хулосалаш мумкин:

- Қодирия таълимотида борлиқ ваҳдати вужуд тарзида талқин қилингани учун билиш объекти Аллоҳ, субъекти шахсдир;

- инсон “улуғ олам” бўлганлигидан ўз-ўзини билиш бутун илоҳий оламни англаш учун асосий йўл деб саналади, демакки инсон маърифатни билишнинг ҳам объекти, ҳам субъектидир;

- билиш жараёнида асосий мақсад маърифатли бўлиш ва ҳақиқатга етишдир. Маърифат тушунчаси тор ва кенг маънода қўлланилган.

- илмлар зоҳирий ва ботиний сифатида тасниф этилган бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғланган ва бир-бирини тақозо этади.

- иррационал билишда қалб кўзи, сир кўзи, басират билан бирга важд ва самоъ ҳолатига махсус эътибор берилган;

1.Гийлониининг зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаш воситасида маърифатли бўлиш мумкинлиги ғоясидан ҳозирги кунда ҳам фойдаланиш мумкин. У халқни дунёвий ва диний билимларни эгаллаши ва ақидапараст, шаклпараст бўлишидан асраш жараёнида маънавий иммунитет бўла олади;

2.Гийлониий илгари сурган илм ва амал бирлиги ғояси миллат ва мамлакат тараққиёти учун халқ орасида илм – фанни кенг ёйиш, уларни саводхон – маърифатли, диний ва дунёвий билимлардан баҳраманд қилишда қимматлидир;

3.Қодирия таълимотида маърифатли бўлиш жараёнини огоҳлик ва нафсга қарши бориш билан боғланиши ҳозирги кунда ғафлат ва жаҳолатга қарши турадиган фикр ва ғоялар тизимидир.

Шундай қилиб, қодирия таълимотининг фалсафий-маърифий асоси борлиқни ваҳдати вужуд тарзида талқин этиш ва инсоннинг бутун борлиқни ўзида акс эттирган “улуғ олам” бўлганлиги ғоясидир. Шунга асосан у ўз-ўзини билиш, англаш орқали ҳақиқатга етишни ўзига асосий мақсад қилиб қўяди.

III БОБ.

ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЖТИМОИЙ- АХЛОҚИЙ МОҲИЯТИ

Бағрикенгликка оид ғоялар

Бағрикенглик тамойили миллий мафкуранинг асосий ғоясидир. Бу борада тасаввуф таълимотидаги ғояларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бағрикенглик хусусида фикр юритишдан аввал бу тушунчанинг кенг маъносини теран англаб олиш зарурдир. Машҳур юнон файласуфи Арасту бу ҳақда шундай фикр юритади: “Бағрикенглик – зарур вақтида, зарур миқдорда сарфлаш хислати, фазилатдир. Бемаврид, ўринсиз сарфловчи одам ўзини шу билан бой-бадавлат қилиб кўрсатмоқчи бўлган (обрўпараст, мактанчок) одамдир. Қизғанчик, майда одам эса катта пуллар сарфлаш ўрни келганида (тўйда ёки бошқа маросимда) беҳимматлик қилиб, озгина сарфловчи одамдир. Майда одам шундай. Қўли очик одам эса, ўз номи билан ўрнида ва бемалол сарфловчи одамдир. Хуллас, бағрикенглик мактовли хислат бўлиб, бундай хислатли одам керагидан камроқ ҳам, керагидан ортиқча ҳам сарфламайди. Демак, бағрикенглик камлик ва ортиқчалик ўртасидаги хислатдир.

Бағрикенгликнинг турли кўринишлари бор деб ўйлайдилар. Масалан, бир одам (фалончини қандайдир кичик хатоси учун жазоламай) бағрикенглик қилди, дейдилар. Бу харажатлар, моддият

маъносидаги эмас, балки ботиний, рухий олам соҳасидаги тушунчадир”¹⁶⁶.

Арасту бағрикенглик тушунчасини сахийлик ва кечиримлилик тушунчасига монанд ахлоқий фазилат деб қарайди. Биз Гийлоний таълимотидаги бағрикенгликни ижтимоий – ахлоқий тушунча сифатида таҳлил этмоқчимиз, чунки Гийлоний бу тушунчани жамиятда тинчлик, барқарорлик, дўстлик, муросао мадора, мувофиқлик ўзгаларга озор бермаслик мақсадида қўллаган. Қодирия таълимотида Гийлонийнинг бағрикенгликка оид ғоялари кишилар онгига сингиб, тариқат аҳлининг ҳаёт тарзига айланган.

Қодирия тариқатида бағрикенглик тамойилининг турли кўринишларига Абдулқодир Гийлонийнинг “Девони Ғавсул Аъзам”, “Раббонийликни англаш”, “Ал ғуния толиби тариқул Ҳаққ” асарларида алоҳида эътибор берилган.

Бағрикенглик – хилма-хил ва ранг-барангликни қабул этиш ва уларга умумий гўзалликнинг бир жабҳаси сифатида қараб, эъзозлаб, улар билан уйғун бўлиб яшашидир. Абдулқодир Гийлоний таълимотининг ваҳдати вужуддан келиб чиқадиган асл моҳияти бағрикенгликдир. Абдулқодир Гийлоний асослаган қодирия тариқати йўли ҳам, асарлари – “Ал Ғунятун ли толиби тариқил Ҳаққ” ва «Рисолайэ қодирия» (Муҳаммад Сиддиқ Рушдий)даги ғоялари ҳам бағрикенгликка чорлайди. Буларнинг таҳлили кўрсатадики, Абдулқодир Гийлоний бағрикенгликни жуда кенг маънода тушунган ва уни инсоннинг илоҳийлик моҳияти сифатида қадрлаган. Абдулқодир Гийлоний асарлари асосида

бағрикенгликнинг намоён бўлишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Инсоний бағрикенглик — инсоннинг бутун борлиққа муҳаббати ва уйғун ҳаракати. Бунинг оқибатида келиб чиқади:

1.Оилавий бағрикенглик - оила эшигининг ва оила аҳли қалбиниңг очиқлиги, меҳмоннавозлиги, меҳрибон ва ғамхўр бўлиши.

2.Маҳаллий бағрикенглик - қон-қариндош, қўни-қўшни, турли дин ва миллат вакиллариның ҳамжамият ва ҳамкорликда ва ўзаро ёрдам қўлини чўзиб яшаши, ҳашар, тўй маъракаларда ёрдам бериши ва ҳ.к.

3.Эл-юрт бағрикенглиги - мамлакат аҳлиның бир-бирининг урф-одат, эътиқод, ғояларини тан олиб, ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшаши.

4.Халқлар ва давлатлараро бағрикенглик - миллати, ирки, жинси даражаси, яшаш жойидан қатъи назар бирлик ва дўстликда яшаш назарда тутилади.

Юқоридаги тасниф асосида бағрикенгликни Абдулқодир Гийлонийның қуйидаги “Қамолотга етказувчи ўн хислат”нинг учтаси асосида таҳлил қиламиз.Қодирия таълимотидаги бағрикенглик тор доирада фикр ва амал қилувчи ақидапараст, атеист ёки теист, кўр-кўрона тақлид, мурасиз бўлиш, анархист бошқалар манфаатини ва қадриятини ўйламаслик ва улар билан ҳисоблашмаслик, зўравонлик, тартибсизлик, манманлик, мутаассиблик, экстремизм, терроризм, тажовузкорлик, шовинизм, ирқчилик, фашизмга қарама-қарши турадиган

инсонларни бутун борлик билан ҳамжиҳат, ҳамкор, бир-бирини тушуниб, муроса-мадорада яшашга чорловчи — гўзаллик, муҳаббат, уйғунлик таълимотидир. Бағрикенглик асосида илоҳий ишқ турса, унга қарши хислатлар асосида нафси аммора туриши ва шу нафс инсонни тор ўйловга чорлаши уқтирилади. Қодирия таълимотидаги бағрикенглик ҳурлик ва эркинлик йўли бўлиб, мажбурлаш, камситиш, зўрлаш, ўзгалар шахсиятига аралашишга қарама-қарши туради.

Ушбу тариқат кечиримли бўлиш, ёмонга нисбатан эзгу йўл тутиш каби бағрикенгликка чорлайди, чунки яхши киши Аллоҳдан шундай яралганига шукр этиши, ёмондан юсакроқда туриб, оламга кенг назар билан қараши, қувватини эзгу ишларга сафарбар этиши лозим.

Умуман, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, дўстлик ва эзгулик амалга оширишда Абдулқодир Гийлонийнинг бағрикенглик ғояларини инсонлар қалби ва онгига сингдириш йўл ва воситалари ҳақида чуқур мулоҳаза қилиш самарали натижалар беради

Миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири - бағрикенглик турли миллат ва элатга дахлдор кишиларнинг, турли хил диний эътиқодга эга инсонларнинг бир замин, бир Ватанда, бир юртда, бир ҳудудда олижаноб ғоя, орзу-умид, мақсад ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб яшабини англатади.

Маданий савиянинг юсаклиги ва бағрикенглик — инсон ижтимоий қиёфасининг муҳим таърифи бўлиб, унинг

цивилизациялашганлиги ҳолатини, миллий ва умуминсоний кўдриятларни ўзлаштириш даражасини ифодалайди.

Қодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гийлонийнинг “Ал Ғунятун ли толиби тариқил Ҳаққ” (“Ҳақ йўлини истовчи учун бой ва мукаммал манба”) ¹⁶⁷ асарида инсонни камолотга етказувчи ўн хислат талқини берилган. Буларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, асарда ёзилган уч хислат бағрикенгликка ундовчи ғоялардир. Хислат – шундай сифатдирки, уни эгаллаган шахсдан илоҳий файзу баракотлар ёғилади. Хислатли одам жамиятда эзгулик нурларини ёғдиради.

Абдулқодир Гийлоний баён этган биринчи хислат: “Лаънат айтиш ва азоб беришдан сақланиш хислати. Махлуқотдан бирига лаънат айтиш ва инсонларга азоб беришдан сақланиш керак. Зеро, лаънат айтиш ва азоб беришдан сақланиш яхшилар ва содиқларнинг ахлоқларидандир. Бундай инсонлар Аллоҳ таоло муҳофазасида бўладилар. Аллоҳ уларни ҳалок бўлишдан, инсонлар томонидан етадиган ёмонликлардан, бало-қазодан сақлайди.” ¹⁶⁸

Абдулқодир Гийлоний таърифлаган бағрикенгликка ундовчи хислат, биринчидан, лаънат айтмаслик, иккинчидан, азоб беришдан сақланиш сифатига эга бўлишдир. Бу эса инсоннинг яхшилар ва содиқлар сафига муносиб бўлишига олиб келади. Бу хислатга эга киши Худонинг ҳифзу ҳимоясида бўлади, яъники бутун борлиқдаги эзгу қувватлар уларга хизмат қилади ва Аллоҳ уларни уч катта қуйидаги ёмонликлардан асрайди:

1. Ҳалок бўлишдан, яъни сув, олов балоси, ер ютиши ва ҳоказо табиий офатлардан;

2. Инсонлар томонидан етадиган ёмонликлардан, яъни тухмати ноҳақ, бўхтон, тажовуз, зўравонлик ва ҳоказолардан;

3. Бало қазодан — касал бўлиб қолиш, тузалмас дардга чалиниш, фарзандларининг ўлими, яккаланиб қолиш, иқтисодий танглик, муҳтожлик ва ҳ.к.

Лаънат айтмаслик хислати ғазабни ютиш, жаҳл келганда ўзини бошқариш, нафрат қилмаслик сифатларини келтириб чиқаради.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ғазабга берилмаслик, яъни сокинлик ва мувозанатни сақлай билиш, ҳеч қачон ҳеч кимдан ранжимаслик, унинг бор камчилиги, салбий ва ижобий хислатлари билан бирга қабул қила олишдир. Шундай вазиятда турли ёмон сўзлардан ўзига олиш жуда катта матонатдир. Мулоимлик ва ширин сўз билан муомала қила олиш лаънат ва азоб беришдан сақлайдиган воситадир. Зеро, халқ орасида “яхши сўз жон озиғи” дейилади. Ёки ўз душманига ҳам яхшилик қила оладиган инсон ҳақиқий комил инсондир.

Муқаддас ҳадиси шарифда ўз ғазабини енга олган киши ҳақиқий мусулмондир, дейилган. Азоб беришдан сақланиш, бутун махлуқотга меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлишга олиб келади. Абдулқодир Гийлонийнинг озор бермаслик тўғрисидаги ғояси Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг ва Амир Кулолнинг тавсияларига мос келади. Озор бермаслик бағрикенгликнинг асосий жиҳатларидандир. Бу ҳақда Хожаи Жаҳон шундай таъкидлаганлар:

Чун мегузарад умр камозори бех,

Чун медиҳадат даст, нақўкори бех.

Чун киштаи худ ба дасти худ медарави,

Тухме, ки нақўтар аст, агар кори бех¹⁶⁹.

Мазмуни:

Умр ўтар экан, озор бермаслик яхшидир,

Қўлдан келар экан, эзгу иш яхшидир.

Ўзинг экканингни қўлинг билан ўраркансан,

Яхши уруғликни экмоқ яхшидир.

Яхши уруғ – меҳрибонлик, раҳмлилик, озор бермаслик, ёрдам қўлини чўзиш, оғир дамда ҳамдам бўлиш кабилардир. Хожагон тариқатидан Амир Кулол ҳам шунга яқин ғояларни айтган:

Маёзор мўру, маёзор кас,

Раҳи росткори ҳамин асту бас¹⁷⁰.

Мазмуни:

Бирор ҳашаротга ҳам, кишига ҳам озор берма

Тўғри, ҳақ йўл шудир.

Азоб бериш қалбда бировга нисбатан ғазаб, нафрат, кина, ҳасаднинг бўлишидан туғилади. Азоб бериш ёввойи ҳайвонларга хос иллат бўлиб, инсон аммора нафси ҳукмида бўлганида йиртқич каби бировга тили, ҳаракатлари билан зарар етказди. Шунинг учун ҳам Гийлоний лаънат айтиш ва азоб беришдан сақланишини тавсия беради.

Бағрикенгликка олиб келадиган иккинчи хислат ”Жабр кўргузганга сабр билан жавоб қилишдир. Ўзи жабрланса ҳам,

инсонлардан бирортасини дуоибад қилмайди. Сўз, ё бирор ҳаракати билан қаршилик қилмай, Аллоҳ учун сабр қилади. Чунки бу хислат ўз соҳибини юксак даражага, дунё ва охиратда баланд мартабага етиштиради. Бундай инсон яқинлари ва бегоналар томонидан севилади.»¹⁷¹.

Гийлоний тавсия этаётган иккинчи хислат, жабр қилувчига сабр билан жавоб қилишни такозо этади. Бунинг учун у дуоибад қилмаслиги ва сўз ва ҳаракати билан қаршилик кўрсатмаслиги лозим. Гийлонийнинг бу хислат ҳақидаги фикрлари Абдухолик Гиждувонийнинг қуйидаги фикрига мос келади:

Гар бар дилат аз касе шикоят бошад,

Дарди дили ту аз ў бағоят бошад.

Зинҳор ба интиқом машғул машав,

Бадро бадигеш кифоят бошад¹⁷².

Мазмуни:

Юрагингда бировдан шикоят бўлса,

Ундан юрагинг дарди бағоят бўлса,

Асло интиқом билан машғул бўлма,

Ёмонга унинг ёмонлиги кифоятдир.

Гийлоний жабр қилганда сабр қилувчи кишини қуйидаги даражага етиши мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда:

биринчидан, дунёда юксак мартабага эришади, яъни илмми, сарватманд, мартабали, уй-жойли, мўъмин, обид фарзандли, обрўли, иззатли бўлади;

иккинчидан, охиратда баланд мартабага эришади, яъни боқий ҳаётда руҳи эркин, дўзах оловидан озод, боқий, барҳаёт ва жонидон бўлади.

Бунинг учун инсон энг аввало сабрли бўлиши лозим экан. "Сабр — ғам, кулфат, азоб, мусибатларга чидаш, тоқат қилиш; ўз ихтиёри билан нафсни тийиш; ёқмаган нарса содир бўлганда Аллох таолодан кўркиб ва унинг розилигидан умидвор бўлиб, ўзини тутишлик. Исломда тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини сўндириши лозимлиги таъкидланади. Сабрли бўлиш мусулмонларнинг асосий фазилатларидан бири ҳисобланади"¹⁷³. Сабр инсонни ҳар қандай ёмон амаллардан сақлайди, яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзига ёмонлик қилганларга ёмонлик эмас, балки яхшилик билан жавоб беради. Чунки сабр инсонни меъёрга солади. Бунда инсон тили билан ҳам, қўли билан ҳам бошқаларга зарар етказмайди, тили билан дуои бад қилмайди, қўли билан шикаст етказмайди.

"Дуо (араб. — илтижо, чақириш, сўраш) — Куръони Каримнинг сура ва оятларидан ўқиб, сўнгра Аллох таолодан ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш, илтижо қилиш. Дуо икки турли бўлади. Биринчиси, "маъсура", яъни матни Куръон, ҳадис ёки бошқа диний манбаларда аниқ белгилаб қўйилган. Иккинчиси, "мухтарама", яъни дуо матнини ўзи тўқиб, эркин ҳолатда илтижо қилиш. Ислом дини Аллохдан бошқадан мадад сўрашликни ман этади"¹⁷⁴. Шунингдек, дуо дуои хайр ва дуои бадга бўлинади. Дуои хайрда кимнидир алқаб ёки олқишлаб, унинг ҳаққига қилинган дуо тушунилади. Дуои хайрнинг зидди — дуои баддир. Дуои бад (араб-

фёрс, қарғиш) – кимнидир қарғаб, унинг зарарига қилинган дуо. Масалан, ота – она қарғиши, мазлум қарғиши ва ҳ.к. Пайғамбарлардан Нух (ас)ўз қавмларини дуои бад қилганлар. Натижада уларга Аллоҳ таоло туфон балосини юборган. Ислом динида дуои бад қилиш тавсия этилмайди. Бир инсон ёки ҳатто фарзанд ёмонлик қилиб, кўп зарар келтирган тақдирда ҳам уларнинг шаънига фақат дуои хайр қилиб, яратгандан уларга инсоф – тавфиқ сўрашлик улуғ инсоний фазилатлардан экани уқтирилади.

Сабр, дуои бад қилмаслик хислатлари инсонни бағрикенг бўлишига ёрдам беради. Сабрдан Раҳмоннинг боши кўкка етади. Халқда ”Сабр таги Раҳмон” деб бежизга айтилмаган. Жабр кўргузган бокий дунёда жазо олиши муқаррар бўлгани каби, Сабр қилган ҳам беҳад ажр олади.

Қуръони Каримнинг ”Аз-Зумар” сурасида ”Иннамо йуваффас-собируна ажрахум биғайри ҳисабин”. Маъноси:”Сабрли бандалар беҳисоб ажр олурлар” дейилган оятнинг мазмунини юқоридаги жабр кўргизганга сабр билан жавоб бериш хислатига айнан мос тушадиган оятдир.

Сўз ва ҳаракати билан қаршилик қилмаслик инсонлар орасида меҳр-муҳаббатли ва бағрикенглик бўлишига олиб келади. Сўз билан қаршилик қилиш, инкор этиш, қаттиқ гапириш, сўз билан ранжитиш озор ёки азоб бериш бўлиб, баъзан сўз захри тарсаки захридан ҳам ёмон бўлади. Ҳаракат билан қаршилик бу уруш, исён, террористик ва бошқа ҳаракатлар. Бу одамлар ҳаётига хавф солиб,

тинчи-тоғув яшашга зарар қилади. Шунинг учун Гийлоний инсонларни ҳамжиҳатликка чақиради.

Учинчи хислат “Ўзгани айбламаслик”¹⁷⁵, “Аҳли қибла (мусулмон)дан бирор кишини ширк, куфр ва нифокда ҳисоблаб, исло гувоҳлик бермайди. Чунки бу ҳол Раҳмонга яқиндир ва у биндани юксак даражага етиштиради. Аллоҳнинг газабидан йироқлаштириб, ризолиги ва раҳматига яқинлаштиради.”¹⁷⁶ Яъни ҳар бир кишини Аллоҳ ўзига хос қилиб яратган. Ҳар бир кишини ана шу ўзига хослигини англаб, тушуниб, қабул этиш айбламасликка олиб келади. Кимдир ислом динида, бошқа киши насронийликни қабул этибди. Буни тўғри тушуниш ва уни насроний деб айбламаслик лозим. Айблаш кишиларни бир – биридан ажратади ва у мураса билан яшашга зид ҳолатдир. Айбламасликка чорлаш бағрикенгликка ундашдир.”Бировни ширкда ёки куфрда” деб айблаш ҳам иллатдир.

Ширк ва куфр тушунчаларини изоҳлашда биз Илҳак Музаффар Озар ва Салах Билигийнинг “Зийнат-ул қулуб”¹⁷⁷ номли туркча луғатидан ўзбекча талқин беришга ҳаракат қиламиз. Унда айтилишича, бу икки сифат нафси амморанинг сифатлари саналади.

Ширк – Аллоҳ таолога шерик қўшганлар ва Ҳақдан ғайри илоҳни таниганлар¹⁷⁸. Ширк кабира гуноҳга киради. Ширк гафлатга олиб келади. Ширк – шерик келтириш. Аллоҳнинг шериги бор деб эътиқод қилиш. Ширк Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларни ундан ўзгага собит қилишдир¹⁷⁹.

Бу боғланишлар молпарастлик, мансабпарастлик, шахсни юксак ўринга қўйиш, шахспарастлик, ақидапарастлик, мутаассиблик, кибру ҳавога олиб келади. Бу эса экстремизм ва фундаментализм, ҳатто терроризмга олиб келиб, ўлим инсоният ҳаётида тажовуз қилиш хавфини туғдиради. Бунга мисол Куръони каримда Фиръавн ва Намрудлар воқеасини мисол келтиришимиз мумкин.

Куфр – исломни тан олмаганлар, ислом динини танимаган ва қабул этмаганлар – кофирлардир¹⁸⁰. Куфр – иймонсизлик, исломни тан олмаслик ёки унинг амалларини бажармаслик. Куфрга жиддий гуноҳлар ва жиноятлар: ширк келтириш, намоздан воз кечиш, сеҳргарлик, зинокорлик, ўз жонига қасд қилиш, ичкиликбозлик, қимор ўйнаш ва бошқалар киради. Зеро, куфр ҳадиси шарифда: “Бир-бирингиз билан адоват, нифокда бўлсангиз унинг муддати 3 кундан ошмасин”, - дейилган. Дарҳақиқат бир кун жанжал бўлган хонадондан қирк кун хайр-барака кўтарилади, дейдилар.

Нифок арабчадан фарқ қилдирувчи, яъни икки одамни бир-биридан ажратувчи маъносини англатади. Нифок эса – бу оға-ини, қўни-қўшни, баъзи ҳолларда эса хаттоки опа-сингиллар орасида (кенг маънода эса ўзаро келишмовчилик, адоват кўринишида бўлиб) салбий иллат сифатида қораланади¹⁸¹.

Исломда ширк, куфр ва нифок катта гуноҳ саналиб, шундай айбни қўйганларга жуда қаттиқ жазо берилган. Ширк, куфр, нифок деб айб қўйиб гувоҳлик берганда, мусулмон аҳли ўртасида ихтилоф вужудга келган. Яхлит жамоа мусулмон ва мушрик, мўмин ва кофир, дўст ва душманга ажратилган. Қодирия

тп-лимоти инсонлар орасини бузишга, ажратишга қарши туради. Мибодо хато, камчилик бўлса, уни тушуниш, тушунтириш, тирбиялаш лозим. Уни айблаб жамоага қарама – қарши қўйиб, гувоҳлик бермасликка ундайди. Айби, хатоси, гуноҳини ёпиб, улғайиб, камолотга етишига ёрдам бериш ва кечиримли бўлиш кераклиги уқтирилади. Кечиримлилик бағрикенгликка олиб келувчи ва кенг қалб соҳиби бўлишга ёрдам берувчи фазилат. Шунинг учун бирор кишини ширк, куфр ва нифокда ҳисоблаб асло гувоҳлик бермаслик Раҳмонга яқин дейилмоқдадир. Чунки Аллоҳ – Ғафур, Ғаффор, Рауф – у катта ва кичик гуноҳларни кечиради, авф ва мағфират қилади. Инсон камолотга етиши учун илоҳий сифатларни эгаллаб, кечиримли бўлиш, қалбидан ғазаб, нафрат, гина, кибрни олиб ташлаши лозим. Бу сифатларни эгаллаш, яъники бировни мушрик, кофир, нифокқа олиб келган деб айбламаслик, бағрикенг, кечиримли, юқоридан туриб қараш, “Бандани юксак даражада етиштиради”, камолотга етишига ёрдам беради. Натижада бундай илоҳий сифатларни эгаллаган инсон Аллоҳнинг ғазабидан йироклашади, ризолиги ва раҳматига яқинлашади. Банда учун энг асосий зарурий Аллоҳ раҳмати ва ризолигидир. Бунинг учун Аллоҳ яратган мавжудотларнинг гултожи бўлган инсонга айб қўймаслик ва ибрат назари билан қараб ўзи шундай хато-камчиликлардан йироқ бўлиши лозим.

Абдулқодир Гийлонийнинг уч хислатга доир фикрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир хислат ўзига хос сифат ва фазилатларга эга экан.

Абдулқодир Гийлонийнинг эътироф этган бағрикенглик сари
етақловчи хислатларига хос сифатлар ҳақида

№	Хислат	Сифатлари
I	Лаънат айтиш ва азоб беришдан сақланиш	• Раҳм-шафқатли • Меҳр-мурувватли • Оқибатли • Садоқатли • Вафоли • Хушмуомала • Беозор • Ўз-ўзини бошқара оладиган • Сокин бўлиш
II	Жабр қилганда сабр билан жавоб бериш	• Дуои бад қилмаслик • Эзгу ниятли • Кечиримли • Суз ва ҳаракати билан қаршилик қилмаслик • Гина сақламаслик • Иродали бўлиш
III	Ўзгани айбламаслик	• Ҳамжиҳатликка мойил • Ижобий • Ширк, куфр нифоқли ҳисоблаб асло гувоҳлик бермаслик • Аҳил, бирдамликка мойил бўлиш, мурса, уйғунлик.

**Абдулқодир Гийлоний тавсия этган уч хислатнинг
натижалари**

№	Хислат номи	Файзу баракоти
1.	Лаънат айтиш ва азоб беришдан сақланиш хислати	• Яхшилар ва содиқлар ахлоқи билан безанади. • Аллоҳ таоло муҳофазасида бўлади • Аллоҳ уларни ҳалок бўлишдан сақлайди • Аллоҳ инсонлар томонидан етадиган ёмонликлардан асрайди • Аллоҳ бало-қазодан асрайди
2.	Жабр кўрганида сабр билан жавоб бериш	• Юксак даражага эга бўлади • Дунё ва охиратда баланд мартабага етишади • Яқинлари ва бегоналар томондан севилади.
3.	Ўзгани айбламаслик	• Раҳмонга яқин юксак мартабага етишади • Аллоҳ ғазабидан йироқлашади • Аллоҳ ризолиги ва раҳматига яқинлашади.

Уч хислатга хос яхши оқибатларнинг моҳиятини англашни Абдулқодир Гийлоний ҳар бир кишининг тафаккурига ҳавола этган.

Лаънат айтмаслик ва азоб беришдан сақланиш натижасида инсон ўзини фақат илоҳий нур ва яхши қувват билан ўраб олади. Натижада инсонни ҳалокатга олиб келувчи қувватлар, инсонлар орқали келадиган ёмонликлар ва бало-қазолар унга яқинлаша олмайди, четлаб ўтади. Чунки эзгуликни эккан эзгу уруғларини ҳам териб олади. Аксинча, лаънат айтиш ва азоб беришлар инсонни ўзига қарғиш ва ёмон қувватларни олиб келиб, уни турли бало-қазолар, ҳалокат ва ёмонликларга гирифтор қилади.

Худди шу ҳолат дуои хайр қилиш ва инсонларга сўз ва ҳаракати билан қаршилик қилмаслик, ўзгани айбламаслик натижасида ҳам юз беради. Бундай бандани Аллоҳ ҳам, бандаси ҳам севади. Чунки бундай хислатли инсон Аллоҳ яратган барча мавжудотларга ижобий, меҳр кўзи билан қарайди, уларга зулм қилмайди. Аллоҳ улардан рози бўлиб, раҳматига яқинлаштиради. Бу хислатларга риоя этмаслик, ёки аксинча, жабр кўргазганни дуои бад қилиш, унга тил ва ҳаракат билан қаршилик кўрсатиш, ўзгани айблаш Аллоҳ ғазабига дучор этади, халқнинг нафратига сазовор этади.

Абдулқодир Гийлоний насихат қилиб қолдирган уч хислат инсонни бағрикенг бўлиб тарбияланишининг асоси экан. Бутун мавжудот ва махлуқотга бағрикенглик билан муносабат инсонни икки дунё саодатига олиб келади. Шунинг учун қодирия таълимоти ва тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гийлонийнинг маънавий

меросини чуқур ўрганиб, бунёдкор ғояларни авлодларимиз онги ва қалбига синдириш лозим. Бу мустақил Ўзбекистонимиз халқларини тинч, хотиржам, муроа ва мадорада яшашга имкон беради. Бу эса фаровон яшашнинг асосидир.

Демак, қодирия таълимотида бағрикенглик тушунчаси илоҳий ишқ масаласининг устуворлиги асосида намоён бўлади.

- амалда “Машғуллик ила фориғлик” шиори мазкур таълимотнинг асосий тамойили эканлигида кўринмоқда;

- инсон бағрикенглигининг асосий қирралари қодирия таълимотида камолотга етказувчи хислатларга асосланади;

- қодирияда ширк ва куфрга кетган кишиларга нисбатан ҳам бағрикенглик тамойилида туриш таъкидланган.

- мустақиллик давридаги муроа фалсафаси, бағрикенглик тамойили диний бағрикенглик ғоялари учун қодириянинг бу ғоялари асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Абдулқодир Гийлонийнинг инсон ахлоқий камолотига оид қарашлари

Инсон ахлоқий камолоти масаласи ҳамма замон ва даврларда долзарб муаммолардан бири бўлган. Ахлоқ инсоннинг инсон эканлигини кўрсатувчи мезон сифатида қадрлидир. Ўрни келганда у жамиятни таназзулга учратиши ва ё аксинча гуллаб-яшнаши учун муҳим омил бўлиши мумкин. Бу ҳақда юнон файласуфи Арасту шундай фикр билдиради: “Ахлоқ сиёсатнинг таркибий қисмидир. Чиндан ҳам муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган, яъни муносиб бўлмаган одам (таниқли жамоат арбоби сифатида) фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Муносиб одам бўлмоқ – фазилатлар эгаси – фозил бўлмоқ, демакдир. Зеро, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаолият юритмоқчи бўлган одам ахлоқан фазилатли одам бўлмоғи керак. Хуллас, этика, ахлоқ – сиёсатнинг таркибий қисми, унинг (архи – қурилиш моддаси, ғиштлири) асосидир. Шунинг учун ахлоқни бемалол сиёсат деб аташ мумкин.”¹⁸²

Арастудан кейин жуда кўп мутафаккирлар ахлоқ соҳасида фикр юритган. Барча таълимотлар учун устувор бўлган ахлоқ категорияси, айниқса, тасаввуф таълимотида салмоқли ўринни эгаллаган. Чунки, бу таълимотда инсоннинг камол топиши асосий масаладир. Инсон ўз-ўзини англаб, ҳақиқатни топиши учун ҳолати ўзгариши, яъни ботиний покланиши зарурдир. Бу эса ахлоқий масалаларни энг олдинги ўринга суриб чиқаришга сабабчи бўлади. Тасаввуфнинг қодирия таълимоти ва унинг асосчиси Абдулқодир Гийлоний ҳам инсон ахлоқий камолоти масаласига махсус эътибор

берган ва бу қарашлар катта аҳамиятга эга. Энг аввало Гийлоний ахлоқийлик нуқтаи назаридан инсонларни икки гуруҳга ажратади: “Инсонлар икки қисмдан айри эмасликлари маълум – саодат аҳли ва шақоват¹⁸³ аҳли. Қазоки, бу икки васф бир инсонда мавжуд”¹⁸⁴.

Абдулқодир Гийлоний саодат ва шақоват аҳли мисолида яхшилик ва ёмонлик ахлоқий фазилатларини назарда тутди. Бу ҳақда қуйидаги мисралар фикримизнинг яққол аксини кўрсатади: “Саодату шақоватдан кўзда тутган мақсадимиз – яхшилик ва ёмонликдир. Улар эса инсонда ўз ҳолича қолмайди. Яхшилик ёмонликка, ёмонлик эса яхшиликка айланиб қолиши мумкин. Ҳазрати пайғамбаримиз (сав) марҳамат қилишларича “Яхши ёмон бўлиши, ёмон эса яхши бўлиши мумкин” (яъни) эзгуликлари кўп бўлган саодат топади, яхши бўлади. Қабоҳати яхшилигидан кўпроқ бўлган шақоват топади, ёмон бўлади.”¹⁸⁵

Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкум. Комил инсон ғояси илк маротаба Конфуций томонидан фанга киритилган. У комил инсон (цзюн – цзи) – ҳақидаги ғояни яратди. Цзюн-цзи, яъни юксак маънавиятли инсон икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият - аجدодлар олдидаги қарзни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидойи бўлиши лозим. У бунинг учун тинимсиз, ўзини аямасдан ўз ҳукмдори, ўз отаси ва

Ўзидан катта барчага бирдай хизмат қилиши ва доимо камолот сари интилиши зарур.

Абдулқодир Гийлонийнинг “Сиррул асрор” асарида инсон қайсидир ижобий хислатларга эга бўлиши учун у ўзидаги ваҳший феъллардан қутулмоғи лозим: “Ваҳший феъллар ҳисобланувчи гина қилмоқ, жаҳлдорлик, уришмоқ, тажовузкорлик ва шу каби бошқа феъл-хўйларни ҳам итқитмоқ керак. Шайтоний феъл-хўйлардан бўлмиш: катта кетмоқ, ўзини ёқтириш, ҳасад қилиш, кину адоват ва шу кабилардан ҳам халос бўлиш зарур”¹⁸⁶ – деб ҳисоблаган. Абдулқодир Гийлоний инсоннинг комил инсон бўлиб етишиши, унинг тарбияси, дунёқараши, соғлиги, ҳурмат-эътибор қозониши, илмли, бахтли бўлиши, умуман олганда, инсон номига муносиб бўлиб етишиши учун зарур бўлган хислатларни ўзининг “Ал Ғунятун ли толиби тариқил Ҳаққ” асарида баён этган. Булар қуйидагилар:

1. Қасам ичмаслик хислати. Хоҳ тўғри, хоҳ ёлғон, хоҳ қасддан, хоҳ англашиб Аллоҳга ваъда бермаслик, қасам ичмаслик, тилни қасам ичмасликка ўргатиш керак¹⁸⁷. Ушбу хислатларни таҳлил этишдан аввал, худди шунга ўхшаш ғоялар, ёхуд қоидалар бундан аввалроқ бошқа таълимотлар тарихида учраганми, йўқми дея, зардуштийлик динининг муқаддас манбаи “Авесто” китобига мурожаат қилишни лозим топдик. Зардушт инсон камолотида муҳим деб билган сифатлар қуйидагиларда ўз аксини топган: бадан покизалиги ва маънавий софлик талабларига риоя қилиш лозимлиги; гўдақ, ёш болалар тарбиясига диққат-эътиборни бериш зарурияти; иш ёқмаслик, ялқовлик ва дангасаликни ёқтирмаслик

ҳақида "Авесто"нинг "Минухирад" қисмида бу борада шундай дейилган: "Ялқовлик, дангасаликдан ҳазар қил, токи бу дунёда ўз напифангни бажаришдан орқада қолиб кетмагин". Шунингдек ушбу муқаддас китобда қилиниши ман этилган амаллар хусусида қуйидагича фикр билдирилган: "... зарарли ҳайвон ва жониворлардан узоқлашиш ва фойдали ҳайвонларни сақлаб оқраш...; қасам ичишдан парҳез қилиш". Чунончи, "Озарбод пандномаси"да, яъни олов, нурга сиғинувчилар қисмида шундай дейилган: "Ростликка ҳам, ёлғончиликка ҳам қасам ичма. Бирон нарса – пул олишдан сақлангин". Шунга мувофиқ биринчи ҳислат ўз навбатида камолот сари қўйилган биринчи қадамдир. Яъни қасам банданинг ўзи учун чиқарган абадий қонун бўлиши мумкин, чунки қасам инсон фаолиятини чеклайдиган тўсиқдир. Бу билан нафақат фаолият, балки инсоннинг руҳий – маънавий имкониятлари ҳам тўсиб қўйилади, қалбан юксалишда қасамга содиқлик чеклашга, тўсишга восита бўлади. Шайтоннинг лаин бўлганлиги қасамга содиқликдан келиб чиққан бузғунчиликнинг ибтидосидир. Қасамнинг ҳам ўз навбатида 2 томони мавжуд: ижобий ва салбий.

Ижобий қасам – бу табибликда, Ватан муҳофазасида, мударрисликда қўл келадиган садоқатни келтириб чиқарса қасамёд сифатида қўлланилади. Салбий қасам – чеклаш, тўсиқ вазифасини бажариб, одамлардан, муҳитдан четга чиқаради. Масалан, машҳур ҳинд эпоси "Маҳабҳарата"даги Бҳишамнинг қасами тожу-тахтдаги турли келишмовчиликлар ва мувозанатдан чиқиш ҳаракатларига олиб келади.

2. Ёлгон гапирмаслик хислати. Хоҳ ҳазил, хоҳ жиддий ёлгон сўзлашдан эҳтиёт бўлиш керак¹⁸⁸. Машҳур тарихчи Геродот "Авесто" пандномалари ҳақида шундай ёзган: "Зардуштнинг издошлари ёлгончиликни энг уятли иш билан тенглаштирадилар ва ёлгончиликдан кейин қарз олишни уятли ҳисоблардилар. Уларнинг ақидасича, ҳар ким қарздор бўлса, у ёлгон ҳам гапира олади". Дин ва шариат қоида ҳамда аҳқомини бузмаслик, ман этилган, ҳаром ҳисобланувчи нарсалардан узоқлашиш даркор. Жумладан, судхўрликдан, худпарастликдан, ҳасадхўрликдан, таъмагирликдан, такаббурлик, манманликдан, қабул этилиб муқаррарлашган қонун-қоидаларга итоат қилмасликдан, ўғрилик, ғазабланиш, хусумат, душманлик, тухмат, бўхтондан, хабаркашликдан, яъни бировнинг сўзларини бошқаларга етказиб, улар орасида низо чиқишига сабабчи бўлишдан сақланиш; Токаддий, яъни гадойлик қилишдан сақланиш, илм-фанни касб этиш учун интилиш, тиришиш.¹⁸⁹ Гийлонийнинг ёлгон айтмаслик ва қасам ичмаслик каби хислатларида юқоридаги Зардуштнинг панду-насихатларининг таъсири борлигини кўриб турибмиз. Ёлгон айтмаслик – бу яратган олдида доим тўғрисиъ ва самимий бўлишни талаб этадиган хислатдир. Бу, ўз навбатида, инсоннинг ички "мен" томонидан назорат қиладиган виждон мезонини бажаради. Яъни қачон ёлгон гапирса, Аллоҳ назарида тубанликка юз тутати. Ёлгон билан бандани чалғитиш мумкиндир, лекин доимо тирик ва уйғок зотдан яширадиган бирор нукта йўқдир.

Ёлгон инсоннинг жамиятдаги обрўи мавқеига путур етказса унинг, ўз камолотида эса ички руҳий қувватларнинг нотўғри йўлга

сарфланиши оқибатида мия фаолияти, асаб системасида ўзига инсончисизлик хиссини туғдиради. Ёлгон билан эришилган ҳар қандай мавқе омонат бинога ўхшайди, у истаган вақтда кулаб тушиши мумкин.

3. Ўйдани бажариш хислати. Киши маълум ва аниқ бир узри бўлмиса ҳамда бажаришга қодир бўлса, ваъдадан қочмаслик¹⁹⁰. Ўйдани бажариш хислати – мўминлик белгиси сифатида тўғриланса, ваъдани бажармаслик – мунофиқлик аломатидир. Беришган ваъданинг устидан чиқмаслик – бу имоннинг суғулигидан далолат беради. Яъни ҳар бир амал инсон биологик ривожига таъсир кўрсатгани каби, ушбу хислат тана фаолиятида ёлгонга, алдовни тўқишга энергия сарфлайди, яъни қалб кирланиши нотўғри, салбий ишлар нағижасида юзага келади. Демак, зикр этилган хислатлар ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, муқаддас Ҳадиси шарифда қуйидагича таъриф бор: “Мунофиқнинг белгиси учтадир: сўзласа ёлгон сўзлар, омонатга хиёнат қилур, ваъдасига вафо қилмас”. Дарҳақиқат, ёлгон сўзлаш, мудом риёкорлик қилиш, Аллоҳ йўлида топширилган омонатга хиёнат қилиш, берган ваъдасига вафо қилмаслик инсоний хислатларга зид бўлган хусусиятлардир. Инсон айнан мана шу хислатларни бартараф эта олса комиллик сари йўл топа олади.

Камолотга етказувчи хислатлардан кейинги учтаси: лаънат айтиш ва азоб беришдан сақланиш, жабр кўргузганга сабр билан жавоб бериш, ўзгани айбламаслик хислатлари талқини юқорида таҳлил этилган.

4. Ҳаромдан узоқ юриш ҳислати. Ҳаром – шариатда шубҳасиз, очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарса. Ароқ, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, никоҳида бўлмаган шахс ила жинсий алоқада бўлиш кабилар ҳаромдир. Шу билан бирга ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариатда ман қилинган ҳаром йўл билан эга бўлса, улар ҳам ҳаромга айланиб қолади. Мисол, зулм, ўғрилик, алдамчилик, порахўрлик йўли билан топилган ҳар бир нарса, ўзи қанча пок бўлса ҳам, топувчига ҳаромдир. Шунинг учун ҳам уламолар мутлақ ҳаромни – ўзида ҳаромлик сифати бор ёки ман қилинган йўл билан топилган нарсадир, деб таърифлайдилар. Мусулмон инсон учун ҳаромдан ҳазар қилиш фарздир.

Фойдаланиши ҳаром этилган ва истифода қилган кишига фақат зарар бўладиган ўсимликларни экиш ҳам, парвариш қилиш ҳам исломда ҳаром ҳисобланади. Масалан, наша, қорадори, афюн сингарилар. Тамаки ҳам шулар тоифасига киради. Мусулмон киши гайримусулмонга сотиш ниятида ҳаром нарсани экиши (у нарсадан ўзи фойдаланмаса ҳам) ҳалол бўлмайди, чунки мусулмон ҳеч қачон ҳаромга қўл урмаслиги, ҳаромдан истифода этмаслиги, ундан узоқ туриши керак. Шунга кўра, масалан, насронийларга сотиш учун чўчка боқиш ҳам мусулмонга жоиз эмас¹⁹¹, дейилган.

Яъни, ҳаромдан ҳазар қилиш жуда кенг ва чуқур маънони англатар эканки, Гийлоний уни комилликнинг бир пиллапоёси сифатида эътироф этган. Унинг фикрича, камолотга етишда ҳалол ишларга амал қилинса мақсадга эришилади. Нақшбандия таълимотида ҳам ҳалол луқмага асосий эътибор қаратилган бўлса,

ҳаромдан ҳазар қилиш қодирияда комил инсон хислати дея титироф этилади. Шунинг учун ҳам қодирия таълимотида "Машғуллик ила фориғлик" талаби ҳаётий шиорга айланган.

5. Бошқаларга юк бўлмаслик хислати ҳаромдан узок бўлишнинг мантикий давомидир, чунки ҳалол луқма инсоннинг бошқаларга нисбатан оғирлиги тушмаслигига олиб борувчи омилдир. Бу хислат яна бошқа, ўзинг каби бандага умид боғлама, деган ғояни ҳам илгари суради. Худди мана шу фикр "Девони Ғавсул Аъзам"да ҳам фақат умидни Аллоҳга боғлаш лозимлиги ўз ифодасини топган:

То абад ё Раб, зи ту ман лутфҳо дорам умид,
Аз ту гар умид бибарам аз кужо дорам умид¹⁹²

Мазмуни:

То абад лутфлар ўзингдан ман Худо этгум умид,
Гар умид этмас эсам сендан қаён этгум умид¹⁹³.

Бунинг оқибатида Аллоҳга таваккул қилиш юз беради. Таваккул – ўзини Аллоҳ иродасига топшириш, фақат у берадиган ризққа умид боғлаш. Таваккул амаллари зоҳидлар ва сўфийлар орасида кенг ёйилган. Улар Қуръонга асосланиб, таваккулни имон билан боғлашган, Аллоҳдан чинакам умидвор бўлган инсонгина кундалик турмуш ташвишларидан воз кечишга, Аллоҳ йўлида холис хизмат қилишга қодир, деб ҳисоблашган. Кейинчалик сўфийлик йўли (тарикат)нинг бошланғич мақомларидан бири таваккул истилоҳи билан атала бошланди. Таваккул сўфийликнинг бошқа бир мақоми – "қониқиш" (ризо) билан атала бошланди.

Таваккулга амалда риоя этиш сўфийнинг деярли ҳар қандай меҳнат фаолиятини тўхтатиб қўйишида ҳам намоён бўларди. Фақиҳлар ва илоҳиёт олимларининг аксарияти бу масалага бошқача ёндашган. Уларнинг фикрича, таваккул меҳнатдан бутунлай воз кечишни билдирмайди, яъни инсон ишлаши, тижорат билан шуғулланиши мумкин. Аммо бу каби ишларни ҳаётнинг асосий мақсади қилиб қўймай, шу бугунги эҳтиёжларни қондириш учун етарли даражада ишлаб топиш, эртанги кун ҳақида ўйламаслик керак ва ҳоказо¹⁹⁴. Бошқаларга юк бўлмаслик меҳнатсеварлик, фаоллик сифатларини келтириб чиқаради. “Дининг билан эмас, касбинг билан ҳаёт кечир. Касб-хунар ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргат. Мўминларнинг касб қилмоғи, сиддиқлик мартабасидир. Фақат фақирлар ва мискинлар фойдаланишини таъминлайдиган, инсонларга нисбатан раҳматни васила қиладиган ва Аллоҳ таолонинг розилигини талаб қиладиган касб – хунарлар учунгина насиба бордир”¹⁹⁵, – деб таъкидлайди Гийлоний. У “Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш” асарида бу масалага махсус эътибор берган. Касб-хунар билан машғул бўл, илм эгаллаш билан машғул бўл, илмингни амалга ошириш билан машғул бўл деб таъкидлайди. Лекин шу машғулликни фориғ бўлиб, яъни ихлос билан, холис, Аллоҳ ёди билан машғул бўлиб амалга ошириш лозимдир.

Бу ерда инкорни инкор ҳосил бўлмоқда. Бекорчилик, дангасалик, бировга таъма қилишни машғуллик инкор этса, машғулликни ўзини Худо билан фориғ бўлиш инкор этиб, “Машғуллик ила фориғлик” деган гўзал бир ахлоқий фазилат

пушқудга келмокда. Дарҳақиқат, дин кун кечиришга восита бўлмаслиги керак. Зеро, ислом дини риёкорликни, таъмагирликни қоралайди. Касб-ҳунар билан кун кечириш қодирия тариқатида “машғуллик ила фориғлик” шиорига асослангандир. Шу сабабли қодирия сулуки аҳли деҳқон, боғбон, чорвадор ва ҳунарманд бўлган Туркистон халқлари учун энг мақбул йўл бўлиб, ғоят қадрланар эди.

Машғуллик ила фориғликнинг маъноси:

- очқўзлик ва худбинликдан буткул йироқ бўлишдир;
- ўзи яратган моддий-маънавий бойликдан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлаётганидан севиниб, фахрланиб яшашдир;
- кўпчилик учун фидойилик ва бунинг эвазига аҳли дунёни хурсанд қилиб, Аллоҳ таолодан ажр-савоб кутишдир;
- кўпга берсин, кўп қаторида менга ҳам берсин, дея дуода бўлиб меҳнат қилишдир, “ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олишдир”;
- тонгла роҳат истаган эҳсондан айрилмасин, дея ўз виждонига мурожаат қилиб яшашдир.

Бу шиорни Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд “Даст ба кору дил ба ёр”,- дея янада ривожлантирганлар.¹⁹⁶ Демак, “Бошқага юк бўлмаслик” камтарлик ва хоксорлик хислатлари инсонга чуқур таъсир этар экан. Бу ҳолатни қуйидаги қайтарилиш айланма схема асосида тасвир этиш мумкин:



Демак, ибтидо ва интиҳо бир нуқтада содир бўлади. Ушбу хислат ўз навбатида тана ва рух камолотини уйғунликда ривожланишини кўрсатувчи далилдир.

6. Таъма қилмаслик хислати. Ушбу Гийлоний айтган хислат юқорида таҳлил этилган хислатлар ҳосиласи ёки мантикий хулосаси бўлиши мумкин. Шунини айтиш ўринлики, тасаввуф аҳли учун ҳалол луқма хос бўлган. Бунинг оқибатида улар тамаъ қилмай ҳалол кун кечиришга одатланганлар. Шу сабабдан, маълум ва машҳур тариқат аҳли вакиллари касб-хунар билан машғул бўлганлари сабаб уларнинг лақаблари ҳам касбу корининг номи билан қўшиб айтилган. Жумладан, Абу Саид Ҳарроз маҳсидўз, шайхулислом Хожа Абдуллоҳ Ансорий этикдўз, шайх Муҳаммад Саккок пичокчи, Шайх Абулфайз Ҳаддод темирчи, ўз замони кутби (замонасининг ягона авлиёси, валиюллоҳ) ва ғавси (мададкори) ҳисобланган шайх Абул Аббос Омилий ҳаммол, шайх

Абулхасан Навжор дурадгорлик билан шуғулланган, Сайид Амир Кудлонинг касби кулол, Фаридиддин Аттор - аттор, Ҳазрат Насрулдин “кимхобга нақш боғламоққа” машхур бўлганликлари сабаб Никнбанд номи билан машхур бўлганлар.

Дирҳақиқат, касб-кор, меҳнат инсон номини юксакликка етказар экан, қалб Аллоҳ билан қўл эса меҳнат билан банд бўлиши лозимлиги бу таълимотнинг асосий мезонидир. “Машгуллик ила фориғлик” шиори асосида яшовчанлигини давом эттириб келаётган қодирия таълимотининг асосий моҳияти ҳам шундадир. Демак, меҳнат билан машгул бўлиб, Аллоҳдан умидвор бўлиш – бу “Машгуллик ила фориғлик” нинг айнан ўзи.

7.Тавозуъ, камтарлик, хоксорлик хислати. Ушбу хислат Гийлоний таъбири билан айтганда фақат Аллоҳдан умидвор бўлиш, унинг берган ризку насибасига рози бўлиш, наинки ҳалимлик сифатларини ўзида жамъ этувчи инсонларгагина хосдир.

Таҳлил этганимиз ушбу хислатлар ўз навбатида тасаввуфда 4 боскичга эришишнинг очик манзарасини кўрсатади:

1. Шариат – 1,2,3-нчи хислатлар
2. Тариқат – 4,5,6-нчи хислатлар
3. Ҳақиқат – 7,8,9-нчи хислатлар
4. Маърифат - 10 –нчи хислат

Шунингдек, инсон камолотининг ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, унинг иқтисодий жиҳатларини иқтисод фанлари доктори Бахтиёр Наврўззода ўзларининг илмий ишларида таҳлил қилиб берган¹⁹⁷. Олимнинг қуйидаги фикрлари диққатга

сазовордир. Иқтисодий нафлилик нуктаи назаридан баркамол инсон босқичлари:

Биринчи босқичда – ишчи кучи сифатидаги инсон¹⁹⁸. Бунда ишга лаёқатли, хоҳиш – истакли, жисмонан соғлом инсон назарда тутилган.

Иккинчи босқич – аниқ меҳнат субъекти сифатидаги инсон¹⁹⁹. Шахс ўз меҳнати орқали оиласи эҳтиёжларини тўла қондириш лаёқатига эга бўлади. Бошқача айтганда, у иқтисодий комил инсон ҳисобланади.

Учинчи босқич – тадбиркор сифатидаги инсон²⁰⁰. Бунда тадбиркор меҳнати маҳсулотидан, фойдасидан нафақат шахсий манфаат, балки жамият учун ҳам наф келтиради. Бундай инсонлар иқтисодий камол топган инсонлар тоифасидандирлар.

Тўртинчи босқич – менежер сифатидаги инсон. Бу босқичда киши ўз меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларини уйғунлашган ҳолда корпорация тизимида рўёбга чиқаради. Корпорация бизнеснинг энг ривожланган ташкилий шакли бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти – мулк эгасидан бошқарувчилик (менежерлик) вазифаларини ажратилганликдадир. Бизнес фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида корпорацияни ташкил қилган мулкдор, бошқарув ишининг қуйи, ўрта ва юқори поғоналарига менежерлик фазилатларга эга бўлган мутахассисларни ёллайди. Менежерлик лавозимларини эгаллаш учун киши бозор усулида бошқариш кўникма ва тажрибасига эга бўлиб, менежмент бўйича таълим олиши керак. Корпоратив менежер сифатидаги киши акциядорлик жамиятларида шартнома асосида менежерлик

лавозимини эгаллаб, бизнес бошқаруви фаолияти билан шуғулланади. Мазкур жамиятнинг фойда олиб ишлаштини таъминлайди. У касбий ёлланма менежер сифатида меҳнати учун иш ҳақи олади ва ўз тадбиркорлик қобилиятини самарали рўёбга чиқарганлиги учун акциядорлик жамият кўрган фойдадан муайян фоизда улуш олади. Бу улуш бир ойда юз минглаб сўмни ташкил қилиши ҳам мумкин. Натижада киши фаровон турмуш кўриш имкониятига эга бўлиб, иқтисодий баркамолликка эришади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида инсон босқичма-босқич: дастлаб ишлаб чиқаришнинг потенциал (ишчи кучи) ва реал (аниқ меҳнат субъекти) шахсий омили сифатида, кейин эса хусусий тадбиркорлик кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор, ниҳоятда корпоратив тизимида касбий менежер сифатида иқтисодий камол топади. Иқтисодий ёндашувда аниқланган инсон камолоти босқичлари, даражалари ва мақомлари бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий баркамол инсонни тарбиялашда муҳим назарий ва услубий асос сифатида хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Бу хислатлар баркамол инсоннинг шаклланишида асосий сифатлар бўлиб хизмат қилади. Ушбу инсоний фазилатларни эгаллашимиз, ўрни келганда ёр-биродарларимиздан хафа бўлмай кечиримли бўлишимиз, ғазаб ва фитна-фасодга учмай ҳалимлик хислатларини эгаллашимиз, бизга ёмонликни раво кўрган кимсаларга нисбатан ҳам дилимизда бирор ғараз туйғусининг бўлмаслиги ёки мудом камтарлик ва хокисорликка интилишимиз ҳам ҳаётимизнинг бахтли ва осуда ўтишига сабаб бўлар экан. Зеро,

Ўзбек халқи ўта бағрикенг ва кечиримли халқдир. Унинг бахтисаодати мудом ўз қўлида экан, ҳеч қачон ғазабга берилмаслик, ҳасад ўтида ёнмаслик, ёмон бўлса ҳам биз билан ёнма-ён яшаётган қўшнимиз, биродаримизнинг феълидан камчилик қидирмай, мурса-ю мадора килиш - юксак инсоний фазилатлардандир.

Маълумки, тариқатда мақом ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин тутади. Мақом - солиқнинг руҳий-маънавий камолоти босқичларини англатади. Шу мақомлардан бири инсон камолоти учун энг зарури бу ризо мақомидир. Хўш, ризо ўзи нима? Ҳақ ризолигига эришиш қандай машаққат талаб этади? Ва айнан шу тушунча қодирия ва хожагон таълимотида қай йўсинда ифодаланган?

Ризо - розилик, қаршилиқ кўрсатмаслик, шикоят этмаслик, бориға шукр қилиш, тақдирға бўйсунуш каби маъноларни англатади. Рози бўлиш бағрикенгликни, хушмуомалаликни, хотиржамликни тугдиради. Тасаввуфда ризо алоҳида инсон руҳий камолотининг мақоми ёки босқичидир. Сўрадилар: “Зухд авлодирми ёки ризо яхшироқмидир?” Бу саволға жавобан: “Ризо яхшидир, рози бўлган киши ортиқ манзилат, мартаба истамас”²⁰¹, - деди.

Тасаввуфда ризо чуқур маънони англатиб қалбдан қабоҳат - кирларининг кетиши, қазову қадар ҳукмиға бўйсинуш, нафс ризолигидан чиқиб, Ҳақ розилигига кириш, қазо амриға таслим бўлган қалбнинг суруридир. Лоҳижий: Ризо - банданинг ўз ризосидан чиқиб, маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматға зарра эътироз қилмаслигидир. Солиқда ушбу мақомда ҳеч нарсадан

ғизаб, ҳаяжон, гина-кудурат ва хафаланиш ҳоллари кузатилмайди²⁰², - дейди. Демак, бундан шундай хулоса келиб чиқадики, комилликка эришган инсоннинг асосий мақсади ризо экан, унда илоҳий сифатлар акс этган бўлади, чунки ризо мақомида Ҳақдан олинган нур фақат эзгу ишларга сафарбар этилади.

Ҳақ ризолигига эришиш учун риёзат чекилади ва оқибатда қалб покланиб, унда турли салбий хиссиётларга ўрин қолмайди. Шу сабабли бўлса керак, ушбу мақомга эришган пири комиллар муридларини тўғри йўлга даъват эта олишга муяссар бўладилар. Ризо мақоми хусусида қодирия ва хожагон таълимотларида маълум бир фикрлар билдирилган. “Маноқиб Қодирия”да шундай зикр этилган: “Бир куни Ҳазрати Ғавсул Аъзам (розияллоҳу анҳу) хонақоҳлари саҳнида турган эдилар. Ногоҳ ғойибдан қулоқларига шундок нидо эшитилди: “Эй Саййид Абдулқодир, ошиқлик ва маъшуқлик бордир, қайси бирини ихтиёр қилурсан?” Ул Ҳазрат бу сирни афифа (пок) оналарига арз қилдилар. Волидалари:

- Маъшуқлик мақомини ихтиёр қилгайсан, - дедилар.

Ул ҳазрат:

- Бизга бир нарсани ихтиёр қилмоқ ва талаб қилмоқ нечук раводир? Ҳақ таоло нени ато қилса, уни қабул қилгумдир, дедилар. Бу аснода яна ғойибона нидо келди: “Эй Саййид Абдулқодир, ҳар икки мақомни сенга ато қилдим, сен менинг ошиғим ва маъшуқимдирсан”²⁰³. Шунда Ҳақ изни билан ҳам ҳабиблик, ҳам маҳбублик мақомига эришадилар.

Демак, нақлдан кўриниб турибдики, Ғавсул Аъзам ихтиёр ва иродасини Аллоҳга топшириб, унинг ризосига эришиб иккала мақомга сазовор бўлган.

Гўзал ахлоқли бўлиш бу инсоннинг юксак фазилатларидан биридир. Қодирия тарикатида ҳам гўзал сифатлар улуғланган. Ғавсул Аъзам ҳам инсон сабрли, қаноатли бўлса, қўли очик саховатли бўлса камол топишини англаган ва одамларни шу йўлга бошлаган, деган фикрни илгари сурган. Ўтмишдан бизга маълумки, буюклар комил инсон бўлишга интилганлар. Комил инсон ҳар томонлама етук инсондир. У гўзал хулқли, чиройли фазилат эгасидир. Ғавсул Аъзам таълимоти ҳам ушбу нарсалардан холи эмас. У инсон атрофдаги одамларга нисбатан яхши муносабатда бўлиши лозимлигини, ўзини камтар тутиши кераклигини, қилган ишларига тамаъ қилмаслиги, ўзини бурчини ҳамиша англаб яшамоғи керак. Тоқим одамлар уни кўрганда хафа бўлмасинлар, бунинг акси хушмуомалалигидан хурсанд бўлишлари керак, шунингдек, ота-она, ёру дўстлари ҳам ундан рози бўлиши керак.

Ғавсул Аъзам саёҳат қилган, дунё кўрган инсонлар ҳам ўзига керакли хулқларини олиб, кераксизини тарк этади, деган фикрни билдиради. У саховат эгаларини эъзозлайди ва инсон бу фазилатга албатта эга бўлиши лозимлигини, қўли очиклиги туфайли кўнгли очиклик юзага келишини қайд этган. Мажлисларда ўзни камтар тутиш кераклигини, инсонлар ўзаро муроада яшашлари лозимлигини таъкидлайди.

Гийлоний гўзал ахлоқ инсоннинг камолот даражасини акс эттирувчи асосий мезон эканлигини эътироф этиб, гўзал ахлоқли бўлишнинг йўлларини ўргатган.

Пировард натижада қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Инсон табиатида, ўзлигида яхшилик ва ёмонлик, саодат ва шақоват, нур ва зулмат яширинганлигидан у ўз-ўзини назорат этиб, нафсини жиловлаб камолотга интилиши лозим ва бу эса, ўз навбатида ахлоқий фазилатларнинг шаклланишига олиб келади.

2. Касб-хунарли бўлиш, бировга юк бўлмаслик, фаоллик, “Машғуллик ила фориғлик” ахлоқий камолот сари етакловчи асосий мезондир.

3. Қодирия тариқатида илгари сурилган ахлоқий қадриятлар ҳозирги кунда ҳам қимматлидир, чунки улар инсонни фаолликка, фидойиликка, меҳнатсеварликка, иқтисодий баркамолликка ундайди.

Гийлонийнинг комил инсон таълимоти ва уни тарбиялаш йўллари ҳақида

Инсонни камолот сари етаклайдиган ҳар қандай таълимот ўз йўналиши, ўз тартиб-қоидаси ва ўз тамойилларига асосланади. “Шу тариқа, комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Бундан яна шу ҳам маълум бўладики, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга – бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу-заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан, шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган.”²⁰⁴

Ҳар икки жаҳонда ҳам уларнинг ҳоли шундай. Уларнинг ғоясида танҳо унинг борлиги мавжуд. Энди улар (ҳақиқий) инсон бўлишди. Инсонни эса Аллоҳ таоло Ўзини билсин, дея яратди. (Ўз) Зотига восил бўлсин, дея халқ этди. Бу ҳолатда инсонга лозим бўлгани шуки, яратилмоғининг ҳикматини билмоқ ва унинг моҳиятидаги маънони ўрганмоққа киришиш; ҳар икки олам учун (керак бўладиган) вазифаларни билиб олиш. Токи, умрини беҳудага сарфламасин ва ўлгач, пушаймонлик туймасин; туганмас ҳасратларга юкинмасин; ҳаётини бефойда ўтказгани учун надомат қилмасин.”²⁰⁵

Гийлоний “жамъ этувчи борлиқ” ва “улуг олам” бўлган инсонда камолот учун ҳам, тубанлашиб кетиш учун ҳам имкон борлигини қайд этади. “Инсон бошқа (яратилмишларнинг) хилофича бутун исмларнинг зухуррот жойидир. Инсондан ўзга махлуку ашё бир жиҳатли (ўларок) яратилгандир”²⁰⁶, “Инсон ўзида коинотнинг улвий (олий, юқори даражадаги) ва сифлий (паст, тубан даражада) хусусиятларини менлигида акс эттиргани сабабли, керак бўлса анбиё-ю авлиё ҳам хатодан бери бўлолмайди”²⁰⁷ – деб ёзади Гийлоний. Инсон ўзига берилган имкониятни эзгуликка сарфлаб, ҳақиқий инсонлик даражасига етади. Аллома барча тасаввуф аҳли билан уйғун ҳолатда комил инсон ҳақида фикр юритган ва бу ҳақдаги таълимотини ўз асарларида баён этган. Унинг асарида асл инсон, хос инсон ва ҳақиқий инсон тушунчалари бор. Булар ичида ҳақиқий инсон энг комил инсон дея таърифланган. Гийлонийнинг “ҳақиқий инсон”га оид қарашларини маълум тизим деб олсак, унинг таркиби қуйидагилардан иборат эканлигини кўриш мумкин:

1. Ҳақиқий инсон – руҳи олий ҳад даражасида юксалган инсон.
2. Ҳақиқий инсон – фақирлик мақомидаги инсон.
3. Ҳақиқий инсон – тана ва руҳи уйғун инсон.
4. Ҳақиқий инсон – ўз нафсини жиловлаган инсон.
5. Ҳақиқий инсон – ҳақиқатни англаган инсон.
6. Ҳақиқий инсон – нурли инсон.
7. Ҳақиқий инсон – илоҳий-ладуний илмни эгаллаган инсон.

Ҳақиқий инсон ҳақидаги Гийлонийнинг тизими таркибидаги элементлар бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этади. У комил инсонга ҳар томондан баҳо беради. Унинг тизимидаги ҳар бир элементни таҳлил этамиз.

1. Ҳақиқий инсон — руҳи олий ҳад даражасида юксалган инсон Гийлоний инсон камолотининг асосини маънавий, руҳий камолот деб ҳисоблайди. У инсон руҳини “Аллоҳ таоло лоҳутий (яъни улухият, илоҳий) оламда ва ҳақиқий аҳсани тақвим (энг гўзал равиш)да барча руҳларни ул зот (Муҳаммад с.а.в.) руҳидан яратди”²⁰⁸ - дейди. Лоҳут олами бутун инсониятнинг исми ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг асл ватани эканлигини ёзиш билан Гийлоний ҳақиқий инсон руҳи Лоҳут олами даражасида юксалиб, исмлар моҳияти ва Муҳаммад пайғамбар сифатларини эгаллаган демокда.

Улухият яъни Лоҳут оламида яралган руҳ, жабарут оламига нузул этиб, тушиб унинг азамати ва қудрати либосини кияди ва ундан кейин малакут оламида фаришталар либосини кияди, сўнг мулк оламида инсон танасига кирази. Инсонда руҳ қандай нузул этган бўлса, шу манзил- маконлардан уруж этади, яъни юксалади. Комил инсонда уруж то олий ҳадгача этади. Бундай инсонда ҳам фаришталар сифати, ҳам илоҳий жамол ва жалол қудрат ва қувватлари намоён бўлади. Гийлонийнинг фикрича, ҳақиқий инсон ўз танаси билан мулк оламида, ерда бўлса ҳам, руҳи лоҳут оламигача юксалган ва шунга хос сифат ва даражалар тажалли этиб турадиган инсондир. Мана шу олам маърифат олами деб ҳам аталади. Бу ҳақда Гийлонийнинг “Сиррул асрор” асарида шундай

талқинни учратиш мумкин: “Маърифат олами дея таъбир этилган олам лохут оламидир. Худди шу жой аслий ватандирки, аввалроқ зикр этилган қудсий рух яратилган олам бўлиб, ҳақиқий инсонлик ўшандадир. Бу ҳақиқат қалбнинг ўзига омонат сифатида қўнди. Унинг борлиғи тавба ва талқин билан юзага чиқади...”²⁰⁹.

Демак, маърифатга эришган қалб соҳиби ҳақиқий инсон даражасини эгаллаган комил инсондир. Лекин асарда яна бир бошқа ном билан сифатланган инсон мақоми борки, унга “хос инсон” деб исм берилган. Бу ҳақда асарда шундай фикрни учратамиз: “Бундан ташқари, юксак истеъдодга соҳиб инсонларнинг (ҳам) ҳоли борки, куйида келтирамиз ва уларга нисбатан “хос инсон” таъбирини қўллаймиз. Бу тоифа инсоннинг эришгани – Ҳаққа том (маънода) яқинликдир. Яқинликнинг юзага келиш сабабига келсак, бу биргина нарса билан амалга ошади, у ҳам бўлса, ҳақиқат илмики, уни лохут оламида “тавҳид” дея таъбир этилади.”²¹⁰ Демак, руҳий камолот жихатидан инсонга “ҳақиқий” ва “хос” инсон деган икки хил сифатлар берилмоқда.

2. Ҳақиқий инсон – фақирлик мақомидаги инсон. Гийлоний инсон камолотида фақирлик тушунчасининг юксак мақомда туришини уқтиради. У “Сиррул-асрор” китобининг 12-фаслини махсус шу масалага бағишлаб, “Фақирлар зумрасининг баёни” деб ном берган. Фақирликни у ҳол деб таърифлайди. Тасаввуфда инсон камолоти учун мақомлар билан бирга ҳол тушунчаси талқин қилинади. Ҳол тасаввуф аҳли етиши зарур бўлган зоҳир ва ботиний уйғун, ўзгармас аҳволдир. “Фақирлик ҳоли дунёлик жихатидан йўқчиликка дучор бўлган кишилар маъносидан эмас, Аёл моҳияти-

Аллоҳ таоло зотидан ўзга ҳар нарсани тарк этиб, Аллоҳгагина эҳтиёжларини арз қилмоқдир. Дунёю охиратга оид барча неъматларни тарк этмоқдир²¹¹.

Гийлоний фақирлик ҳолатидан мурод фано ҳолати деб ёзади. Бу ҳолатни у нафси учун ҳеч нарса қилмайди ва Аллоҳдан ўзгаси қалбидан жой олмайди деб таърифлайди. Бундан мурод қалбни жамъи башарий сифатлардан поклаб, ағёрни у ердан қувмоқдир. Мутафаккир таъкидлайдики, “Бу фақирлик (ҳоли шу қадар) улугъки, инсоннинг менлигига гўзаллик бағишлайди”. “Энди улар (ҳақиқий) инсон бўлишди.”²¹² Бу сўзлар Гийлонийнинг фақирликни комил инсон даражаси билан тенг ҳисоблаганидан дарак беради.

3. Ҳақиқий инсон – тана ва руҳи уйғун инсон. Гийлоний таълимотидаги комил инсонга оид қарашлари меъёрдаги, муътадил таълимотларга хосдир. Бу, айниқса, унинг тана ва руҳга нисбатан қарашларида билинади. Гийлоний руҳни лохут оламида вужудга келиб, жабарут, малакут олаmidан ўтиб, мулк оламига тушиб, инсон жасадига кириши ва тана билан уйғун ҳаракати натижасида камолотга етишини баён тутади²¹³. Бундан мантиқий хулоса чиқарсак, демак, руҳ камолоти учун тана, жасад, бадан шунчалик зарур эканки, руҳ лохут олами, жабарут олами, малакут олаmidан мулк оламига тушиб инсон танасига киради. Демак, руҳнинг ўзи инсонга юклатилган омонатни бажара олмайди. Инсон деганда фақат руҳ ёки фақат, бадан ёки танасини тушуниб бўлмас экан. Инсон бу тана ва руҳнинг бирлашуви, биргаликда фаолиятдан юзага келар экан. Руҳ танасиз қандай камол топа олмаса, тана руҳсиз ўлик, жонсиз бўлиб, фаолият кўрсата олмайди. Гийлоний

руҳнинг қайтиб нузул этиши ва мулк олаmidан чиқиб малакут, жабарут оламларидан ўтиб лохут оламига етиши, олий ҳадга юксалиши учун тананинг хизмати катта эканлигини айтиб, “Машғуллик ила фориғлик” шиорини ўртага ташлайди. Демак, ибодат деганда танага берилган барча имкониятларни эзгулик йўлида фидо этиш назарда тутилади. Ҳақиқий инсон тана имкониятлари ва руҳ салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳамда бутун коинотга тана ва руҳи уйғунлигида хизматда бўлган инсонни тушунади.

Гийлонийнинг инсон танасига оид ғоялари тафаккур этишга арзийди. У инсон танасини тўрт унсурдан тузилганлигини назарда тутди. “Бу тўрт унсурдан икkitаси сув билан туфрокдир. Улар иймон битар, илм келтирар, ҳаёт берар. Сўнгра қалбда тавозуъ пайдо қилади. Олов билан ҳавога келсак, улар сув билан туфрокнинг оксидир. Булар ёқади ва ўлдиради”²¹⁴. Бу ғоялар билан инсон танаси, фитрати, мажозидаёқ инсонни бахтли бўлиши, камолотга етиши ёки бахтсиз бўлиб, шақоват аҳли бўлиб қолиши мумкинлигини айтмоқда. Демак, Абдулқодир Гийлонийнинг фикрича, инсон танасининг ўзи бир мўъжиза бўлиб, бу мўъжиза учун камолотга интилиш муҳим омилдир.

Унинг ёзишича, “вақтлар бўлдики, ўшал руҳлар бу тана билан иртиботларини оширдилар, шу туфайли аҳдларини (Аллоҳ билан аҳд. -Ю.Г.) унутдилар... Аслий ватанга қайтолмадилар”²¹⁵. Демак, руҳ тана хизматида бўлса, тана истак-эҳтиёжлари метёридан ошса, руҳ камол топмасдан, асл ватани – Лоҳут оламига қайта олмайдн. Демак-ки, тана ва руҳ уйғун бўлганда инсон камол топади, Руҳ

камолоти учун тана қай даражада зарур бўлса, шу даражада тана камолоти учун ҳам руҳнинг ўз аслини унутмасдан, унга томон интилиши лозимдир. Фақат тана истакларига берилган инсон тубанлашади, натижада комил инсон деган улуг номга мос бўлиш у ёқда турсин, оддий инсон даражасига ета олмайди. Тасаввуф аҳлининг талаби ҳушёр, огоҳ бўлишдир. Тана истакларига кўмилиш ғафлат ҳолатидир. Руҳ танани ғафлат уйқусидан уйғотиб, улуҳият оламига томон парвоз этишига кўмаклашади.

Гийлоний “Раббонийликни англаш” асарида, мувофиқ деган тушунчани кўп ишлатади. Уни ихтилофларга қарши қўяди. Ҳақиқий инсон илоҳий амрга мувофиқ тана ва руҳ имкониятларидан фойдаланади, деган фикрни илгари суради.

4. Ҳақиқий инсон – ўз нафсини жиловлаган инсон. Гийлоний инсон камолоти борасида нафс масаласига махсус эътибор қаратган. Нафсини жиловлаган, нафси ёмонликларини биладиган кишини комил инсон деган. Нафсини таниши уни жиловлашда маърифатнинг ўрнини алоҳида кўрсатган. “Маърифат нафсининг қора пардасини қалб ойнасидан очмоқ ва уни тозаламоқ билан ҳосил бўлади”²¹⁶, - дейди у. Инсон ўз аслини билиши, руҳини камол топиши учун нафс қора пардаларини кўтариши лозим. Нафс носоғлом истаклари инсонни ҳайвон каби тубанлашувга олиб келади. Ёйиш, ичиш, кийиниш, оила қуриш, мол-дунё тўплаш бундай инсоннинг ҳаёт мақсадига айланади. Гийлоний нафсни аммора, лаввома, мулҳима, мутмаина деб тасниф этади. У аммора нафсни умуман йўқотиш лозим, дейди. Нафсни йўқотишда шариат, тариқат, маърифат босқичларининг ўрни ва ролини кўрсатган.

Гийлоний нафсга қарши жиҳод-кураш эълон қилиш лозим, дейди. Гийлоний инсоннинг нафси ҳолатига қараб саодат ёки шақоват – бахтсизлик, бадбахтлик ҳолатини баён этган. У “Сиррул-асрор” китобининг 11-фаслини “Саодат ва шақоватнинг баёни” деб атаб, бу масалани қуйидагича ёритиб беради: “Инсоннинг ихлос ва эзгуликлари ғолиб келса, яъни нафсоний туйғулар руҳоний бир ҳол олса, унинг шақоват тарафи саодатга айлантириб қўйилади, Алҳол, бирор шахс яхши бўлмаган орзуларга юкинса, юқорида билдирганимизнинг акси бўлса, шақоват тарафи саодат тарафидан устун келиб қолади”²¹⁷. Инсоннинг ўзида бахт ва бахтсизлик имкониятлари мавжуд. Инсон нафсига берилса бахтсиз, нафсини жиловлаб олса бахтли бўлар экан. Демак, нафс инсон бахтсизлигининг асоси экан.

Турк тасаввуфшунос олими Элҳак Музаффар Озарнинг “Зийнат ул қулуб”²¹⁸, яъни “Қалбларнинг зийнатлари” номли асарида нафснинг етти босқичи таҳлил этилган. Бу асарда нафснинг сифатлари қуйидагича талқин қилинган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган:

1. Нафси аммора – кофирлар ва фосиқларнинг нафслари.
2. Нафси лаввома – гуноҳларига иқрор бўлган мўминларнинг нафслари
3. Нафси мулҳима – олимларнинг нафслари
4. Нафси мутмаина – илми билан амалини ихлос ила унги риюя қиладиганларнинг нафслари.
5. Нафси розиййа – валиуллоҳнинг нафслари.
6. Нафси марзиййа – орифи биллоҳларнинг нафслари

7.Нафси сафиййа – авлиёи киром ва Расули акрамнинг нафслари, мақомлари.

Бу ердаги ғоялар биз юқорида (II боб. 2.1.) таҳлил этган Дж.С.Тримингэмнинг қодирия таълимотида мос бўлган нафс оламлари ҳақидаги жадвалига мос келади. “Зийнат ул-қулуб” асари ҳам қодирия манбалари асосида ёзилган. Демак, қодирия таълимотида ҳам нафснинг етти босқичи ва унга мос инсон камолоти тилга олинган.

**Нафс тарбиясига уйғун ҳолатда инсон камолоти
босқичлари**



“Зийнат ал-қулуб” асарида маълум бўладики, нафс тарбияси билан инсон босқичма – босқич камолотга етади. Энг комил инсон авлиёи киром ва расули акрам, дейилган. У авлиё ва расуллulloҳнинг даражалари сифатида таҳлил этилган. Талқин этилган ушбу нафс босқичларидан учтасини Гийлоний ҳайвоний одатлар сирасига киритади: “Аввало, вужуд аммора, лаввома ва мулҳама даражалардаги нафсдан покланмоғи лозим. Сўнгра ҳайвоний одатлардан ҳам софланиши зарур. Хусусан, кўп емоқ, кўп ичмоқ, кўп ухламоқ, бекорчи ишлар билан машғул бўлмоқликдан.”²¹⁹ Гийлонийнинг ушбу талқини шуни кўрсатадики, инсоннинг қалбан юксалиши нафснинг чексиз кераксиз истакларидан чекиниши ёки ўзни тийиши билан рўёбга чиқар экан. Ҳақиқий инсон нафсини таниган, унинг ёмонликлари устидан ғалаба қозониб тарбия топган ва сафия мақомида юксалган инсондир.

5. Ҳақиқий инсон – ҳақиқатни англаган инсон. Гийлоний инсон камолоти учун ҳақиқат мақоми олий эканлигини бир неча кўриниш, вариантлар орқали билдирган. У шундай ёзган: “Басират руҳ булоғидан келади”²²⁰. Басират – фаросат, ҳақиқатни қалб билан ҳис этиш, иймон, огоҳ бўлиб, ибрат оладиган сабаблар. Гийлоний авлиёлар учун басират “Фуод” мақомида очилади”²²¹, - дейди. “Фуод”- қалб, кўнгилдир. Бунга зоҳирий билим билан эмас, ботиний илм билан эришилади. Демак, комил инсон қалб кўзи очилган инсондир. Басират даражасига етган, ҳақиқатни англаган муршид бўлиб, бошқаларга Ҳақ йўлини кўрсата олади. Ҳақиқат даражасига етишда инсон зоҳирий ва ботиний камолотга етиши

керак. Уларни Гийлоний шариат ва маърифат дейди. Шариатда тана камол топса, маърифатда қалб ва руҳ камол топади. Гийлоний бу ҳақда: “Шариат билан ташқи оламимиз тартибини, маърифат билан эса ички оламимиз тартибини амр этган. Ҳар иккисининг бирикувидан эса ҳақиқат пайдо бўлади”²²², - деб таъкидлайди. Бу иқтибосдан маълум бўладикки, биринчидан, ҳақиқат, шариат ва маърифатдан юксакликда бўлган ҳолат, иккинчидан ҳақиқат зоҳир ва ботиннинг камолотга етган даражаси. Гийлоний буни дарахтга ўхшатади. Дарахт етилгач, япроқ ёзади ва кейин мева беради. Демакки, ҳақиқат меваларини ейиш учун шариатда етилиб, маърифат япроқларини ёзиш лозим экан.

6. Ҳақиқий инсон — нурли инсон. Абдулқодир Гийлоний инсонларнинг энг афзали, энг акмали илоҳий нурни тажаллий этувчи кишилар деб баҳо беради. У борлиқ яратилиши масаласига тўхталиб, “Аллоҳ таоло ўз жамолининг нуридан илк бора Муҳаммад (с.а.в.)нинг нурини халқ қилди”²²³, - дейди. Ҳақиқати Муҳаммадияга етган, унинг нурини тажаллий этадиган, шахс аслига яқин бўлган киши ҳисобланади. Гийлоний “Нур жамол сифатининг остида сақлаган, зулматдан фарқли равишда софдир”²²⁴, - дейди ва нурли инсонни ҳам Аллоҳ жамолини ўзида акс эттирувчи, соф, пок киши эканлигини уқтиради. Гийлоний илоҳий нур аввал лоҳут оламида ҳосил бўлишини, кейин жабарут оламига тушиб, азамат ва қудратни эгаллаганини қайд этган. Гийлоний инсонни илоҳий сирдир, дейди. Шу сирнинг асрорларини билишга азм этиб, инсонлар икки қисмдан: саодат аҳли ва шақоват, яъни бахтсизлар аҳлидан иборат, дейди. Шу

билан бирга ҳар бир инсонда шу икки нарса саодат ва шақоват тарафи мавжуд дейди. Буни инсондаги нафсоний ва руҳоний томонларнинг нисбати билан баҳолайди. “Муқаддар бўлгани шуки, ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам, яъни саодату шақоват ҳар кимнинг ҳам борлигида яширин бўлиб, одам ҳар икки васфга ҳам соҳибдир”²²⁵, - дейди Гийлоний. Ҳар бир яхши иш Ҳақнинг инояти билан, ёмонлиги эса нафснинг қабих орзулари туфайли содир бўлганлигини англамоғи керак. “Банда ёмонликнинг манбаи ўлароқ нафсини таниса, фойда кўради, қутулади”²²⁶, - дейди Гийлоний. Нурли инсон зулматни тарк этиб, маърифат нурларини тажаллий этувчи зотдир. У саодатлидир.

7. Ҳақиқий инсон – илмни эгаллаган инсон. Абдулқодир Гийлоний шундай ёзади: “Ҳақиқатан ҳам илм қадрли бўлган нарсалар орасида инсонга жуда юксак даражада шараф бермоқда, (чунки илм орқали инсон) олий мартабага лойиқ бўлмоқда, негаки илм энг қийматли зийнат бўлиб, маънан энг устун тижоратни келтириб чиқармоқда”²²⁷. Гийлоний бу ғоясини асослаб яна таъкидлайдики, тавҳид – яъни бутун оламнинг ягона илоҳий моҳиятини кўра олиш даражасига ҳам инсон илм билангина эришади. Набий ва расулларни тасдиқлаш ҳам илм биландир. Илмни эгаллаган олимларга Гийлоний “Аллоҳнинг хос қуллари”²²⁸, илм нурининг соҳиби, халқ ичида таржиҳ – устун, имтиёзли деб баҳо беради. Инчунин, улар набийларнинг вориси, халифаси ва расулларнинг халққа ҳурматли кишиларидир, дейди. Бу ғояларнинг далили сифатида у Қуръон ва ҳадисларга суянади. “Илм соҳиблари пайғамбарларнинг ворисларидир. Само аҳли уларни севади.

Денгиздаги балиқлар қиёматга қадар улар учун мағфират тилайдилар” ҳадисини далил сифатида келтиради.

Гийлоний таълимотининг ижобий томони шундаки, у маърифатли бўлиш учун фақат бир томонлама ёндашишни инкор этади. Унинг ёзишича, “маърифат икки тарафлама илм билан юзага чиқади: улар зоҳирий ва ботиний илм. Ишларнинг ҳосил бўлиши (мазкур) икки илмга боғлиқ”²²⁹. Демак, илмни эгаллашда зоҳирий ва ботиний илмга бир хил ёндашиш ва биронтасини ҳам инкор этмаслик лозим. Бу ғоя орқали Гийлоний инсон учун камолотга етишда ҳам ҳиссий, ҳам ақлий, ҳам ботиний иррационал билиш жараёни бир хил зарур эканлигини таъкидламоқда. Бу билан Гийлоний билишга оид чекланган таълимотлардан устун ғояларни яратган инсон эди. Унинг ёзишича, “Олам тўрттадир: олами мулк, олами малакут, олами жабарут, олами лохут. Олами лохут – бу ҳақиқат оламидир. Илм ҳам тўрттадир: 1) илми шариат; 2) илми тариқат; 3) илми маърифат; 4) илми ҳақиқат. Руҳлар тўрт гуруҳдадир: 1) руҳи жисмоний, 2) руҳи нуроний, 3) руҳи султоний, 4) руҳи қудсий кабилардан иборатдир. Тажаллиёт ҳам тўрт гуруҳда кўринади: 1) асар (ашё-жисм)лардаги тажаллий, 2) феъллардаги тажаллий, 3) сифатларга оид тажаллий, 4) зот тажаллийси. Ақллар тўрт қисмда билдирилади: 1) маош (дунёлик ақл), 2) маод (нариги дунё) ақли, 3) руҳоний ақл, 4) куллий ақл”²³⁰.

Демак, илм, руҳ, тажаллий ва ақл камолоти билан инсон даражаларини Гийлоний бир-биридан фарқлайди. Унинг ҳақиқий инсонга оид айтган барча фикрларини жамлаб хулоса қилсак, бундай инсон ҳақиқат илмини эгаллаган, руҳи қудсий, илоҳий

зотни тажаллий этадиган, акли кулдан бахраманд бўлган, рухи лохут олами даражасидаги олий ҳадга қадар камол топган, фақр ҳолатига етган улуг, муборак, нурли, файзли ва баракотли зотдир.

“Ҳақ солиги зако ва басират соҳиби бўлиш билан бирга, серфаҳм бўлмоғи ҳам зарур. Унга лозим бўлган сифатлар ҳам ўшалардир. Қуйидаги шеърда билдирилганидек:

Аллоҳнинг закий, серидрок бандалари бор,

Бу дунёни қуйиб, қўрқмадилар меҳнатдан ҳам.

Улар баҳр ичраю, қабих ҳоллардир долға,

Солиҳ амал – нажоткор кема, туттилар маҳкам.

Солик доимо амалининг оқибатини ўйламоғи даркор. Қўз ўнгида содир бўлаётган ишларни яхшироқ фикрлаб, зоҳирий ҳолларнинг ўзига алданиб қолмаслиги керак²³¹. Гийлоний бу фикрлари билан илоҳий илмни эгаллаб, фаҳм-фаросатли бўлган комил инсон жамият учун жуда зарур, деган хулосага келади. Юқоридаги манбалар таҳлили асосида Гийлоний ўзи асослаган қодирия таълимотида ҳақиқий инсонни тарбиялашни қуйидаги моделини таклиф этган, деган хулосага келиш мумкин.

Гийлонийнинг комил инсонни тарбиялаш йўллари беш тамойилга асосланган. Булар илм, ахлоқ-одоб, тана ва руҳнинг уйғун равишдаги камолоти, огоҳлик, илоҳий ишқ. Ушбу боғлиқликни қуйидаги кўринишда тасаввур этиш мумкин:



Гийлоний ҳақиқий инсонни тарбиялаш учун илм олиш, маърифатли бўлишни **биринчи асос** деган. Унга кўра инсон кўриш, эшитиш, ақлни ишлатиш воситасида билиш қobiliятига эга бўлади, дейилган²³². Ушбу талқин Гийлонийнинг “Сиррул асрор” асарида яққол очиб берилган. Асарда инсонга илм икки қанот сингари зарурдир дейилади. Яъни инсон камолотида илмлар икки кўринишда: зоҳирий ва ботиний бўлади, дейилган. Илмни эгаллаган, маърифатли бўлган шахс жаҳолатга қарши туради ва камол топади.

Мутафаккирнинг ҳақиқий инсонни тарбиялашнинг **иккинчи асоси** одоб-ахлоқли бўлишга махсус эътибор бериш масаласидир. Қуръони Каримда ҳар бир мўмин мусулмон бажариши зарур бўлган яхши хулқлар инсонни ҳақиқий камолотга ундовчи инсоний фазилатлардир, деб тушунтирилади. Шунга кўра Абдулқодир Гийлоний инсонни камолотга етакловчи 10 хислатни ўзининг “Ал Ғунятун ли толиби тариқил Ҳақ” асарида уқтириб ўтган. **Учинчи асос:** Қодирия таълимоти инсон камолотида тана ва рух

тарбиясини бирдек зарур деб билади. Шунга кўра, рухий етуклик тана саломатлигига таъсир этса, тана саломатлиги қалб камолотини таъминлайди. Қодирия ва нақшбандия таълимотларида бу нарсa “Машғуллик ила фориғлик” ва “Даст ба кору дил ба ёр” тамойилларига асосланади. Бунинг оқибатида тана иш билан машғул бўлиб, қалб Аллоҳ ишқида бўлса нафс меъёрдан чиқмайди, яъни дунё неъматларига берилмайди²³³. **Тўртинчи асос:** Инсонни ғафлатдан уйғотиб, огоҳлик руҳида тарбиялаш. Огоҳлик ўз навбатида илм, ақл, тафаккурга таянади²³⁴. Бу ғоя Гийлонийнинг “Раббонийликни англаш” асарида яққол тасвирланган. **Бешинчи асос:** Бутун борлик Аллоҳ тажаллийси бўлганлигидан, Аллоҳга муҳаббат руҳида тарбиялаш унинг зухурроти бўлган бошқа борлик шаклларига нисбатан ҳам эзгулик, меҳр-мурувват назарини ҳосил этади. Ҳақиқий инсон Аллоҳ васлига эришган инсон. Бу энг аввало илоҳий ишқ ғояси асосида бўлади. Ушбу ғоялар Абдулқодир Гийлонийнинг “Девони Ғавсул Аъзам”²³⁵ “Мактубот” асарларида ўз аксини топган.

Гийлонийнинг ҳақиқий инсонни тарбиялаш модели Кадрлар тайёрлаш миллий моделимиздан 8 аср илгари вужудга келган бўлса-да, уларда ўзаро ҳам шаклан ҳамнафаслик, уйғунлик кузатилади. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ҳам 5 қисм: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Гийлоний ўз даврида инсонни чуқур ўрганиб, илғор тарбиялаш усулларини илгари сурганлигига гувоҳ бўламиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қодирия таълимоти инсонни тизимли ёндашиб тадқиқ этган. Демак, комил инсонга оид

қарашлар инсоннинг жисмоний ва руҳий камолотини уйғун тарзда талқин этади. Уни тарбиялаш моделининг ижобий томонларини ҳозирги тарбия тизимиغا ҳам қўллашнинг самарали натижалари бўлиши мумкин.

Ушбу бобнинг умумий хулосаси қуйидагилардан иборат:

1. Ҳозирги кун мурса фалсафасини тадқиқ этишнинг тарихий-ғоявий асосларидан бири қодирия таълимотининг бағрикенглик ғоясидир. Бу таълимотдаги мувофиқлик, уйғунлик, ихтилофсиз ҳаёт тарзи, озор бермаслик, бутун борлиққа муҳаббат, инсоний мурса ва мадора билан яшаш тарзини тарғиб этиш, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлайдиган йўл ва воситалардир.

2. Инсоннинг ўз-ўзини идора этиши, нафсини таниш ва бошқара олиши, нафс тарбияси масаласи ахлоқан фазилатли кишини тарбиялаш учун муҳим омилдир.

3. Баркамол инсон тарбиясида Гийлонийнинг комил инсон ва уни тарбиялаш йўлларини ўрганиш самарали натижаларга эришишга асос бўла олади.

ХУЛОСА

Абдулқодир Гийлоний XI-XII асрларда яшаган йирик мутасаввиф сифатида машхурдир. Гийлоний қолдирган бой маънавий мерос фалсафа тарихи ва тасаввуф таълимотига тааллуқли бўлиб, унда борлик, шахс, нафс, рух ва инсон камолоти масалалари тадқиқ этилган. Шу боис унинг ижтимоий-ахлоқий мероси нафақат тарихий нуқтаи назардан, балки инсон ва жамият тараққиёти учун ҳам муҳимдир. Қодирия таълимотида борлик категорияси ваҳдати вужуд асосида инсон борлиги билан чамбарчас яхлитликда талқин этилган. У қуйидаги жиҳатлари билан изоҳланган:

- борлиқнинг ягона илоҳий вужуд билан бирлиги, яхлитлиги ва у билан диалектик алоқадорликда эканлиги;

- борлиқнинг асосан жисмоний ва руҳий шаклда мавжудлиги ва улар ҳам бир-бири билан ўзаро узвий алоқадор ва боғлиқдир;

- инсон ҳаёти жисмоний ва руҳий борлиқнинг ўзаро уйғунлиги ифодасидир;

Гийлонийнинг гносеологик қарашлари ўз даври хусусиятидан келиб чиққан бўлиб, унда борлик ваҳдати вужуд тарзида талқин қилингани учун билиш объекти ва субъекти шахсдир. Инсон “улуғ олам” бўлганидан ўз-ўзини билиш бутун илоҳий оламни англашнинг асосий йўли саналган. Билиш жараёнида асосий мақсад маърифатли бўлиш ва ҳақиқатга етишдир. Бунинг натижасида инсон камолотга эришади ва ўз навбатида жамият ҳаётида фаол қатнашади. Гийлонийнинг зоҳирий ва ботиний илмларини эгаллаш воситасида маърифатли бўлиш мумкинлиги

ғоясидан ҳозирги кунда ҳам фойдаланиш мумкин. Гийлоний илгари сурган илм ва амал бирлиги ғояси миллат ва мамлакат тараққиёти учун, халқ орасида илм – фанни кенг ёйиш, инсонларни саводхон – маърифатли, диний ва дунёвий билимлардан баҳраманд қилиш ва жамият равнақи учун қимматлидир.

Қодирия таълимотида бағрикенглик тушунчаси илоҳий ишқнинг устуворлигидан келиб чиқиб талқин этилади. “Машғуллик ила фориғлик” шиори қодирия таълимотининг асосий тамойилидир. Бағрикенглик шахсни маънавий камолотга етказувчи хислатлардан ҳисобланади. Ҳозирда шаклланаётган мурса фалсафасининг ғоявий асосларидан бири қодирия таълимотидаги бағрикенглик ғоясидир. Бу таълимотдаги мувофиқлик, уйғунлик, ихтилофсиз ҳаёт тарзи, ўзгаларга озор бермаслик, бутун жаҳонга муҳаббат, мурса ва мадора билан яшаш тарзини тарғиб этиш, мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга ёрдам беради. Мазкур таълимотда ахлоқий тамойиллар камолотга етакловчи ўн хислат асосида таҳлил этилган бўлиб, унда гўзал ахлоқ инсоннинг камолот даражасини акс эттирувчи асосий мезон сифатида қаралган. Инсон табиатида, ўзлигида яхшилик ва ёмонлик, саодат ва шақоват, нур ва зулмат яширинганлигидан инсоннинг доимо огоҳ бўлиб яшаш, шунинг учун у ўз-ўзини назорат этиб, нафсини жиловлаб ахлоқий фазилатларга эга бўлиши мумкин. Аслида бу инсонга, унинг маънавий кучларига бўлган ишончдир.

Комил инсон – ҳақиқий инсонни тарбиялашни мақсад қилиб олган бу таълимотнинг турли қирралари ва амалиёти ҳануз ўз

аҳамиятини йўқотмаган. Ўзбекистонда баркамол инсон тарбияси давлат сиёсатининг устувор соҳаси ҳисобланади. Шунинг учун қодирия таълимотидаги ҳақиқий инсон ғояси ушбу устувор вазифани тўла амалга оширишга хизмат қилади.

Хулосаларга таяниб қуйидаги амалий тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, Республика Фанлар академияси бу соҳага бағишланган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаши мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, қодирия таълимотига оид асарларни, изланишларни интернет тармоғига киритиб, уларни доимий равишда тўлдириб, янгилаб бориш зарур.

Учинчидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда Абдулқодир Гийлонийнинг ижтимоий-ахлоқий ғояларини ўрганишга оид махсус курслар яратиш керак.

Тўртинчидан, Абдулқодир Гийлонийнинг барча асарларини тўплаб, уларни чоп эттиришни йўлга қўйиш зарур.

Бешинчидан, қодирия таълимоти миллий ғоянинг диний-маърифий, фалсафий илдиэларидан биридир. У “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш”га хизмат қилади. Ундаги юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, ижтимоий ҳамкорлик, камолотга етакловчи ўн хислат, комил инсон ҳақидаги ижтимоий-ахлоқий ғоялардан кенг фойдаланиш лозим. Шунинг учун тасаввуфий қадриятлар, инчунин қодирияни ўрганувчилар учун илмий-жамоатчилик марказини ташкил этиш керак.

Олтинчидан, мутафаккирнинг Қодирия таълимотига асос солганлиги, яъни Юртбошимиз таъбири билан айтганда, “Ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-мазмун билан бойиб боради”.²³⁶ Шу боис ҳам бу таълимот бой маънавий мерос бўлиб қолади.

¹Каримов И.А. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида // Халқ сўзи. 2006й. 26 август.

² Ўзбекистоннинг турли вилоятлари, хусусан Бухоро, Самарканд, Хоразмда Абдулқодир Гийлоний шогирдлари томонидан барпо этилган қабр-мақбаралар бутунги кунда гавжум зиёратгоҳларга айланган.

³ Аҳмад ал-Нақшбандий ал-Холидий. Жами ал-усул фи ал-авлия. 3 томлик. - Либнон – Бейрут, 1997; Муҳаммад Доро Шукух. Сафинат ул-авлиё //Қўлёзма В. 37-58 Г.Н.Наврўзова шахсий кутубхонасидан; Хожазода Аҳмад Хилмий. Силсилат ал-машойихи кодирия //Ҳадиқат ал-авлиё. – Истамбул, 1318. Tarikatlar ansiklopediaci. 1-jild. 1997s\80-82.; Абдурахмон Жомий. Нафохоту – л – унс мин ҳазароти – л – қудс // ЎзР ФАШИ қўлёмалар ҳазинаси: № 4409; Алишер Навоий. Насойим – ул муҳабба мин шамойили – л – футувва // ЎзР ФАШИ қўлёмалар ҳазинаси: № 5420; Мусо бин Юнуний. Манокиби Шайх Абдулқодир ал-Жийлоний; Нуриддин Али бин Юсуф Ибнул Жазвий аш-Шаттанавфий. Баҳжат ал-Асрор ва Маъдан ал-анвор. Қоҳира, ҳиж. 1304; Муҳаммад бин Яҳё ал-Тодафий. Қалонид ал-Жавохир фий манокиби Шайх Абдулқодир ал-Жийлоний. Қоҳира, ҳиж. 1303;

⁴ Тримингэм Дж. Суфийские ордены в исламе. – М.: Гелиос, 2002; Суфизм в Центральной Азии (Зарубежные исследования). – СПб.: С- ПбГУ, 2001. Хазраткулов М. Тасаввуф. – Душанбе Маориф, 1988; Крымский А. История Персии и ее литературы и дервишской теософии. Т.2, - М.: Наука, 1972; Бартольд В. Мистицизм в исламе// Соч. Т.6. Ислам: -М.: Наука, 1918; Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература, - М.: 1965; Петрушевский И. Ислам в Иране в VII-XV вв. – Ленинград, ЛГУ, 1966; Брагинский И. Из истории персидской и таджикской литературы// Избранные работы. – М.: Наука, 1972; Махмуд Аъсад Жўшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. –Т.: Истиклол, 2001; Аликулов Ҳ. Нақшбандия қадриятлари // Туркистон, 1994. № 14 сентябр; Носиров Р.Н. Тасаввуф таълимоти ва уни урганишнинг баъзи методологик қирралари. // Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанининг долзарб муаммолари. Тўплам. 1996. –Б.140-141; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв.): Автореф.дисс...док.филос.наук. – Т.: 1993; Каримов Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавареннахр в XV в: Автореф.дисс...канд.ист.наук. – Т.: 1990.

⁵ Ал-Ғуняту ли-толиби тарикил-Ҳақ(Ҳақ йўлини истовчи учун бой ва мукамал манба) Изох: ушбу асардан бир лавҳа Гийлонийнинг нашр этилган “Сиррул асрор” китобидан жой олган. Қаранг: Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний Сиррул асрор. Мактубот. –Т.: Мовароуннаҳр, 2005, 220-б.; Ал-Фатҳ ар-Раббоний вал-Файз ар-Раҳмоний (Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш) –Т.: Мовароуннаҳр, 2005 123-б.; Футуҳ ал-Ғайб, ЎзР ФАШИ фонди № 2632-қўлёзма; Ҳизб-ул фаҳр-и л-кабир бил-Жилани/ Москвадаги ФА бўлимида № 3523 рақами остида сақланмоқда. Қаранг: Арабские рукописи института востоковедения. –Ч.1. Краткий каталог / Под редакцией А.Б.Халидова. –М.: Наука, 1986. –С.176.; Жало ал-Хотир. Шайхнинг ваъзлар мажмуаси. Араб тилида. Шахсий кутубхонадан; Йавокит ал-Ҳикам (Ҳикмат ёкутлари) Араб тилида. Шахсий кутубхонадан; Ал-Фуйузот ал раббонийа фил аврод ал кодирия (Дуо ва вирдлар мажмуаси. Араб тилида); Девони ҳазрати Ғавсул-Аъзам. Тошбосма асар. Шахсий кутубхонадан, Сиррул-Асрор., Мактубот. Таржимон Жўрабоев О. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

⁶ Валийларнинг ҳаёт тарзи ҳақидаги асар.

⁷ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Т.: Мовароуннаҳр, 2004; Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999;

⁸ Жузжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. –Т.: Адолат. 2001.

⁹ Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. –Т.: Ёзувчи, 1996. 18-24б.

¹⁰ Султонмурод Олим. Ғавс ал-Аъзам ёки кодирия тариқати // Сино. -2003. № 1. 33-35б.

¹¹ Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот/ Таржимон Жўрабоев О. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005.

¹² Муҳаммад Сиддик Рушдий Ғавсул Аъзам/ Нашрга тайёрловчи: Остонақулов И. - Т.: Мерос, 1993; Мансуров Ш., Остонақулов И. Ғавсул Аъзам// Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. - Т.: Ўзбекистон, 1994; Авлиёлар султони/ Нашрга тайёрловчи: Остонақулов И., - Т.: Камалак, 1995; Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. - Т.: Мовароуннаҳр, 2001; Жўрабоев О. Абдулқодир Гийлоний ва унинг мактублари хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2002. 4-сон. - 312-315б; Унинг ўзи: Ғавсул Аъзам ҳажнинг баёни хусусида // Хуррият, 2005, 19 январь; Унинг ўзи: Ҳазиний Тўра. –Т.: Фан, 2007.

¹² Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе/ Перевод с английского. О.Ф.Акимовкина. М.: Гелиос, 2002. – 18 с.

¹³ Файзуллаев О.Ф. Шайх Зайниддин Бобо шажараси // Фан ва турмуш. -1991.- 1-сон. -16 б; Алишер Навоий мутасаввиф-файласуфлар ҳақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -

1991. – 11-сон. -43-46 б; Шайх Умар Сухравардийнинг Тошкентдаги авлодлари шажараси // Ҳаёт ва қонун. -1995. – 2-сон. -68б; -4-сон. -57б;

¹⁴ Наврӯзова Г.Н. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. -Т.: Фан, 2005.

¹⁵ Шарипова О.Т. Хўжа Абдуҳолик Ғиждувоний тасаввуфий таълимотида ахлокий қадриятлар. Фалс.фан.ном.дисс.автореф. -Т.: БухДУ, 2002.

¹⁶ Сафарова Н. Хожагон тариқати. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2003.

¹⁷ Комилов Н.Тасаввуф.Тасаввуф ёки қомил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. -Т.: Ёзувчи, 1996. Унинг ўзи: Тасаввуф. Тавҳид асрори. Иккинчи китоб.-Т.: Ғафур Ғулом, 1999.

¹⁸ Алиқулов Ҳ., Носиров Р., Қодиров М., Омонбоева Р., Ашуров А. Тасаввуф таълимоти ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Андижон, 2005.

¹⁹ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. -Т.: Истиқлол. 1996.

²⁰ Маҳмуд Аъяд Жўшон. Ислоҳ, тасаввуф ва ахлоқ. -Т.: Истиқлол, 2001.

²¹ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе/ Перевод с английского. О.Ф.Акимюшкина. М.: Гелиос, 2002. - 412-414 с.

²² Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе/ Перевод с английского. О.Ф.Акимюшкина. М.: Гелиос, 2002. – 18 с.

²³ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм.-М.: Наука, 1992.

²⁴ Аҳмад ал-Накшбандий ал-Ҳолидий. Жами ал-усул фи ал-авлия. Лубнон Бейрут, 2002.

²⁵ Ҳазратқулов М. Тасаввуф. - Душанбе: Маориф, 1988.

²⁶ Юнусова Г. Қодирия таълимоти ва унинг ижтимоий-ахлокий моҳияти. НД. –Тошкент, 2007. -144 бет.

²⁷ Ahlwardt, Verz. D. Arab. Handschr., nr. 100072-100092.

²⁸ Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мақтубот/ Таржимон Жўрабоев О. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 8.

²⁹ Навоий А. Насойим – ул муҳаббат. Мукаммал асарлар тўплами. 17т. - Т.: Фан, 2001.- Б.374 .

³⁰ Муҳаммад Доро Шуқуҳ Сафинат-ул авлиё. Тошбосма асар.- 58 сах.

³¹ Муҳаммад Сиддик Рушдий Рисолайё қодирия. И.Остонақул таржимаси. -Т.: Камалак, 1996. Б-37.

³² Мансуров Ш., Остонақулов И. Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироқлар. -Т.:Ўзбекистон, 1994. –Б.79-80. Ислоҳ энциклопедияси. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б.66. Муҳаммад Сиддик Рушдий Ғавсул Аъзам. Таржимон Остонақулов И., - Т.: Камалак, 1996 .

- ³³ Ислом комусидан саҳифалар // Сирли олам №12 . 1991. –Б. 27.
- ³⁴ Навоий А. Насойим – ул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17т. – Т.: Фан, 2001. – Б.24.
- ³⁵ Қаранг: Навоий А. Насойим – ул муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17т. – Т.: Фан, 2001.–Б.375.
- ³⁶ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского. О.Ф.Акимущина. – М.: Гелиос, 2002.–С. 67.
- ³⁷ Комилов Н.Тасаввуф. - Т.: Ғафур Ғулом , 1999. –Б. 179.
- ³⁸ Мужтахид (араб. — интилувчи, гайрат килувчи) – Ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича ҳулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс. (Ислом энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.- Б.166)
- ³⁹ Аҳмад ал-Нақшбандий ал-Ҳолидий “Ҷами ал-усул фи ал-авлия” 3 томлик, Лубнон – Бейрут, 1997 й. - Б.163
- ⁴⁰ Муҳаммад Доро Шукух. Тошбосма асар, - Б. 43 - А.
- ⁴¹ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. -Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б.97.
- ⁴² Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского. О.Ф.Акимущина - М.: Гелиос, 2002.С. 67.
- ⁴³ Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм.-М.: Наука, 1992. – С. 207.
- ⁴⁴ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с англ. Акимущин О. -М.: Гелиос, 2002. - С. 67.
- ⁴⁵ Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон Журабоев О. –Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б.14.
- ⁴⁶ Ҳолмирзаева Ж. Ғавсул Аъзамнинг фарғоналик авлодлари // Сино, 2005. №18, - Б. 47-48.
- ⁴⁷ Муҳаммад Сиддик Рушдий. Авлиёлар султонни. Нашрга тайёрловчи Икромиддин Остонакул ўғли Оккурғоний. - Т.: Камалак 1995. – Б. 7.
- ⁴⁸ Ушбу асардан парча араб тилидан С.Сайфуллоҳ томонидан таржима қилинган бўлиб, 2005 йилда нашрдан чиққан “Сиррул асрор” китобига киритилган. Қаранг: Сиррул асрор. Мактубот.Таржимон О.Журабоев. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 220. Яна қаранг: ЎзР ФА ҳузуридаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Ғунятун ли толиби тариқил Ҳаққ” асарининг қўлёзма нусхаси 6038 рақами остида сақланмоқда.

⁴⁹ Ушбу асар таркибидаги “Қасидаи Ғавсия”ни форс тилидан таржимасини амалга оширдик. // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2004. №1. Асарнинг қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА ҳузуридаги Шарқшунослик институти Бухоро филиали хазинасида №27775/11 рақами остида сақланмоқда.

⁵⁰ Ушбу асарнинг биз таржима қилган варианты “Тухфатул қодирия”нинг таркибида бўлиб, унинг яна 4 нусхаси ЎЗР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Қасидаи Жилоний” ва “Қасидаи Ғавсия” номлари билан мавжуд. Улар №10650, №11342, №6491, №504 рақамлари остида сақланмоқда.

⁵¹ Ушбу асар тошбосма нусхада бўлиб, уни биз илк маротаба топиб, тўла таржима этдик ва унинг бир қисми ҳақида “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналининг 2004 йил 3-сонида маълумот бердик. Асарнинг ЎЗР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Девони Мухйи” номи билан 11 нусхаси , мавжуд. Улар қуйидаги рақамлар остида сақланмоқда: №7321, №3337, №7015, №3876, №3393, №1049, №7498, №682, №676, №5646, №919, №1044.

⁵² Ўн биринчи хатм – яъни ҳар ойнинг ўн биринчи кунидан то йигирма биринчи кунигача ўтказиладиган маросим. (Изоҳ Ю.Г.)

⁵³ Шайх Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мақтубот. Таржимон О.Жўрабоев. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005. 224 – б.

⁵⁴ Ушбу асарнинг форс тилидан таржимаси филолог олим Жўрабоев О.томонидан амалга оширилган ва бу ҳақда “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналининг 2002 йил 4-сонида маълумот берилган. 2005 йил “Мовароуннаҳр” нашриётидан нашрдан чиқди. ЎЗР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Мақтуботи Гийлоний” асарининг 2 нусхаси мавжуд. Улар №10772, № 2093 рақамлар остида сақланмоқда.

⁵⁵ Арабские рукописи института востоковедения. -Ч.1. Краткий каталог / Под ред. А.Б.Халидова. -М.:Наука, 1986. -С.176.

⁵⁶ Ушбу асарнинг матни “Аврод ва вазоиф” тошбосма асаридан олинган. Бу асар нусхаси Бухоро шаҳридаги “Пири Дастгир” масжиди имоми Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Асарни биз имкон даражасида араб тилидан таржима қилдик. ЎЗР ФА ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Авроди Шайх Абдулқодир Жилоний” 4 нусхада сақланган. Бу асар нусхаси Санкт-Петербургда ҳам мавжудлигини Холидов Б.ёзган. Унда берилган маълумотга қўра №3445 рақами остида сақланаётган асарнинг тўлиқ номи “Ал аврод-ул усбуъийа-

Абдалкадир Гиланий ” “Абдулқодир Гийлонийнинг ҳафталик вирдлари” сифатида берилган.

⁵⁷ Жонмуҳаммад Гулов шахсий кутубхонасидан. “Аврод ва Вазоиф” тошбосма асар.

⁵⁸ Авроди Қуръоний. Ҳафта давомида ўқиладиган Қуръоний зикр-дуолар. Таржимон, шарҳ ва изоҳлар муаллифи Баҳриддин ибн Сафар ан-Нурий ал-Ханафий Т.: Мовароуннаҳр. 2005. –Б. 79 .

⁵⁹ “Фатхур раббоний вал файзи раҳмоний” (аслиятда) асарининг таржимаси бўлиб, уни амалга оширган Муҳаммадҷон Нуриддин, Олимхон Юсуф, Аброр Абдулазим, Абдулбоки Азим ва масъул муҳаррир имом хатиб Тўлқин Ийсо ўғли меҳнатлари таҳсинга лойик ишдир. Ушбу асар “Мовароуннаҳр” нашриётида 2005 йил (1-китоби) нашр этилди. Унда тасаввуфнинг хусусиятлари, унинг амалий ҳаётда тариқат тушунчаси орқали намоён бўлиши ва қодирия ҳақида фикр юритилган.

⁶⁰ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат-изоҳлар муаллифи Журабоев О. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 22-24.

⁶¹ Маҳкам Андижоний. Ислоҳ қомусидан саҳифалар // Сирли олам, 1991, № 12. - Б. 27-28.

⁶² Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. -Т.: Истиклол, 1999. –Б. 61.

⁶³ Ислоҳ энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. –Б. 226.

⁶⁴ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннаҳр, 2005. –Б. 79.

⁶⁵ Н. Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996, –Б. 25.

⁶⁶ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О. Журабоев, -Т.: Мовароуннаҳр, 2005. -Б. 77.

⁶⁷ Сайид Абдулқодир Гийлоний. Девони Ғавсул Аъзам. Тошбосма асар. 48-сах. Шахсий кутубхонадан.

⁶⁸ Таржима ушбу сатрлар муаллифига оид.

⁶⁹ Сайид Абдулқодир Гийлоний. Девони Ғавсул Аъзам. Тошбосма асар. 48-сах.

⁷⁰ Таржима ушбу сатрлар муаллифига оид.

⁷¹ Изоҳ: тифл – фарзанд ёки гўдак маъносини англатиб, улар поклик, бегуборлик рамзидирлир.

⁷² Изоҳ: Азалий борлик – бу ваҳдати вужуд, яъни ундан бутун борлик пайдо бўлган ва кейинги вужуднинг у билан бирга бўлишиш ўртадаги фарқларнинг йўқолганлигидан кейин бўлади.

⁷³ Рутба – арабчадан даража деган маънони англатади (Ю.Г.)

- ⁷⁴ Elhac. Muzaffar Ozar, Salax Biligi . Ziynet – ul - Kulub. Istanbul.1973 41 - B
- ⁷⁵ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний . Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат, 2001. – Б.147.
- ⁷⁶ Ўша асар. – Б. 148.
- ⁷⁷ Ислои энциклопедияси. - Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. -Б 157.
- ⁷⁸ Ҳар бир суфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичлар.
- ⁷⁹ Бошқа тариқатларда (масалан: нақшбандия, мужаддидия) тариқат босқичлари 4 га бўлинган.
- ⁸⁰ Elhak Muzaffar Ozar, Salax Biligi . Ziynet – ul - Kulub. Istanbul.1973 41 - B
- ⁸¹ Ўша асар. -Б.41 .
- ⁸² Elhac Muzaffar Ozar, Salax Biligi . Ziynet – ul - Kulub. Istanbul.1973 -Б.43
- ⁸³ Elhac Muzaffar Ozar, Salax Biligi . Ziynet – ul - Kulub. Istanbul.1973 -Б.43
- ⁸⁴ Ўша жойда.
- ⁸⁵ Ушбу тушунчалар таҳлили “Сиррул асрор” асари асосида берилди.
- ⁸⁶ Бидъат – янгилик киритувчилар, яъни ўз эҳтиёжларига қараб қулайлик яратувчилар.
- ⁸⁷ Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Журабоев., Т.: Мовароуннаҳр, 2005, -Б. 148
- ⁸⁸ Ислои энциклопедияси. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004. –Б.157.
- ⁸⁹ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. М.: Гелиос, 2002.-С.412-414.
- ⁹⁰ Имом Абу Абдулрахмон ас-Сулами. Табақоти суфиййа. – Т.: Фан, 2004.- Б. 8.
- ⁹¹ Абдуҳолик Ғиждувоний. Маслак ал орифин. Тошбосма. Б-44
- ⁹² Тримингэм ДЖ.С.Суфийские ордены в исламе.-М.: Гелиос, 2002. –С. 69
- ⁹³ Ислои қомусидан саҳифалар Маҳкам Андижоний нашрга тайёрлаган, Сирли олам - 1991. N12.-Б 27.
- ⁹⁴ Болтаев М.Н. Ҳўжа Абдулҳолик Ғиждувоний - инсондуст ҳаким, рифъат шайх. Бухоро - 1994. -Б 2.
- ⁹⁵ Васиятнома. Ҳўжа Абдулҳолик Ғиждувоний. Масъул муҳаррир Ҳуршид Даврон. -Т.: Мовароуннаҳр, 1993. -Б 5.
- ⁹⁶ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. –М.: Гелиос, 2002. -С.44.
- ⁹⁷ Кара М. Тасаввуф ва тариқатлар тарихи. Истанбул: 1996. -Б.290.(Иқтибос У.Турардан олинди.)
- ⁹⁸ Ирфон Гундуз Кумушхонавий Аҳмад Зиёвуддин -Истанбул: 1984. -Б.274.(Иқтибос У.Турардан олинган.)
- ⁹⁹ Муҳаммад Сиддик Рушдий. Туронлик валийлар. Т. Янги аср авлоди. 2004. –Б. 8.

- ¹⁰⁰ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Журабоев. -Т.: Мовароуннахр, 2005. -Б.85.
- ¹⁰¹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Т.: Мовароуннахр, 2005. -Б. 47.
- ¹⁰² Ўша асар. -Б.47.
- ¹⁰³ Ўша жойда.
- ¹⁰⁴ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Т.: Мовароуннахр, 2005.-Б.100.
- ¹⁰⁵ Ўша асар. -Б. 44.
- ¹⁰⁶ Ўша асар. -Б.97.
- ¹⁰⁷ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Т.: Мовароуннахр, 2005. -Б.96.
- ¹⁰⁸ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Т.: Мовароуннахр, 2005. -Б. 101.
- ¹⁰⁹ Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. -М.: Гелиос, 2002.-С 186.
- ¹¹⁰ Ziyat-ul-kulub – Elhak Muzaffar Ozar, Salah Biligi. Istanbul - 1973
- ¹¹¹ Файзуллаев О. Нафс, жон ва рух. -Т.: Академия, 2005. - Б 35.
- ¹¹² Абдулқодир Гийлоний.Девони Ғавсул Аъзам 29-саҳ.Тошбосма асар. Шахсий кутубхонадан.
- ¹¹³ Таржима Ушбу сатрлар муаллифига оид.
- ¹¹⁴ Абдулқодир Гийлоний. Девони Ғавсул Аъзам 29- саҳ. Тошбосма асар.
- ¹¹⁵ Таржима Ушбу сатрлар муаллифига оид.
- ¹¹⁶ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. - Т.: Истиклол, 1999. - Б.153.
- ¹¹⁷ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Т.: Мовароуннахр, 2005.-Б. 101.
- ¹¹⁸ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат, 2001. -Б.149.
- ¹¹⁹ Абдулқодир Гийлоний. Девони Ғавсул Аъзам. 4 - бет. Тошбосма
- ¹²⁰ Таржима ушбу сатрлар муаллифига оид.
- ¹²¹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний.Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Журабоев. - Т.: Мовароуннахр. -Б.34.
- ¹²² Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний.Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Журабоев. - Т.: Мовароуннахр. -Б. 42.
- ¹²³ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний.Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, -Б. 41.

- ¹²⁴ Ўша асар. 42 – бет.
- ¹²⁵ Ўша асар. 51 - бет
- ¹²⁶ Ўша асар. 51 – бет.
- ¹²⁷ Роузентал Франц. Торжество знания в средневековом исламе/ Перевод с английского. - М.: Наука, 1978. С 158-192.
- ¹²⁸ Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 37.
- ¹²⁹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Т.: Мовароуннахр, 2005.-Б. 43.
- ¹³⁰ Ўша жойда. 50-бет.
- ¹³¹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б. 50.
- ¹³² Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот.– Т.: Мовароуннахр. – Б. 51.
- ¹³³ Ўша жойда. – Б.49.
- ¹³⁴ Ўша жойда. – Б. 48.
- ¹³⁵ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот.– Т.: Мовароуннахр. –Б. 40.
- ¹³⁶ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б. 91.
- ¹³⁷ Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. Таржимон: Муҳаммаджон Нуриддин ва бошқалар. - Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б. 14.
- ¹³⁸ Ўша жойда. –Б. 18.
- ¹³⁹ Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. – Б. 19.
- ¹⁴⁰ Ўша асар. – Б. 23.
- ¹⁴¹ Ўша асар . – Б. 27.
- ¹⁴² Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний Сиррул асрор. Мактубот. Т.: Мовароуннахр, 2005.-Б. 40-41.
- ¹⁴³ Ўша жойда. – Б. 36.
- ¹⁴⁴ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот.- Т.: Мовароуннахр, 2005. – Б. 124.
- ¹⁴⁵ Ўша жойда. – Б. 44.

- ¹⁴⁶ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Т.: Мовароуннахр. 2005. – Б. 37.
- ¹⁴⁷ Ўша асар. –Б. 41.
- ¹⁴⁸ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Т.: Мовароуннахр. 2005. – Б. 60.
- ¹⁴⁹ Ўша жойда. – Б. 60.
- ¹⁵⁰ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 38.
- ¹⁵¹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 63.
- ¹⁵² Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 63.
- ¹⁵³ Ўша жойда. –Б. 63.
- ¹⁵⁴ Ўша жойда. –Б. 100.
- ¹⁵⁵ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 61.
- ¹⁵⁶ Зав-ил-арҳам – яқин кариндош. (Иктибос “Сиррул асрор”дан олинди.)
- ¹⁵⁷ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 74.
- ¹⁵⁸ Эранлар – тасаввуф йулидаги эр, мард кишилар.
- ¹⁵⁹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр. 2005. –Б. 74.
- ¹⁶⁰ Ўша асар. Б. 75.
- ¹⁶¹ Ўша асар. –Б. 75.
- ¹⁶² Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 75.
- ¹⁶³ Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш -Т.: Мовароуннахр, 2005. –Б. 26.
- ¹⁶⁴ Ўша жойда. –Б. 26.
- ¹⁶⁵ Ўша жойда. – Б. 60.
- ¹⁶⁶ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир./ Таржимон Маҳкам Маҳмуд. - Т.: Янги аср авлоди, 2004. Б – 126-127.
- ¹⁶⁷ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр. 2005. –Б. 220.
- ¹⁶⁸ Ўша асар.

- ¹⁶⁹ Абдулхолик Ғиждувоний. Маслак ал орифийн. Кўлзма. Бухоро Ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси. Кўлзма – В. 20а.
- ¹⁷⁰ Тарихи Муллозода. – Техрон, 1360. – Б. 46.
- ¹⁷¹ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр 2005.-Б. 220.
- ¹⁷² Тарихи Муллозода. – Техрон, 1360.46-бет.
- ¹⁷³ Ислом энциклопедияси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. –Б. 202.
- ¹⁷⁴ Ўша жойда.
- ¹⁷⁵ Сайид Абдулқодир Гийлоний. Камолотга етказувчи ўн хислат. С.Сайфуллох таржимаси// Ёш куч. -2000. № 10 –Б 10.
- ¹⁷⁶ Ўша асар
- ¹⁷⁷ Муҳаммад Озар, Салах Билиги. Қалбларнинг зийнатлари. - Истанбул 1973.-Б. 49.
- ¹⁷⁸ Ўша жойда. -Б.49.
- ¹⁷⁹ Ислом энциклопедияси. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.-Б 272.
- ¹⁸⁰ Муҳаммад Озар, Салах Билиги. Қалбларнинг зийнатлари. - Истанбул 1973. -Б.49.
- ¹⁸¹ Ўша жойда. -Б.49.
- ¹⁸² Арасту. Поэтика. Ахлоки кабир./Таржимон ва нашрга тайёрловчи Маҳкам Маҳмуд. - Т.: Мовароуннахр, 2004. 96-бет.
- ¹⁸³ Шақоват – бахтсизлик, бадбахтлик
- ¹⁸⁴ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. -Б.92.
- ¹⁸⁵ Ўша асар -Б. 94.
- ¹⁸⁶ Ўша жойда. -Б. 68.
- ¹⁸⁷ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр, 2005.-Б. 220.
- ¹⁸⁸ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. Таржимон О.Жўрабоев. - Т.: Мовароуннахр, 2005. -Б. 220.
- ¹⁸⁹ Ҳ.Аликулов ва бошқалар. Маънавий-ахлоқий кадрятлар мутафаккирлар талқинида.- Андижон, 2003. – Б. 7-8.
- ¹⁹⁰ Шайх Сайид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Т.: Мовароуннахр. 2005.-Б. 220.
- ¹⁹¹ Ислом энциклопедияси. Т.: 2004. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б. 309.
- ¹⁹² Девони Ғавсул Аъзам. Тошбосма асар.14-бет.
- ¹⁹³ Таржима ушбу сатрлар муаллифига оид.
- ¹⁹⁴ Ислом энциклопедияси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004 – Б. 220.

- 195 Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш ва раҳмоний файзни қозониш. Биринчи китоб. - Т.: Мовароуннахр, 2005. 27- бет.
- 196 Мансуров Ш., Остонақулов И.. Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. - Т.: Ғафур Ғулом, 1994. -Б.87.
- 197 Б.Наврӯз-зода. Инсон иқтисодий камолотидаги босқичлари. Мезонлари ва даражалари //Бух. Университети илмий ахборотлари. 2004 .№ 4. 63 – 69-бетлар.
- 198 Ўша жойда.
- 199 Ўша жойда. 65-бет.
- 200 Ўша жойда.
- 201 Усмон Турар.Тасаввуф тарихи. – Т. Истиклол. – Б. 187.
- 202 Ўша жойда.
- 203 Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Туронлик валийлар. -Т.1995. – Б.38.
- 204 Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. - Т.: Ёзувчи, 1996. -Б.153.
- 205 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Б. 106.
- 206 Ўша асар. – Б. 97.
- 207 Ўша жойда.
- 208 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Б. 97.
- 209 Ўша жойда. - Б. 44.
- 210 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Б. 47.
- 211 Ўша жойда. – Б. 102.
- 212 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Б. 105.
- 213 Ўша жойда.
- 214 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Т. Мовароуннахр, – Б. 96.
- 215 Ўша жойда. -Б.39.
- 216 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Б. 42.
- 217 Ўша жойда. -Б. 93.
- 218 Ziynat-ul-kulub – Elhak Muzaffar Ozar., Salah Biligi. –Istanbul, 1973.
- 219 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. – Т. Мовароуннахр. – Б. 68.
- 220 Ўша жойда. 40-бет.
- 221 Ўша жойда.
- 222 Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот – Б. 41.
- 223 Ўша жойда.-Б. 37.

- ²²⁴ Ўша жойда. - Б. 37.
- ²²⁵ Ўша жойда. -Б. 94.
- ²²⁶ Шайх Сайинд Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Б. 96.
- ²²⁷ Ўша жойда. -Б. 34.
- ²²⁸ Ўша жойда. -Б. 35.
- ²²⁹ Ўша жойда. -Б.42.
- ²³⁰ Ўша жойда. - Б. 100-101.
- ²³¹ Шайх Сайинд Абдулқодир Гийлоний. Сиррул асрор. Мактубот. - Б. 150.
- ²³² Юнусова Г.С.Абдулқодир Гийлоний таълимотида билиш муаммолари//Фалсафа ва ҳуқук. Т.:2005. №3. -Б. 78-82.
- ²³³ Наврӯзова Г., Юнусова Г. Қодирия ва нақшбандия тасаввуфий таълимотида тана ва руҳ муносабати талкини.// СамДУ Илмий тадқиқотлар ахборотномаси.2005.№ 6. -Б. 8-13.
- ²³⁴ Юнусова Г. “Машгуллик ила фориглик”. //Имом Бухорий сабоқлари. - Т.: 2005. №4. - Б.188-189.
- ²³⁵ Тошбосма асар. Бу ҳақда қаранг: Юнусова Г. “Абдулқодир Гийлонийнинг Девони Ғавсул Аъзам асари хусусида”// Имом Бухорий сабоқлари. - Т.: 2004. № 3. -Б. 39-41.
- ²³⁵ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2008. 40-41 бетлар.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА.....	4 - 8
I БОБ. АБДУЛҚОДИР ГИЙЛОНИЙ - ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСЧИСИ.....	9
1.1. Абдулқодир Гийлонийнинг ҳаёт йўли ва маънавий мероси.....	9-20
1.2. Қодириянинг тасаввуф таълимотидаги ўрни.....	21 - 44
II БОБ. ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ФАЛСАФИЙ- ИРФОНИЙ АСОСЛАРИ	45
2.1. Борликка оид ғоялар.....	45 - 61
2.2. Билишга оид фикрлар.....	77 -101
III БОБ. ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЖТИМОИЙ- АХЛОҚИЙ МОҲИЯТИ	102
3.1. Бағрикенгликка оид ғоялар.....	102 -118
3.2. Абдулқодир Гийлонийнинг инсон ахлоқий камолотига оид қарашлари.....	119-136
3.3. Гийлонийнинг комил инсон таълимоти ва уни тарбиялаш йўллари.....	137- 154
ХОТИМА	155-158
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	156-168

Босишга рухсат этилди 16.01.09, шартли босма табағи 10,5

«Texno-tasvir» boshmaxonasi

Buxoro sh. Q.Murtazoev ko'chasi 15 uy

513 xona, tel. 223-18-02

Buyurtma  100 nusxa

2009 yil